

Тенг ҳуқуқли иштирок

Ногиронларнинг сайлов ва сиёсий жараёнлардаги иштирокини таъминлаш йўллари





Мазкур қўлланма АҚШнинг Халқаро ривожланиш агентлиги (USAID) қўмагида Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси (IFES) ва Миллий Демократик Институт (NDI) томонидан тавсия сифатида ишлаб чиқилган. Ушбу нашрда муаллифлар томонидан билдирилган фикрлар АҚШ Ҳукумати ва Халқаро ривожланиш агентлиги нуқтаи-назарига мос келмаслиги мумкин.

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ИШТИРОК
Ногиронларнинг сайлов ва сиёсий жараёнлардаги
иштирокини таъминлаш йўллари





Тенг Ҳуқуқли Иштирок: Ногиронларнинг сайлов ва сиёсий жараёнлардаги иштирокини таъминлаш йўллари

© 2014 йил, Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси (*IFES*). Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.

Рухсатнома: IFESнинг ёзма рухсатсиз, мазкур нашрни (барчасини ёки қисман) бирор шаклда, электрон ёки механик восита орқали, шу жумладан нусха олиш, ёзиб олиш орқали, ёхуд маълумот сақлаш ва қидирув воситалари (тизимлари)дан фойдаланган ҳолда нусха кўчириш тақиқланади.

Рухсат олинишига талабгор мурожаатлар қуйидаги маълумотларни келтириб ўтишлари керак:

- Нусха кўчирилиши сўралаётган нашр ҳақида қисқача маълумот.
- Нусхаси кўчирилаётган маълумотларнинг нима мақсадда ва қандай услубда фойдаланилиши юзасидан изоҳ;
- Исми-шарифи, лавозими, корхона ёки ташкилотнинг номи, телефон ва факс рақами, электрон почта манзили, ҳамда почта манзили.

Илтимос, рухсат олинишига талабгор мурожаатларни қуйидаги манзилга жўнатинг:

Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси (*IFES*).

International Foundation for Electoral Systems

1850 K Street, NW, Fifth Floor

Washington, D.C. 20006

E-mail: editor@IFES.org

Fax: 202.350.6701

Муқовадаги расм муаллифи Бутанлик Тшетен Доржи.

26-, 31- ва 55- бетлардаги (юқори ва пастдаги) расмлар Миллий Демократик Институтнинг муаллифлик мулки ҳисобланади.

Барча бошқа расмлар IFESнинг муаллифлик мулки ҳисобланади.

Ўқиш учун – қулай қисми - Ирландиялик Грайн де Паор томонидан тайёрланган, Down Syndrome Ireland ташкилоти.

Ушбу нашр ногиронлар вакили Юсдианага (Yusdiana) бағишланади. Унинг серғайрат интилишлари Жанубий - Шарқий Осиё ва бошқа жойлардаги ҳамкорлари учун доимий илҳом манбаи бўлиб хизмат қилди.

IFES ва NDI ташкилотлари ҳақида

Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси(IFES)

Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси (IFES) фуқароларнинг сайловлардаги эркин ва адолатли иштирокини қўллаб-қувватлайди. Мазкур сайлов тизимларини мустақамлашга ва масалаларнинг узоқ муддатли ечимини топишга қаратилган мустақил эксперт хулосаси маҳаллий имкониятларни яратишга йўналтирилгандир.

Жаҳонда демократиянинг етакчи тарғиботчиси сифатида, биз қуйидаги йўллар орқали самарали бошқарув ва демократик ҳуқуқларни ривожлантираемиз:

- Сайланадиган мансабдор шахсларга техник кўмак кўрсатиш орқали;
- Сиёсий жараёнларда кам иштирок этадиган аҳоли гуруҳларининг имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашиш орқали;
- Сайлов циклини фаоллаштириш мақсадида жойларда тадқиқотлар ўтказиш орқали.

IFES ногиронларнинг сайлов ва сиёсий ҳаётда иштирок этишини тарғиб қилиши борасида дунё бўйлаб етакчи ташаббусларни илгари сурувчи илғор тажрибага эга. IFES турли соҳада ишловчи ногиронларнинг ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти ташкилотлари ва ҳукумат (бошқарув маъмурияти) билан ҳамкорлик қилади. Бунда глобал воситалардан фойдаланиш назарда тутилиб, тўпланган тажрибалар шуни кўрсатадики, сиёсий жараёнларда иштирок этишни хоҳлайдиган ногиронлар учун биринчи йирик глобал алоқа ресурси www.ElectionAccess.org саналади. Амалга оширилган мазкур ишларни эътироф этадиган бўлсак, 2011 йилда IFESга “Ногиронлар билан мулоқот юритиш ва уларнинг иштирокини таъминлаш бўйича” мукофоти берилди.

IFES 1987 йилдан буён 135 дан зиёд ривожланаётган ва ривожланган демократик давлатларда ўз фаолиятини юритиб келмоқда. Қўшимча маълумотларни www.IFES.org ва www.ElectionAccess.org сайтларидан олиш мумкин.

Миллий Демократик Институт (NDI)

Миллий Демократик Институт (National Democratic Institute, NDI) –инсонларнинг асосий ҳуқуқларини тан оладиган ва уларни тарғиб қиладиган, бутунжаҳон халқларнинг демократик жамиятларда яшаш истаги ва интилишларини қўллаб-қувватлайдиган нотижорат, холис ва нодавлат ташкилот бўлиб ҳисобланади.

NDI ўз фаолияти давомида маҳаллий шериклари билан 1983 йилдан буён ташкил этилган сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти ташкилотлари ва парламентларни қўллаб-қувватлаш, сайловларнинг одиллигини таъминлаш, фуқароларнинг фаол иштирокини тарғиб этиш ҳамда давлат идораларининг ошкоралигини ва мунтазам ахборот бериб бориш кўрсаткичини ошириш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиб келади.

100 дан ортиқ мамлакат фуқаролари орасидан ходимлари ва сиёсат соҳасида каттагина амалий тажрибага эга бўлган кўнгиллилар билан биргаликда, Миллий Демократик Институт жамиятнинг барча иштирокчилари (фуқаролар, ташкилотлар) орасида фикр, билим ва тажрибаларни ўзаро алмашинуви орқали ҳамкорликни кучайтиради. Ҳамкорларимиз маҳаллий шароитларни инобатга олган ҳолда, халқаро тажрибаларни ўзлаштирадилар. Ўзининг кўп мамлакатлардаги тажрибасидан келиб чиқиб, Институт демократиянинг тамомила ягона модели мавжуд эмаслигини эътироф этиб, баъзи асосий тамойилларни умумэътироф этилган тамойиллар деб ҳисоблайди.

Институт фаолияти “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”да таъкидлаб ўтилган тамойилларни қўллаб-қувватлашга қаратилгандир. Бундан ташқари, унинг фаолияти фуқаролар, сиёсий тузулмалар ва сайланадиган мансабдор шахслар ўртасидаги ўзаро мулоқот йўлларини ривожлантиришни қўллаб қувватлайди ҳамда барча фуқароларнинг ҳаёт даражаларини яхшилаш бўйича салоҳиятни мустақамлайди. NDI ҳақида қўшимча маълумотларни www.ndi.org сайтдан олиш мумкин.

ТАШАККУРНОМА

“Тенг ҳуқуқли иштирок” қўлланмаси Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси (IFES) вакили Виржиния Аткинсон ва Миллий Демократик Институт (NDI) вакиллари Аэрон Эйзелтон ва Кент Фогг томонидан ёзилди.

Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси (IFES) ва Миллий Демократик Институт (NDI) ушбу қўлланмани тайёрлашда ўз тажрибалари, вақтлари ва билимлари билан ҳисса қўшган кўпгина ташкилот ва шахсларга ўзларининг чуқур миннатдорчиликларини билдирадидлар. Ушбу нашрнинг охириги матнини тайёрлашда қуйидаги рецензентлар ва ташкилотлар ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазалари билан ҳиссаларини қўшдилар:

- Патрик Кларк - Down Syndrome Ireland (Ирландия) ташкилотининг бош директори;
- Кристина Франциско – Ногирон аёллар Уюшмаси таъсисчиси (Доминикан Республикаси);
- Сюзан Ҳендерсон – Ногиронлар ҳуқуқлари ва таълимни муҳофаза қилиш Жамғармаси Ижрочи директори;
- Анна Лоусон – Ҳуқуқ ва ногиронлар ҳуқуқлари бўйича доцент, Лидс Университети, Буюк Британия;
- Фараи Мукута – Ногиронларга ғамхўрлик қилиш бўйича уюшмалар Миллий ассоциацияси Ижрочи директори (Зимбабве);
- Александрия Панехал – АҚШнинг Халқаро ривожланиш агентлиги (USAID), Доминикан Республикасидаги ваколатхона директори;
- Ҳишам Рашиди – Марокашдаги имконияти чекланган шахслар ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш жамияти маслаҳатчиси;
- Сюзан Сигалл – Mobility International (АҚШ) ташкилоти бош директори ва таъсисчиларидан бири;
- Стефан Тромел – Ногиронлар Халқаро Уюшмаси (International Disability Alliance) Директори;
- Юсдиана – Ногиронларнинг ҳуқуқлари бўйича Бош маслаҳатчи, Индонезия Ногиронлар Уюшмаси;
- Ижтимоий йўналтириш бўйича марказ (Сербия);
- Ногирон-ёшлар форуми (Сербия).

Шу жумладан, IFES ва NDI ҳамкасблари, Дэвид Эннис, Кайл Лемаржи, Максимо Залдивар (IFES) ҳамда Елена Абрамович, Пэт Мерлоу ва Томас Келли (NDI) ларга фуқаролик жамияти гуруҳлари ва сайловни бошқариш идоралари билан ҳамкорлик тажрибалари асосида кўрсатган техник ёрдамлари учун чуқур миннатдорчилик билдирилади. Қўлланманинг янада сифатли бўлишида унинг матн мазмуни муаллифи Эрика Шейн, графика дизайни ва нашри моҳир Белла Десаи ва Жейн Миллерлар (IFES) томонидан таъминлаган.

Ниҳоят сўнги сўз, “Тенг ҳуқуқли иштирок” қўлланмаси яратилиши АҚШнинг Халқаро ривожланиш агентлигининг (USAID) фаол кўмаги, жумладан ушбу агентлик вакиллари Роб Хорват ва Лия Максонларнинг иштироки асосида амалга оширилди.

МУНДАРИЖА

Қисқартмалар.....	3
Муҳим атамаларнинг изоҳи.....	5
Қисқача мазмун ва моҳиятнинг ўқилиши учун қулай намунаси.....	8
Қисқача мазмун ва моҳият.....	14
Кириш.....	19
1- Бўлим: Имконияти чекланган 101 (ногиронлик)	26
“Имконияти чекланган” деганда нима тушунилади?.....	26
Ҳуқуқларга асосланган тил.....	27
Ногиронларнинг хилма-хиллиги.....	28
Ногиронлар ташкилотлари.....	30
Ногиронлар ташкилотларининг харитадаги ифодаси.....	31
Ногиронлар сиёсий ҳуқуқларининг қонуний асоси.....	32
Тараққиётга кўмаклашувчи ҳомий ташкилотларнинг ногиронлар борасидаги сиёсати.....	35
Тўсиқларни енгиб ўтиш.....	37
Сайлов ва сиёсий жараёнларда аҳолининг барча қатламлари иштирокини қўллаб-қувватлаш стратегиялари.....	39
Сайлов цикли.....	41
2 -Бўлим: Сайловолди даври.....	44
Ногиронлар нуқтаи-назаридан ҳолатни баҳолаш.....	45
Сайлов қонунчилиги ислоҳоти.....	45
Аҳолининг барча қатламларини сайловларни бошқаришда қатнашиши.....	47
3 -Бўлим: Сайлов даври.....	59
Сайловларни кузатиш.....	59
Номзодларни тақдим этиш.....	62
Кампаниялар (акциялар).....	63
Сайловларни ўтказиш.....	66
Сайлов натижаларини тақдим этиш.....	66
Сайловлар билан боғлиқ баҳс- мунозараларни тартибга солиш.....	67
4 -Бўлим: Сайловдан кейинги давр.....	69
Сайлов участкаси аудити (текшириш).....	70
Олинган натижалардан хулоса чиқариш.....	70
Давлат муассасаларига мурожаат этиш имконияти.....	71
Ногиронлар ташкилотлари салоҳиятини кўтариш.....	71
Сайлов ўтказувчи давлат органлари аъзоларини танлаш мезонлари.....	72
Фуқароларнинг билимларни ошириш жараёнига ногиронларнинг жалб қилиниши.....	72
5 -Бўлим: Мавжуд муаммолар.....	74

Маълумотларнинг етишмаслиги.....	74
Камситиш.....	74
Амалий шарт-шароитлар.....	75
Мажбурий овоз бериш.....	75
Бошқарув.....	75
Қулай технологик воситалар.....	76
Мониторинг қилиш ва баҳолаш.....	77
Олинган сабоқлар билан бўлишиш.....	77
6 -Бўлим: Доминикан Республикаси казуси.....	81
Умумий таҳлил.....	81
Қандай қилиб мазкур лойиҳа ногиронларни сайловлар ва сиёсий ҳаётга жалб этишда кўмаклашди.....	81
Мавжуд муаммолар ва олинган сабоқлар.....	85
Натижа.....	86
Тавсиялар.....	86
Илова: Сайловларда иштирок этишнинг муҳим асослари.....	89
1948 й., декабрь – “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси”, 21- модда.....	89
1976 й., март – “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт”, 25 – модда...	89
2001 й., сентябрь – Ногиронларга нисбатан камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги Америкалараро Конвенция, 3-модда.....	89
2008 й., май - Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (CRPD), 29 – модда.....	90
2010 й., май - Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, “Венгрияга қарши Киши” иши.....	90
2011 й., ноябрь - Жанубий - Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (ASEAN) ҳамжамиятида ногиронлар иштирокини кучайтириш тўғрисидаги Бали Декларацияси....	92
2011 й., ноябрь - Сиёсий ва ижтимоий ҳаётда ногиронлар иштирокини таъминлаш масаласи бўйича Европа Кенгаши иштирокчи - давлатларнинг вазирлар қўмитаси тавсиялари CM/Res (2011)14.....	92
2011 й., декабрь - Венеция комиссиясининг сайлов ишларида ногиронлар иштироки масаласи бўйича қайта кўриб чиқилган шарҳлар декларацияси, “Сайлов масалаларини ҳал қилишнинг амалий мақбул услублари Кодекси”га илова.....	93
2011 й., декабрь - БМТ Осиё ва Тинч океани иқтисодий ва ижтимоий комиссияси- Осиё ва Тинч океани ногиронлари ўн йиллигини амалга ошириш бўйича якуний таҳлиliga оид Юқори даражадаги Ҳукуматлараро учрашуви доирасидаги минтақадаги манфаатдор томонларнинг кенгаши, 2003-2012 (Иккинчи сессия).....	95
2011 й., декабрь - Сиёсий ва ижтимоий ҳаётда ногиронлар иштирокига оид БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг махсус мавзуга оид изланишлари.....	96
2012 й., ноябрь - Сайловларда тенг ҳуқуқли иштирок тўғрисида Бали мажбуриятлари.....	98

Қисқартмалар

ADA	“Ногирон америкаликлар тўғрисида”ги АҚШ Қонуни (Americans with Disabilities Act)
AGENDA	Жанубий-Шарқий Осиёда ногиронлар иштирокини таъминлаш бўйича Умумий сайлов тизими (General Election Network for Disability Access in Southeast Asia)
ASEAN	Жанубий - Шарқий Осиё Давлатлари Ассоциацияси (Association of Southeast Asian Nations)
CRPD	Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (Convention on the Rights of persons with Disabilities)
CSO	Фуқаролик жамияти ташкилотлари, ФЖТ (Civil society organization)
DPO	Ногиронлар ташкилоти (Disabled persons’ organization)
EMB	Сайлов ўтказувчи давлат органи, сайлов комиссияси (Election management body)
ICCPR	Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт (International Covenant on Civil and Political Rights)
IFES	Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси (International Foundation for Electoral systems)
INGO	Халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти (International non-governmental organization)
LGBT	Ноанъанавий шаҳвоний қарамли (сексуал йўналганлик) шахслар (Lesbian, Gay, Bisexual, Transgender)
NDI	Миллий демократик институт (National Democratic Institute)
NGO	Нодавлат нотижорат ташкилоти, ННТ (Non- governmental organization)
PSA	Давлат хизмати бўйича хабарнома (Public service announcement)
UN	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, БМТ (United Nations)
UDHR	Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси (Universal Declaration of Human Rights)
UN ESCAP	БМТнинг Осиё ва Тинч океани бўйича иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (United Nations Economic and Social Commissions for Asia and the Pacific)
UN OHCHR	БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси (United Nations Office for the High Commissioner for Human Rights)
USAID	АҚШнинг Халқаро ривожланиш агентлиги (United States Agency for International Development)
WHO	Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (World Health Organization)

Муҳим атамаларнинг изоҳи

Қуйидаги атамалар қўлланма матнида тез-тез учраб туради. 1-расмда қўлланма матнида у ёки бу сўзнинг қўлланилиши таърифланади, ҳамда ушбу сўзлар борасида мисоллар асосида қўшимча маълумотлар келтирилган.

1-расм: Муҳим атамаларнинг изоҳи

Атама	Изоҳ	Мисол
Иштирок этиш имконияти	Ногиронлар томонидан иншоот, объект, иш жойи, хизмат ёки дастурга хавфсиз, мустақил ва уларнинг шаънини камситмайдиган воситалар орқали осон мурожаат қилиш, кириш, амалга ошириш, иштирок этиш ва/ёки фойдаланиш	Сайлов участкасида ҳудудида ногиронлар аравачасидаги сайловчининг ўзгалар кўмагисиз ҳаракатлана олиш имконияти
Мақбул форматлар	Ногиронлар учун босма, аудио ёки видео маълумотларнинг мавжудлиги	Брайл шрифти, сенсорли шрифт, йирик шрифт, имо-ишоралар тили билан ёзилган ёки ўқилиши осон бўлган маълумот
Кўмак мосламаси	Бажарилиши қийин ёки умуман имконияти бўлмайдиган масала ёки вазифани бажаришга кўмак берувчи восита	Сенсорли белгилар туфайли осон ўқиладиган сайлов бюллетени (қўлланмаси) ёки лупа (катталаштирувчи ойна) ёрдамида
Брайл алифбоси (шрифти, тили)	Кўзи ожиз ёки кўриш қобилияти паст бўлган шахслар томонидан фойдаланиладиган қавариқ нуқталар билан матнни ёзиб олиш тизими	
Ногиронлараро ташкилоти	Барча (ҳар) турдаги ногиронлардан ташкил топган ташкилот	Халқаро ногиронлар ташкилоти ¹ : ногиронлар миллий ташкилотларини бирлаштирувчи тизим
Ногиронлар ташкилоти	Ногиронлар бошқарадиган ва мазкур шахслар учун фаолият кўрсатувчи фуқаролик жамияти ташкилоти	Нигерия Миллий Карлар Уюшмаси ² : карлар ва заиф эшитувчи бўлган нигерияликларни бирлаштириб, уларнинг манфаатларини илгари суради ва ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

¹ Халқаро ногиронлар ташкилоти (Disabled Peoples International). <<http://www.dpi.org/>>.

² Нигерия Миллий Карлар Уюшмаси (Nigerian National Association of the Deaf) <<http://www.nnadeaf.org/>>

Осон ўқиладиган матн	Ақли заиф ногиронлар ва/ёки маҳаллий тилда сўзлашмайдиган шахслар томонидан осон фойдаланиш учун мазмуни, тили, ташқи кўриниши ва график шакли оддийлаштирилган матн	“Европада сайловларда иштирок этишни таъминлаш бўйича тавсиялар” (Inclusion Europe) ³ ва ушбу Қўлланманинг 8-бетида кўрсатилган Қисқача маълумот
Иштирокни таъминлаш (жалб қилиш)	Шунчаки оддий қулайликлар яратувчи ва бошқа одамлардан айрувчи воситалардан фарқли ўлароқ, ногиронларни бошқа фуқаролар билан бир қаторда сайлов фаолиятининг барча турларида иштирок этишини таъминлаш, шу жумладан етакчи лавозимларда.	Ногиронларнинг уйларига мобил сайлов қутисини олиб келиш ўрнига, сайлов участкаларида уларга бошқа фуқаролар билан тенг равишда овоз бериш имкониятини таъминлаш
Ақли заифлик	Инсоннинг кутилаётган даражада ўрганиш ҳамда ҳар кунлик ҳаётини вазифаларни бажариш қобилиятининг чегараланганлигини ифода этадиган атама	Даун синдроми ёки аутизм
Масалага комплекс ёндашув (ҳукмрон ёндашув)	Ногиронларни тенг иштирокчилар ҳамда етакчилар сифатида кўмаклашувчи дастурлар ва ижтимоий ҳаётга жалб қилиш доирасидаги жараён	Ногирон актерлар иштирокидаги телевидения учун ижтимоий рекламаларни тайёрлаш, мисол Гватемала ⁴
Психоижтимоий заифлик (руҳий хасталик)	Ўрганиш лаёқати, эмоционал ҳолати ва ўзини тутишига таъсир қиладиган ҳолатлар	Депрессия ёки шизофрения
Мақбул қулайлик	Ногиронларга бошқалар билан бир қаторда қатнашиш ва ҳиссасини қўшиш имкониятини берадиган воситалар ёки шароитларни яратиш	Сайлов бюллетенлари учун сенсорли қўлланма - кўзи ожиз ва кўриш қобилияти ёмонлашган сайловчилар учун жуда қулай восита бўлиб, бошқа сайловчилар сингари, бировнинг ёрдамисиз, яширинча овоз бериш имконини яратади

³ Inclusion Europe, «Рекомендации по обеспечению доступности выборов в Европе», Европейский Союз <<http://www.Inclusion-europe.org/images/stories/documents/Project ADAP/ETR Policy Recommendations EN.pdf>>.

⁴ Гватемаланинг Олий Сайлов Трибунали. «Ahora todos somos del mismo equipo?votando vamos por Guate». Гватемаланинг Олий Сайлов Трибунали 2011й.

Сенсорли белгилар	Брайл алифбоси билан фойдалана олмайдиган шахслар учун ўқишга имкон берувчи бўртма тарзда тайёрланадиган белгилар	
Икки йўналишли ёндашув	Бутун фаолият давомида ва қоидаларда ногиронлар масаласини тадбиқ этиш, ҳамда махсус ногиронларга атаб дастурлар ишлаб чиқиш. Бу АҚШ Халқаро ривожланиш агентлигининг ногиронлар иштирокидаги ривожланиш бўйича танланган ёндашуви.	Ногиронлар акс эттирилган сайловчилар учун мўлжалланган таълим материаллари, ҳамда мазкур маълумотларнинг фақатгина ногиронларга бағишланган бўлиши
Бош (асосий) гуруҳ (Umbrella group)	Аниқ (муайян) турдаги ногиронлик ёки ногиронлар гуруҳига оид аъзо-ташкилотлардан иборат бўлган ногиронлар ташкилоти	Непал Ногиронлар Миллий Федерациясига ⁵ Непал Руҳий Саломатлик Фонди ва Непал Ногирон Аёллар Ассоциацияси каби ташкилотлар киради
Универсал дизайн	Барча бинолар, материаллар ва жараёнлар ногиронлар ҳамда ногиронлиги бўлмаган шахсларнинг иккиси томонидан фойдаланиш имкониятини берадиган лойиҳа	Қурилиши тугатилгандан кейин қўшимча қуриш зарур бўлмайдиган, пандуслар ва лифтлари мавжуд бўлган янги бино

⁵ Непал Ногиронлар Миллий Федерацияси <<http://www.nfdn.org.np/>>.

Тенг ҳуқуқли иштирок: Ногиронларнинг сайлов ва сиёсий жараёнлардаги иштирокини таъминлаш йўллари



Мазкур Қўлланма ногиронларнинг сайловлар ва сиёсий жараёнларда иштирок этиши усулларини ўз ичига олгандир.



Ушбу Қўлланма ногиронларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этишлари, улар учун муҳим бўлган **сиёсий қарорларни** қабул қилишда аҳамиятга эга эканлиги тушунтирилгандир.

“Сиёсий қарорларни қабул қилиш” деб давлатнинг амалга оширадиган режаларига айтилади.



Ногиронларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этиш усулларида бири бу уларнинг сайловларда овоз беришлари ҳисобланади.

Овоз бериш орқали ногиронлар сиёсий жараёнларга кўпроқ таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўладилар.

Овоз бераётган ногиронлар ўзларини жамиятнинг тенг ҳуқуқли фуқаролари эканликларини намоён этадилар.



Мазкур Қўлланмада сиёсий ҳаётда иштирок этаётган ногиронлар дуч келаётган қийинчиликларнинг тафсилоти берилгандир.

Ушбу Қўлланмада бундай қийинчиликларни бартараф этишнинг усулларига оид таклиф-мулоҳазалар баён этилгандир.




Ушбу Қўлланмада, сиёсий ҳаётда ва сайловларда ногиронлар иштирок этишининг турли усуллари бўйича таклифлар берилгандир.

Мазкур Қўлланмада шерикчилик асосида ҳамкорликнинг муҳимлиги ёритиб ўтилгандир.

Ногиронлар, ўз ҳаётлари билан боғлиқ бўлган барча қарорларни қабул қилишда иштирок этишлари шартдир.

Сиёсий арбоблар, оммавий ахборот воситалари ва ногиронлар ташкилотлари каби гуруҳлар ўзаро ҳамкорлик асосида ишлашлари лозимдир.



Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ Конвенцияси қисқача CRPD деб номланади.

CRPD Конвенцияси - Ногиронларнинг жамият ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқларига бағишланган юридик ҳужжат ҳисобланади.

Ушбу ҳужжатнинг 12-модда ва 29- моддалари ногиронларнинг сайловларда иштирок этиш ҳуқуқларига бағишланади.



Ушбу Қўлланма CRPD Конвенциясининг мақсадларига етишишга кўмаклашади.

Ушбу Қўлланмада ногиронларнинг сиёсий ҳаётда фаолроқ иштирок этишлари учун 4 та асосий усули белгиланган.

1. Ногиронлар ва уларнинг ташкилотларига сиёсий таълим олиш учун имкон бериш.
2. Ногиронларнинг сиёсий ҳаётда фаолроқ иштирок этишлари учун давлатлар ва сиёсий арбобларга ҳамкорлик йўналишлари ва қонун нормаларини тайёрлашда кўмаклашиш.
3. Жамият сайловларида иштирок этиш бўйича таълим тадбирларини ишлаб чиқишда ногиронлар ташкилотларини жалб этиш.

4. Сайловларнинг режалаштириш ва тайёргарлик босқичларида ногиронлар иштирокини таъминлаш учун сиёсий партияларга кўмак бериш.

Қўлланма 4 асосий бўлимдан иборат.



1- бўлимда турли хил ногиронликларни тушунтириш учун қўлланилган атамаларни тўғри изоҳлаб берган.



Иккинчи бўлим сайловлардан олдин нималар бўлиши лозимлиги масалаларига бағишланган.

Қўлланманинг ушбу бўлими ногиронларнинг сиёсий ҳаётда ва сайловларда иштирок этиш имкониятларини таъминлашга бағишланади. Мазкур бўлимда келтирилган таклифлар қуйидагилардан иборат:

- Сайловлар тўғрисидаги маълумотлардан **фойдаланиш қулайлигини** таъминлаш.

“Фойдаланиш имконияти (қулайлиги)”

(Accessible) деб, у ёки бу шахснинг маълум бир жойга кириш қулайлигининг мумкинлигига айтилади.

“Фойдаланилиши қулай маълумот”

(Accessible) деб, одамларга тушунарли бўлган маълумотга ҳам айтилади.

- Ногиронларнинг сайловлардаги иштирокини қийинлаштирадиган қонунларга ўзгартириш

киритиш зарур.

Иккинчи бўлимда, шунингдек, ногиронлар ташкилотларининг сайловларнинг турли босқичларида кўпроқ таъсир ўтказиши мумкин бўлган дастурлардан фойдаланилиши ҳақидаги мулоҳаза юритилган.



Учинчи бўлим сайловлар давомида нималар бўлиши лозимлиги масалаларига бағишланган. Мазкур Қўлланманинг 3-бўлимида келтирилган таклифлар қўйидагилар ҳақида:

- Ногиронлар ва уларнинг ташкилотлари билан бошқа гуруҳларнинг ҳамкорлиги; ушбу ҳамкорликнинг мақсади ногиронларнинг сайловларда иштирок этиши имкониятини таъминланганлигини тасдиқлаш бўйича кузатувни амалга ошириш.
- Ногиронларни уларнинг хоҳишига кўра сайловларда номзодларини кўрсатиш имкониятини таъминлаш йўллари топиш.
- Сиёсий партияларга маълумотларни етказиб беришнинг қулай усуллари ишлаб чиқишда кўмак бериш.
- Ногиронлар ташкилотларининг сайловларда ўз овозларига эга бўлишларига кўмак бериш.
- Сайловлар ҳақидаги фойдаланилиши қулай маълумотларнинг мавжудлигини таъминловчи қоидаларни жорий қилиш;
- Сайловларда овоз беришнинг қулай имконияти мавжудлигини таъминлашга кўмак бериш;
- Ногиронлар учун сайлов натижаларини қулай маълумот шаклида таъминлаш.



Тўртинчи бўлим сайловлардан кейин нималар бўлиши лозимлиги масалаларига бағишланган.



Қўлланманинг охириги бўлимида, Доминикан Республикасида ногиронларнинг сиёсий ҳаётда ва сайловларда иштирок этиши масалалари муҳокама қилинади.

Қисқача мазмун ва моҳият

“Тенг ҳуқуқли иштирок: Ногиронларнинг сайлов ва сиёсий жараёнлардаги иштирокини таъминлаш йўллари” - ногиронларнинг сайлов ва сиёсий жараёнларда иштирокини фаоллаштириш, қўллаб қувватлаш стратегиялари ва воситаларини ёритиб берувчи қўлланмадир. Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси(IFES) ва Миллий Демократик Институт (NDI)нинг тажрибаларига асосланган мазкур Қўлланма, ҳаётларига ва уларни ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига жалб этишнинг асоси бўлган сиёсий қарорларни қабул қилинишида ногиронларнинг иштирокини таъминлашга кўмаклашиш каби сиёсий иштирокнинг жуда муҳимлигини эътироф этади.

Сайловлар мазкур шахслар учун ягона ўзига хос имконият бўлиб, ногиронларнинг ижтимоий ҳаётда фаоллашувини ва улар ҳақидаги оммавий тасаввурларнинг ўзгаришига олиб келувчи восита сифатида хизмат қилади. Бундай фаоллашув натижасида ногиронлар янада кўпроқ сиёсий жараёнга таъсир ўтказиб, тенг ҳуқуқли фуқаролар сифатида эътироф этиладилар. Бу йўл билан уларнинг ижтимоий ҳаётда доимий қатнашиши, иқтисодий ва ижтимоий интеграциялашиши учун асос яратилади.

Ушбу Қўлланмада ногиронларнинг сиёсий ҳаётда қатнашиш жараёнида қийинчиликларга дуч келиши таърифланиб, бундай қийинчиликларни енгиб ўтиш йўллари кўрсатилган. Бунда қўлланмада фақатгина ногиронларнинг хос бўлган тўсиқлар билан биргаликда янги ва ривожланган демократияда оддий фуқаролар дуч келаётган муаммоли масалалар ҳам улар учун тўсиқ эканлигини қайд этилган. Мазкур қўлланмада ногиронларнинг сайловларни бошқарувчилари, сайлов участкалари ходимлари, овоз берувчилар, номзодлар, ташвиқотчилар, назоратчилар, педагоглар ёки кампания иштирокчилари сифатида сайловларда фаол иштирок этишлари учун уларнинг имкониятларини кенгайтиришга оид кўрсатмалар ҳам мавжуд. Бундай фаол иштирок ногиронларнинг имкониятларини кенгайтириб, сиёсий жараёнларга ва демократлаштириш натижаларига ижобий таъсир кўрсатади.

Қўлланмада келтирилган кўпгина ёндашувлар турли хил манфаатдор тарафлар билан, яъни сайловларни ўтказувчи мансабдор шахслар, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар, ногиронлар ташкилотлари (DPO) ва бошқа фуқаролик жамияти ташкилотлари билан ҳамкорликнинг муҳимлигига катта эътибор қаратганлар. Бундан ташқари, сиёсий ҳаётда иштирокларини таъминлаш бўйича ёндашувдан қатъий назар, дастурни ишлаб чиқишда ногиронларни жалб қилиш зарур. Бу ўз навбатида, ҳаётлари билан боғлиқ бўлган қарорлар қабул қилишда ногиронларнинг ҳам тенг ҳуқуқли иштирокчи сифатида овозга эга бўлишларини таъминлайди.

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ҳуқуқий асос бўлиши билан биргаликда, мазкур қўлланмани тайёрлашимиз жараёнида йўналишларни белгилашда муҳим ўрин тутди, ҳамда ногиронларнинг жамият ҳаётида тенг ва тўла ҳуқуқли иштироки мезонларини шакллантирди. Сайловлар билан боғлиқ муносабаталар Конвенциянинг 29- ва 12- моддаларда тартибга солинган.

Қўлланмамиз, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция мақсадлари йўлида, сиёсий ҳаётда ногиронлар иштирокини фаоллаштиришнинг қуйидаги тўртта ўзаро боғлиқ бўлган стратегияларни таклиф этади:

- Ногиронлар ташкилотлари ва уларнинг аъзоларини сайлов тизими, давлат идоралари фаолияти, ҳамда умумий ташкилотчилик ва тарғиботчиликка оид салоҳиятларини шакллантириш. Бу эса ногиронлар ташкилотларига кўпроқ сиёсий куч бериб, уларни қизиқтирган масалаларни кун тартибига қўйишга имконият яратади.
- Ногиронларнинг сиёсий ҳаётда фаолроқ иштирок этиш имкониятини берадиган ва ногиронлар ташкилотлари билан ҳамкорликни қўллаб-қувватлайдиган қонуний ва меъёрий асосларни яратиш учун давлат идораларига, шу жумладан қонунчилик палаталари ва сайлов ўтказувчи давлат органлари (ЕМВ)га кўмак бериш.
- Сайловларни ўтказишда маҳаллий кузатувни ёки сайловчиларнинг билимини кўтаришга йўналтирилган кампанияларни амалга ошириш учун ногиронлар ташкилотларини кенг қамровли фуқаролик жамияти коалицияларига жалб қилиш.
- Сиёсий кампанияларни ўтказиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва сиёсий нуқтаи-назарларни шакллантириш жараёнида сиёсий партияларнинг ногиронлар билан конструктив муносабатларини ўрнатишга, ҳамда сиёсий партиялар томонидан ногиронларни номзодлар сифатида ва раҳбарлик лавозимларига тайинланишини қўллаб-қувватлашга кўмак бериш.

Ушбу Қўлланма ногиронлар жамоаси таркибининг хилма-хиллигини кўрсатувчи ва ушбу жамоа аъзолари билан, улар қўйган шартларда маслаҳатлашиш бўйича энг илғор тажрибаларни инобатга олувчи ногиронлар концепциялари ва атамаларининг таҳлили билан бошланади. Қўлланманинг асосий қисмининг мавзуси сайлов жараёнига бағишланиб, унда қандай қилиб дастурларда ногиронлар ташкилотлари(DPO)нинг мавжуд тўсиқларини енгилар ҳамда сайловнинг турли босқичларида таъсир ўтказиш қобилиятларини кўтариш масалаларига аҳамият қаратилган. Қўлланма дастур унумдорлигини ошириш учун сайловларда иштирок этишни кенгайтириш ишларига оид Доминикан Республикасидаги казус (изоҳ)дан олинган сабоқлар билан яқунланади.

Бундан ташқари, *“Тенг ҳуқуқли иштирок”* қўлланмасида сайловларда қамровли иштирокни таъминлаш дастурини амалга ошириш билан боғлиқ қийинчиликлар қайд этиб ўтилган, шу жумладан:

- ривожланаётган давлатларда ногиронларнинг сони ва жойлашган жойига боғлиқ керакли маълумотларнинг йўқлиги;
- ижтимоий камситиш;
- фуқароларнинг иштирокига тўсқинлик қилувчи давлат органлари мавжуд сиёсий қийин шароитлар;
- ногиронлар овоз бермаганликлари учун жаримага тортиш ҳақида мажбурий овоз бериш тўғрисидаги меъёрларнинг мавжудлиги ёки уларни сайловчилар рўйхатидан автоматик равишда чиқариб ташлаш;
- ногиронларни мансаб поғоналарига кўтариш имкониятларининг камлиги;

- Қўлай технологик воситаларини қўллаш бўйича сайлов ўтказувчи маҳаллий давлат органлари (ЕМВ) имкониятларининг чегараланганлиги.

Шу билан бирга, ногиронлик асосида маълумотларни йиғиш ва уларнинг қамровли иштироки бўйича сифатли ахборотни тўплашга бағишланган сайлов дастурларининг таъсирини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг афзалликлари Қўлланмада муҳокама қилинади. Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси(IFES) ўзининг www.ElectionAccess.org номли сайтини ишга тушуриб, ундан ушбу муаммоларни ечиш жараёнида олинган сабоқлар билан алмашиш платформаси сифатида фойдаланилади.⁶

Қўлланманинг матнида ишлатилган ёндошувлар ва дастур мисоллари ногиронларнинг бошқа фуқаролар билан тенг ҳуқуқли равишда сиёсий ҳаётда иштирок этишларини таъминлашга кўмаклашиши мумкин. Турли хил тўсиқларни олдини олиш чора-тадбирлари нафақат сайлов кунида, балки бошқа вақтда ҳам амалга оширилиши лозим. Прецедентнинг катта аҳамияти бўлишига қарамай, битта сайлов жисмоний ва ижтимоий тўсиқларни йўқ қила олмайди ёки жамиятдаги ногиронларга бўлган салбий муносабатларни ўзгартира олмайди. Қўлланма сайлов куни ва ундан кейин ҳар бир овозни инobatга олувчи воситалар ва билимларни маҳаллий ва миллий давлат идораларига, халқаро ташкилотларга, фуқаролик жамияти гуруҳларига, ривожланиш бўйича мутахассисларга ва донорларга етказишга интилади.

Ҳақиқий демократияда барча фуқаролар иштироки таъминланали, шу жумладан ногиронларни ҳам.

Қўлланма нимадан иборат?

Биринчи бўлимда, ногиронлар жамиятининг хилма-хиллигига алоҳида аҳамият қаратилиб, имконияти чекланганлар концепциялари ва маъқул атамалар муҳокама қилинади.

Иккинчи бўлимда, **сайловолди даври** билан боғлиқ қўйидаги ёндошувлар ва фикрлар мазмуни талқин этилади:

- Ногиронларнинг махсус талаблари асосида сайловолди ҳолатларни баҳолаш
- Овоз беришнинг бевосита тўсиқларини бартараф этиш ва сайловларда умумий иштирокни яхшиловчи сайлов қонунчилигининг ислоҳоти
- Сайловларга тайёргарлик кўришнинг барча жараёнларида ногиронларнинг иштирок этиш имкониятларини таъминлаш

Учинчи бўлимда, **сайлов даври босқичининг** қўйидаги хусусиятлари ва ҳамкорликнинг имкониятлари кўриб чиқилган.

- Миллий ёки халқаро кузатувчилар гуруҳлари ва ногиронлар ташкилотлари (DPO) ўртасидаги ҳамкорликни қўллаб қувватлаш, шунингдек, ногиронларни қисқа муддатли ва узоқ муддатли кузатувчилар ва назоратчилар сифатида жалб қилиш
- Сайловларда муваффақиятли номзод бўлиши учун ногиронларнинг номзод кўрсатиш жараёнида имкониятларини ошириш

⁶ www.ElectionAccess.org сайти 1998 йилда ишга тушурилган; ҳозирги кунда уни қайта дизайн қилиш ишлари олиб борилмоқда.

- Сайлов кампанияси давомида сайлов ўтказувчи давлат органлари (ЕМВ) ва сиёсий партиялар томонидан мақбул форматларда ногиронларга маълумотларни етказиш, ҳамда улар учун махсус тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш
- Номзодлар ва сиёсий партияларнинг сайловолди ваъдаларини амалга оширилиши мақсадида уларнинг тегишли ташаббуслар ва сайловчиларни қизиқтирадиган масалалар бўйича хабардорликларини, ҳамда сайланувчи мансабдор шахсларнинг жавобгарликларини ошириш учун ногиронлар ташкилотларига (DPO) кўмаклашиш
- Сиёсий партиялар ва номзодларнинг мақбул форматдаги маълумотларни тақдим қилиш ҳамда ногиронларни ўз фаолиятларида жалб қилиш қоидаларини назарда тутадиган ахлоқ меъёрларига риоя қилишларини тарғиб қилиш
- Ногиронларга боғлиқ бўлган сиёсий қарорлар мавзусида номзодлар билан баҳс-мунозараларни ташкиллаштириш ва бу баҳс-мунозараларнинг барчаси билан ногиронлар танишиши учун шароит яратиш
- Қамровли иштирокни таъминлаш қоидаларини сайлов кунда қўллашда сайлов ўтказувчи давлат органларига (ЕМВ) кўмаклашиш
- Натижаларини мақбул форматларда етказиш
- Сайловлар натижасида келиб чиқувчи баҳс-мунозараларни тартибга солувчи тизимлардаги ва шикоятларни кўриб чиқиш жараёнларидаги иштирокни таъминлаш

Тўртинчи бўлимда, **сайловдан кейинги даврида** сиёсий жараёнга давомли жалб қилишнинг қуйидаги имкониятлари кўриб чиқилади:

- Сайлов участкалари аудити – бунда иштирокни таъминлаш мезонларига риоя қилмаслик ҳолатлари текширилади ва жавобгарликка тортиш масалалари кўриб чиқилади
- Олинган сабоқлардан хулоса чиқариш мақсадида қамровли иштирок асосидаги шарҳлаш жараёни, ҳамда иштирокни ошириш учун қилинган ишларнинг таъсирини баҳолаш
- Давлат корхоналарига мурожаат этиш имконияти

Қўлланма Доминикан Республикасидаги казусни изоҳлаш билан яқунланади, унда:

- Олинган сабоқлар баён этилади
- Дастурни ишлаб чиқиш жараёнида ногиронларни жалб қилиш дастур самарадорлиги ошишига олиб келишининг йўллари кўрсатилган.



*Ливиялик сайловчи сайлов қунда ўз овозини бериш
учун бармоғига сийоҳ суртмоқда*

КИРИШ

“Ногиронларнинг улкан қобилиятларини очиш учун уларнинг иштирокига тўсиқлик қилаётган муаммоларни олиб ташлаш, ҳамда етарлича маблағ, билим ва тажрибамизни сармоялаш каби маънавий мажбуриятимиз бордир”

Стивен Хокинг
Ёзувчи, Физик, Тарғиботчи
Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг
Ногиронлар ҳолати юзасидан 2011 йилги ҳисоботи

Самарали демократик ривожланиш учун энг камбағал ва аҳолининг четлатилган қатламлари ҳам уларнинг яшаш шароитларига таъсири бўлган қарорлар қабул қилинишида ўз овозларига эга бўлишлари керак. Бундан ташқари, ногиронлар одатда аҳолининг энг камбағал қатлами бўлиб, кўп ҳолатларда уларнинг манфаатлари эътиборга олинмайди ва натижада, улар ҳаётларининг сифатини яхшилаш учун кураш олиб боришга мажбур бўладилар. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг баҳо беришича, сайёрамиз аҳолисининг 15 фоизини ногиронлар ташкил қилади ва уларнинг 80 фоизи ривожланаётган давлатларда яшаб, аксарият қисми қуролли можаролар ўрин олган давлатларда истиқомат қилади. Демократияга кўмаклашувчи дастурлар ногиронларни сиёсий ҳаётга жалб қилиш, уларга барча фуқароларга берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, ҳамда ҳурматга сазовор асосий жамият аъзолари сифатида уларнинг имкониятларини кенгайтириши мумкин. Ногиронлар турли хил этник, диний, ижтимоий – иқтисодий ва гендер гуруҳларни намоён этади. Агар шундай кўп сонли ва турли аҳоли қатламлари намоёндалари сиёсий жараёнда иштирок этмаса, бу ўз навбатида демократиянинг янада ривожланишига ва барча фуқаролар овозларининг бошқарувда инobatга олинишига тўсиқлик қилади.

Ногиронларни сиёсий ҳаётда турли сабаблар туфайли иштирок этадилар. Баъзи ҳолатларда улар ўзларининг ногиронликлари билан боғлиқ манфаатларни ҳимоя қилишади, бунда жамоа биноларига кириш ва улардан фойдаланиш қулайликларини таъминлаш ёки мактабларда имо-ишоралар тилида таржиманинг мавжудлигини мисол келтириш мумкин. Бошқа ҳолларда уларнинг манфаатлари бошқа аҳоли манфаатлари билан ҳамоҳанг бўлиб, улардан тоза ичимлик сувидан фойдаланиш, болаларнинг таълим олиши ёки истиқомат қиладиган жойдаги жамоа хавфсизлиги ва осойишталиги шулар жумласидандир. Ногиронлар бошқа фуқаролар билан бир қаторда ўзларининг жамоаларини шакллантириш имкониятига эга бўлишни, бу билан бошқа аҳоли қатламлари орасида ҳурмат қозонишни истайдилар.

Бунга эришиш учун ногиронлар сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишлари талаб этилади. Сайловлар уларнинг куч-қудратини ва таъсир ўтказиш қобилиятини амалга ошириш ва мустаҳкамлаш имкониятини беради. Бошқалар фуқаролар каби ногиронлар учун сайловларда иштирок этиш ўзларининг хоҳиш-истакларини билдириш ва сиёсий натижаларни шакллантиришнинг асосий усули ҳисобланади. Бундан ташқари, сайловлар ногиронларга бошқариш ва ташкилий ишлар кўникмаларини ривожлантириш, алоқалар ўрнатиш, улар учун муҳим бўлган масалаларни омма эътиборига ҳавола этиш, ўзларининг қобилиятларини намоён этиш, ҳамда доимий иштирок ва бошқарувнинг асосини қўйишга имкон беради. Шу сабабдан, Қўлланмамизда келтирилган сайлов дастурлари сайловолди, сайлов кундаги ва сайловдан кейинги даврларда ногиронларни тенг ҳуқуқли ва фаол иштирокчи фуқаролар сифатида кўрсатиш орқали ифода этилган.

Бевосита молиявий ёрдам кўрсатиш тенглик муаммосини қисман ҳал қилса ҳам, ногиронларни сайлов ва сиёсий жараёнларга жалб қилишнинг қўшимча усуллари мавжуд. Булардан бири дастурни режалаштириш босқичидаги қарорларни қабул қилиш жараёнида ногиронларни жалб қилишни таъминлаш. Бу эса, ногиронлар ва ногиронлар ташкилотлари (DPO) ҳар доим уларга тегишли дастурларга таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлишлари кераклигини англатади. “Бизсиз, биз ҳақимизда ҳеч нима” тамойили ногиронларни сиёсий ҳаётга жалб этиш жараёнининг асосларидан бири ҳисобланади.

Ногиронлар ва ногиронлар ташкилотлари (DPO) ҳар доим уларга тегишли дастурларга таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлишлари керак. “Бизсиз биз ҳақимизда ҳеч нима” тамойили ногиронларни сиёсий ҳаётга жалб этиш жараёнининг асосларидан бири ҳисобланади.

Мазкур Қўлланма ҳақида

Ногиронларнинг сайлов ва сиёсий жараёнлардаги иштирокини таъминлаш йўллари Қўлланмасининг асосий мақсади бу маҳаллий ва миллий давлат идораларига, халқаро ташкилотларга, фуқаролик жамияти гуруҳларига, ривожланиш бўйича мутахассисларга, донор ташкилотларга сайловлар ва сиёсий дастурлардаги ногиронларнинг сиёсий иштирокини мустаҳкамлайдиган воситалар ва билим–кўникмалари билан таъминлашдир. Бунда уларнинг турмуш шароитига ва жамоаларига таъсири бўлган қарорларнинг қабул қилинишида кўпроқ овозга эга бўлишларини назарда тутлади. Қўлланмада Сайловлар Тизимлари Халқаро Жамғармаси (IFES) ва Миллий Демократик Институт (NDI)ларнинг тўплаган тажрибаларидан фойдаланилади, ҳамда сайлов ўтказувчи давлат органлари (EMB) ва ногиронлар бошқарадиган ёки уларнинг манфаатларига хизмат қиладиган ташкилотлар билан ҳамкорликнинг муҳимлиги таъкидланади.

Сайловларда ногиронларнинг қамровли иштирокини таъминлаш дастурининг ижобий таъсирлари

Ногиронларнинг қамровли иштироки – демократия учун аҳамияти жуда муҳимдир. Барча фуқароларнинг иштирокисиз давлатни ҳақиқий демократик давлат деб эътироф этиш мумкин бўлмайди. Бундан ташқари, ногиронларнинг сиёсий ҳаётда иштирокини таъминлаш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида уларни жалб этишга асос бўлади. Сайловлар пайтида давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари фуқаролик концепциясини жуда фаол ёритиб борадилар ва шу билан бу масала жамоат онгида мустаҳкам муҳрланиб қолади. Бу ногиронларни бошқа фуқаролар билан бир қаторда сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишларини кўрсатиб, ижтимоий тамғаларни олдини олишнинг бирдан бир имкониятидир. Ногиронлар ҳам сайловлар жараёнида бошқалар каби бир хил ўрин эгаллашлари, жумладан сайловни бошқарувчилар ёки сайлов участкалари ходимлари вазифаларини бажаришлари, овоз беришлари, ўз номзодларини сайловларга қўйишлари, сиёсий қарорларни тарғиб қилишлари, овоз бериш тартибини ва овозларни ҳисоб-китоб қилишни назорат қилишлари, ҳисобот беришлари, сайловчилар билимларини оширишлари, ҳамда номзодлар ва сиёсий партиялар кампанияларини амалга оширишлари мумкин бўлади. Ушбу турли хил фаолиятларга жалб қилиш ногиронлар имкониятларини нафақат кенгайтиради, балки сайлов жараёни ва жамоат фикрининг ўзгаришига ҳам ёрдам бериши мумкин. Бу эса ногиронларнинг тенг ҳуқуқини таъминлашга йўналтирилган доимий жамоат ишларида иштирок ва ижтимоий интеграция учун шароит яратади.

Ногиронларга бошқалар билан бир қаторда имконият яратилиши орқали тўсиқлар бартараф этилади ва уларнинг тенг ҳуқуқлари тарғиб қилинади. Масалан, ногиронларни сайлов участкалари

ходимлари сифатида жалб этилиши, бошқа участка ходимларнинг имкониятини кенгайтиради ва жамиятдаги стереотипларни бартараф этиш учун муҳим имконият яратади. Шу билан бирга, аёлларнинг сиёсий ҳаётда иштирокини фаоллаштиришга йўналтирилган дастурларда ногирон аёлларнинг иштирокини таъминлаш, ногиронлар ва гендер масалаларига аҳолининг муносабатини ўзгаришига имкон беради.

Сайловларда ногиронларнинг қамровли иштирокини таъминлаш дастурининг қўшимча ижобий таъсирлари қуйидагилар киради.

Қамровли иштирокни янада кўпроқ таъминлайдиган давлат сиёсати

Сайлов дастури барча йўналишлар бўйича кўпроқ қамровли иштирокни таъминлайдиган давлат сиёсатига олиб келиши мумкин. Ногиронлар сайлов қутисида овоз бериш орқали ўзларининг кўпчилик эканликларини ва манфаатларини кўрсатгандан кейингина, сиёсатчилар ушбу ҳолатларни инобатга олувчи – масалан, қамровли таълимга, бандликка, транспортда ташишга ва соғлиқни сақлашга оид - қарорлар қабул қилишга ҳаракат қилишади. Сиёсий ҳаётда иштирок этиб, ногиронлар давлат сиёсатининг турли жабҳаларига таъсир ўтказиш имкониятига эга бўладилар. Масалан, сайлов жараёни кўпинча сайлов қонунчилиги тизимини қайта кўриб чиқишни назарда тутди. Бу билан ногиронлик тўғрисидаги илғор ҳуқуқий концепция(тушунча)ларни асосий миллий қонунчиликка киритишнинг имконияти пайдо бўлади.



Самарали фуқаролик жамияти етакчилари сифатида ногиронлар ташкилотлари (DPO) имкониятларининг кенгайиши

Ногиронлар ташкилотлари (DPO) самарали сиёсий фаолликни амалга оширишлари мумкин, чунки улар, одатда, турли қўллаб-қувватлаш гуруҳлари ва ҳамкорлар тизимлари орқали аллақачон шакланган бўлади ва, бир оз техник ёрдам орқали, жамиятнинг фаол ва энтузиаст қисми сифатида сафарбар қилиниши мумкин. Ушбу ташкилотлар қайсидир маънода сайловчилари аниқ бўлмаган ёки сиёсий чоралар талаб этадиган муаммоларнинг аниқ рўйхати бўлмаган, ҳамда эндигина шаклланаётган фуқаролик жамияти ташкилотларидан илгаридадир. Кўпгина ногиронлар ташкилотларига сиёсий ҳаётда самарали иштирок этишлари учун ҳали қўшимча салоҳият талаб қилинсада, сиёсий ташкилотчилик ва активлик учун уларнинг асосий хусусиятлари мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Гуатемалада сайлов кунда эркак киши ўз қизини болалар аравачасида ясама нишобликдан фойдаланиб сайлов участкасига келмоқда.

Фуқароларнинг барча қатламларини кўпроқ жалб этиш

Қамровли иштирок сайлов дастурлари кўпинча бошқа фуқароларга ҳам сиёсий жараёнда иштирок этиш имкониятини очиб бериши мумкин. Ногиронлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кўпгина ислохотлар, одатда, аҳолининг кенгроқ қатламлари учун ҳам фойдалидир. Масалан, сайловчиларни рўйхатдан ўтказиш жараёнини такомиллаштириш нафақат, ақли заиф шахслар бўлган ногиронлар, балки кексалар, иммигрантлар, ҳамда саводсиз шахслар учун ҳам

фойдалидир. Сайлов участкаларига киришнинг жисмоний таъминланганлиги ва осонлиги аравачали ота-оналар, кексалар, жароҳати туфайли ҳаракатланиши вақтинча қийинлашганлар – масалан оёғи синганлар - учун фойдали бўлиб ҳисобланади. “Умумбашарий лойиҳа (дизайн)” концепцияси деб, барча бинолар, маълумотлар ва жараёнларнинг ногиронлар ва ногиронлиги бўлмаганлар шахсларга қулай қилиб режалаштирилганига айтилади.

Кенг аҳоли қатлами дуч келадиган тўсиқларнинг енгиш имкониятлари

Репрессив тузум шароитларида яшаётган маҳаллий шерикларга тарғиботчилик ишларида ёрдам, баъзида давлат учун “хавф” туғдирмайдиган фаолиятлар билан бошланиши мумкин. Кенг қамровли ислохотларни амалга оширишни муҳокама қилишдан бош тортган сайлов ўтказувчи давлат органлари (ЕВМ), одатда, ногиронларнинг сайлов участкаларига тўсиқларсиз киришини таъминлаш каби нейтрал масалаларни муҳокама қилишга рози бўлишади. Аҳолининг четлатилган қатламлари учун сайловларда иштирок этиш имкониятини бериш сиёсий жиҳатдан амри маҳолдир, аммо, мазкур ҳолатда давлат мансабдор шахсларнинг ногиронларга нисбатан “раҳмли” муносабатлари кўпинча аҳолига қўшимча ҳуқуқлар беришига олиб келиши мумкин. Дастлабки босқичда ногиронлар ҳуқуқлари бўйича муҳокама, кейинчалик, умуман инсон ҳуқуқлари ҳақидаги баҳс-мунозарага шароит яратиши мумкин. Сиёсий арбоблар ва давлат ташкилотларини ногиронлар ташкилотлари билан мазкур жамоалар муаммоларига оид муносабатларини қўллаб-қувватлаш, фуқаролик жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик амалиётининг яралишига ва бу амалиёт бошқа соҳаларга ҳам тадбиқ этилишига олиб келиши мумкин.

Қўлланмадан фойдаланиш йўллари

Қўлланма ногиронларнинг сиёсий ҳаётда тўқнаш келаётган тўсиқларни аниқлаб, ушбу тўсиқларни камайтириш услубларини таклиф қилади. Бунда, сиёсий жараёнларда янада қамровли иштирокни таъминлаш учун асосий манфаатдор тарафлар, яъни сайловларни ўтказувчи мансабдор шахслар, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти ташкилотлари ва сиёсий партиялар томонидан қилиниши лозим бўлган чора-тадбирлар кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, мазкур қўлланмада икки йўналишли ёндашув келтирилган бўлиб, улардан: биринчисида, баъзи дастурлаштирилаётган режалар айнан ногиронлар жамиятлари учун йўналтирилган бўлса, иккинчисида, бутун аҳолига йўналтирилган кўмак ишларида ногиронларни жалб қилиш масаласини инобатга олиш таклиф этилади.

Ногиронларни сайловларда ва сиёсий жараёнларга жалб қилишнинг амалий босқичлари муҳокама қилинади. Мавжуд барча муаммоларга осон ечим бўлмаганидек, баъзи ҳолатларда энг яхши ва аниқ тажрибанинг ўзи мавжуд эмасдир. Ушбу қўлланма мазкур муаммоларнинг баъзиларини белгилаб, уларнинг ечимини, ҳамда сайлов мезонлари нуқтаи-назаридан уларнинг яширин камчиликларини кўрсатиб беради.



Мазкур расм 2012 йил Сенегалда сайловчилар ўқитиш кампаниясида қўлланилган. Расмларни ишлатиб сайлов жараёнини изоҳлаш ақли заиф шахсларга ва саводсиз шахсларга жараённи тушуниш имкониятини беради.

Мазкур қўлланмада маълум хулосалар берилган бўлиб, энг муҳими ногиронлар билан алоқаларни сақлашнинг аҳамияти алоҳида қайд этилган. Бу, ўз навбатида, уларнинг эҳтиёжларини, манфаатларини ва келажақдаги режаларини тушуниш, ҳамда мавжуд ёндашувларга кўмаклашувчи муносабатларни ўрнатиш имкониятини беради. Ҳақорат сўзларни айтишдан ёки ранжитишдан қўрқиш алоқаларни ва муносабатларни ўрнатишга тўсқинлик қилмаслиги, бунда ўзаро ҳурмат ва таълим олишга интилиш яққол намоён этилиши лозим. Қўлланма мазкур таълим олиш жараёнини бошлаш йўлларини таклиф қилиб, афзал кўрилган ва алоқа воситалари турли хил ҳолатларда фарқланиши эътироф этилади.

Қўлланманинг кириш қисми ногиронликка оид умумий маълумотни ва кенг қабул қилинган қарашларни тақдим этади. Қўлланманинг қолган қисмлари эса сайловларга ва сиёсий жараёнларга жалб этиш масалаларига бағишланган бўлиб, сайлов даври атрофида,⁷ жумладан иккинчи бўлим сайловолди даврига; учинчи ва тўртинчи бўлимлар тегишлича сайлов ва сайловдан кейинги даврларга бағишланади. Бешинчи бўлим қамровли сайловлар ва сиёсий жараён дастурлари билан боғлиқ баъзи масалалар ва имкониятларни намоён этадиган казусни баён этади.

⁷ 37 бетдаги 4 Расмга ҳавола қилинсин.



Либериялик сайловчи сенсорли белгилар туфайли осон ўқиладиган сайлов бюллетенини қўллашни ўрганмоқда



Аёл киши Филиппиндаги 2013 йил май ойида бўлиб ўтган сайловларда ўзининг сайлов бюллетенини папкага солмоқда

1-Бўлим: Имконияти чекланган (Ногиронлик) 101

Мазкур бўлим ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамжамиятида қўлланиладиган ногиронликка оид концепция ва терминлар умумий таҳлили масалаларига бағишланган. Шунини таъкидлаш лозимки, ногиронлик ғояси ривожланишда; терминлар бир давлатдан иккинчи давлатга фарқ қилиниши мумкин. Ногиронларнинг масалаларини ҳал қила олмасликни катта муаммо эмас, фақатгина уларнинг хоҳиш истакларини инобатга олиш лозим ҳолос.

Биринчи бўлим, шунинг билан биргаликда, ногиронларнинг сайлов ҳуқуқларига тегишли асосий халқаро мезонларни, ҳамда мазкур ҳуқуқларни халқаро ривожланиш ташкилотчилари томонидан қўллаб-қувватлаши тадбиқ этиш йўлларини таърифлайди. Бўлим тўсиқлар бартараф этилганида сайловлар ногиронларга келтириши мумкин бўлган имкониятларининг муҳокамаси билан хотима топади.

“Имконияти чекланган” деганда нима тушунилади?

Кимнинг имконияти чекланган эканлиги бир давлатдан иккинчи давлатга фарқ қилади? Ушбу қўлланмада БМТ Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (CRPD)нинг 1-моддасида келтирилган тушунча қўлланилади:⁸

Ногиронларга турли тўсиқлар билан ўзаро муносабатда уларнинг бошқалар билан тенг равишда жамият ҳаётида тўла ва самарали иштирок этишига ҳалақит берадиган барқарор жисмоний, психоижтимоий, интеллектуал ёки сенсор бузилишлари бўлган шахслар тааллуқлидир.

Ногиронлик масалаларини ҳал қилишнинг бир неча ёндашувлари мавжуд бўлиб, уларга эскирган хайр-эҳсон ва тиббий мулоҳазалардан то замонавийроқ бўлган ижтимоий ва ҳуқуқларга асосланган моделлар киради. Моделлар ногиронларга нисбатан мавжуд ижтимоий муносабатларни таърифлашга ёрдам беради ва бир-бирини инкор этмайди. Ҳар бир ёндашувнинг қисқача изоҳи:

Хайр-эҳсон модели – ногиронларни жамиятнинг тўлақонли иштирокчиси бўла олмаслиги ва шу сабабдан ёрдамга муҳтож эканлигини тахмин қилинади. Ногиронларга нисбатан раҳм-шавқатли бўлишга ундайди.

Тиббий модел – ногиронлик ногиронлар барча тўсиқларининг асосий сабабчиси деб қаралади. Мазкур моделда, аксинча, ногиронлар ташқи муҳитга кўникишлари лозим деб эътироф этилади.

Ижтимоий модел – ногиронликни инсонни уларнинг муҳитлари билан бўладиган алоқа натижаси сифатида изоҳлайди. Зеро CRPDнинг муқаддимасида қуйидагича келтирилган: “Ногиронлик - бузилган саломатлик ва муносабат ҳамда муҳит тўсиқларининг ўзаро алоқалари натижаси бўлиб, бу ногиронларнинг жамият ҳаётида бошқалар билан тенг ва самарали иштирок этишига ҳалақит берилишидир”.

⁸ Сайлов Тизимлари Халқаро Жамғармаси (IFES), “БМТ Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция”.

<http://www.ifes.org/Content/Publications/Books/2012/The-Convention-on-the-Rights-of-Persons-with-Disabilities-and-the-Optional-Protocol.aspx>

Хуқуққа асосланган модел – урғу муҳтожлик ва қарамликдан имконият ва ҳуқуқларнинг кенгайишига ўзгариши. Бошқалар каби ногиронлар ҳам асосий инсон ҳуқуқлари эга бўладилар, ҳамда давлатлар мазкур ҳуқуқларни кафолатлашлари ва ҳимоя қилишлари шартдир.

Ижтимоий ва ҳуқуқларга асосланган моделларнинг жиҳатлари қамровли сиёсий иштирок стратегиялари бўйича маълумотларни етказиш ишларига ҳам ёрдам бериши мумкин. Ижтимоий ва ҳуқуқларга асосланган моделлар бир-бирини тўлдириб боради. Ижтимоий модел ногиронларни четлаштиришга сабабчи бўлган жамият томонидан қўйилган тўсиқларни алоҳида эътироф этса, ҳуқуқларга асосланган модел эса инсон ҳуқуқлари барча фуқароларга тенг даражада берилишига ва ногиронлар учун тарғибот ишларининг аҳамиятига урғу берилади.



2011 йилда Македонияда янги сайланган парламент томонидан CPRDни 100 кун ичида ратификация қилиниши тўғрисидаги сиёсий партиянинг имзоланган ваъда қоғози.

Хуқуқларга асосланган тил

Ногиронликни изоҳловчи сўзлар борасида турли хил нуқтаи-назарлар мавжуд. Ижтимоий модел назариётчилари “ногирон шахс” атамасини ишлатишни афзал кўриб, заифликлари сабабли эмас, балки заифлиги бор шахсларнинг имконияти ташқи, ижтимоий кучлар томонидан чекланиши мумкинлиги фикри билан ҳамоҳангдир. Мазкур назариётчилар “имконияти чекланган” атамаси остида заифликдан кўра ижтимоий жараёнлар натижасидаги четлаштиришни назарда тутадилар.

Бошқа бир усул “одамлар – биринчи тили” усулдан ҳам қўлланилади. Мазкур усулга кўра, шахснинг имкониятининг чекланганлиги у ёки бу шахснинг белгилловчи хусусияти бўлмасдан, балки бу унинг кўпгина хусусиятларидан биридир. “Ногиронлар” ва “имконияти чекланган одамлар бўлган ногиронлар” атамалари бир-бирини ўрнига қўллана оладиган сўзлар сифатида ишлатилиши мумкин. Ушбу қўлланмада мазкур усул қўлланилади, зеро бу БМТ Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (CRPD) ва АҚШнинг Халқаро ривожланиш агентлиги (USAID) энг яхши амалиётининг мезонларига тўғри келади. Ушбу қоидага истисно тариқасида ногиронлардан иборат бўлган ёки улар томонидан бошқариладиган ташкилотни изоҳлайдиган “ногиронлар ташкилоти”ни ёки “DPO (disabled persons`organization)”ни қўлланилишини келтириб ўтишимиз мумкин. Мазкур атама одамларнинг биринчи тили услубида қўлланилмасда, бу турдаги фуқаролик жамияти ташкилотларини назарда тутиш учун ишлатиладиган умумэътироф этилган терминга айланди. Баъзи ногиронларнинг ўзларини бошқа ногиронлар томонидан салбий ҳисобланган сўз билан аташига ҳайрон бўлманг. Ногиронлик доимий ривожланаётган концепциядир. Қуйида келтирилган жадвалда одамлар-биринчи тили сифатида қўлланиладиган баъзи сўзлар мисол тариқасида берилган.

2-расм: Одамлар – биринчи тил

Айтинг:	Қуйидагилар ўрнига:
Имконияти чекланган шахслар бўлган ногиронлар (ногиронлар)	Махсус эҳтиёжи борлар, қобилиятсизлар

У ногиронлар аравачасидан фойдаланади	Ногиронлик аравачасига боғлаб қўйилган/михланиб қолган
Ногиронлиги бўлмаган сайловчилар	Нормал (меъёрдагидай)/соғ-саломат одамлар/меҳнатга лаёқатли
Унинг имконияти жисмонан чекланган шахс бўлган ногирон	У мажруҳ одам
Унинг қулоғи қар/ унинг заиф эшитувчи	Унинг қулоғи битган
Унинг аутизми бор	У аутистик шахс
У интеллектуал/ психоижтимоий имконияти чекланган шахс бўлган ногирон	У ақли заиф шахс
Даун синдромли бола	Даун бола
ОИТСи бор шахс	У ОИТСдан жабр тортмоқда /ОИТС билан касал/ОИТСнинг қурбони

Ногиронларнинг хилма-хиллиги

Сиёсий ҳаётга жалб қилишни (қамров)ни қўллаб-қувватлаш, ногиронлар ичидаги фарқлар ва хилма-хилликлар инobatга олиниши керак. Ногиронларнинг келиб чиқиши бир хил бўлмасдан; балки улар барча этник ва диний гуруҳларни намоён этадилар. Кўпинча, кўп сонли шахсий иллатларнинг қўшилиб кетиши иккиламчи ёки учламчи четлаштирилишга (маргинализацияга) олиб келиши мумкин.

Имкониятлари турли тарзда чекланган шахслар ўзларига хос муаммоларга тўқнаш келадилар. Маълум жисмоний ва заиф кўрувчи бўлган ногиронлар ногиронлиги бўлмаган одамлар билан осонгина мулоқот қила оладилар, чунки улар орасида мулоқот қилиш учун тўсиқ мавжуд эмас. Бироқ, қулоғи қар одамнинг имо-ишоралар тилини билмайдиган одам билан мулоқот қилиши, одатда, мушкул бўлади. Ушбу мулоқот муаммоси янада кўпроқ четлаштиришга (маргинизацияга) олиб келиши мумкин. Сайловлар ва сиёсий жараёнлар нуқтаи-назаридан оладиган бўлсак мазкур масалани, бунда сайлов ўтказувчи давлат органлари ва сиёсий партиялар каби ташкилотлар турли мулоқот усулларида хабардор бўлишлари талаб этилади. Тарғибот видеосида имо-ишоралар тилини ёки титрларни келтирилиши бу қамровли ёндашув ҳисоблансада, аммо тегишли сиёсий ўйинчилар ҳар бир мамлакат ўзининг такрорланмас имо-ишоралар тилига эга эканлигини ва баъзи мамлакатларда минтақага хос бўлган ишоралар бўлиб, улар асосан маҳаллий қарлар жамиятлари орасида мавжудлигини инobatга олишлари лозим. Ҳатто ногиронлар жамияти ичида, ақлий/ психоижтимоий имконияти чекланган шахс бўлган ногиронларнинг манфаатлари, одатда, камситиш сабабли инobatга олинмайди ва инкор этилади. Бундан ташқари, ногиронлиги яққол кўринмайдиган шахслар ҳам мавжуд бўлиб, уларга биполяр бузилишли ёки сурункали касаллиги борларни киритишимиз мумкин. Мазкур ногиронликлар яққол кўринмайдиган ногиронликлар турига киради. Шу мавжуд фарқлар сабаблигина, ногиронларни бир гуруҳ вакиллари сифатида қарамаслик лозим.

Ногиронлик яна ўзига хос ҳолат бўлиб, у исталган вақтда исталган одам билан бўлиши мумкин ва у вақтинчалик хусусиятга ҳам эга бўлиши мумкин. Давлатларнинг ногиронларга нисбатан муносабати ҳам турли хилдир. Баъзи ҳолатларда, давлатнинг уруш ногиронларига кўмак бериш истаги орқали барча ногиронлар жамиятига кўрсатиладиган хизматларнинг яхшиланишига ва улар ҳуқуқларининг эътироф этилишига олиб келиши мумкин. Мисол, Арманистонда урушда жароҳатланганлар эҳтиром билан қадрланиши туфайли, давлат идораларининг қулайликларни янада оширишига олиб келди. Табиий офатлар ҳам ногиронларни жалб қилиш масаласига

давлатнинг эътиборини қаратиши мумкин. 2008 йилдаги бўрондан кейин, Бирма ҳукумати ногиронларга оид қарорларни ишлаб чиқишни бошлади. Шунинг билан биргаликда, кўпинча, кенг қамровли иштирокни таъминлаш учун маҳаллий ногиронлар жамиятининг, ҳамда давлат идораларидаги прогрессив фикрловчи тарафдорларнинг қўллаб-қувватлаши талаб этилади.

Ногирон аёллар

Ногирон аёллар кўпинча ногиронликлари ва гендер мақоми сабабли икки ҳисса кўпроқ камситишларга дуч келадилар. Ногирон аёлларнинг тегишли даражада таълим олиш ёки машқ қилиш; соғлиқни-сақлаш ва реабилитация; ёки бандлик имкониятларидан фойдаланишда ногиронлиги бўлмаган аёлларга нисбатан камроқ шароитлари мавжуд бўлади. Оқибатда, кўпинча жамиятнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётидан четлаштирилган ҳолда уларнинг камбағалликда ва яқкаликда яшаш эҳтимоли юқори бўлади.

АҚШнинг Халқаро ривожланиш агентлигига мувофиқ (USAID),⁹ даромади паст ва ўрта бўлган давлатларда истиқомат қилаётган барча ногиронларнинг тўртдан уч қисмига яқинроғини ногирон аёллар ташкил қилади. Ногиронлар жамиятининг каттагина қисми аёллиги туфайли қўшимча тўсиқларга дуч келаётганлигини инobatга олсак, юзага келаётган гендер муаммоларини тушуниш тўлиқ сиёсий иштирокни таъминлаш учун жуда муҳимдир. Аёлларнинг сиёсий иштироки турли институционал ва ижтимоий-маданий тўсиқлар сабабли чегараланади ва кўпинча, ногиронлик бунга қўшимча мушкуллик яратади.

Институционал даражада, кўпгина давлатларда камситувчи фуқаролик қонунчилигининг мавжудлиги сабабли, кўп ҳолатларда аёллар эркакларга нисбатан сайловчиларни рўйхатга олиш учун керак бўладиган фуқароликни ёки ҳужжатларни қийинроқ оладилар. Одатда, сайловларда рўйхатдан ўтиш ёки сайлаш узоқ муддат кутишни ёки катта масофаларни босиб ўтишни талаб этади. Бу эса аёлларнинг кундалик ҳаётларидаги мажбуриятлари, иш жадваллари, бола тарбияси ёки молиявий маблағнинг етишмаслиги, ҳамда эркин ҳаракатланиш ҳуқуқига зиддир. Даромади паст ва ўрта бўлган давлатларда, ногирон аёлларнинг 65-70 фоизи қишлоқ жойларида истиқомат қилиб, бу ҳолат уларнинг сайлов участкаларига мурожаат қилишларини янада қийинлаштиради.¹⁰



2012 йилдаги қўшимча сайловлардан аввал Бирма аёлларига мўлжалланган ушбу брошюра ногирон аёлларни ҳам ўз ичига олади.

Яхши амалий мисол
 Бирмада IFES ногиронлиги бор ва бўлмаган қуйи поғона раҳбар-аёлларнинг ўз ишончини ошириш мақсадида, ўзгариш жараёнларида фаол қатнашиш ва ўзларининг маълум бирламчи масалаларини тарғиб қилиш бўйича маҳоратларини мустаҳкамлади.

⁹ Имконияти чекланган шахслар бўлган ногирон аёллар. АҚШнинг Халқаро ривожланиш агентлиги (USAID). <<http://www.usaid.gov/what-we-do/gender-equality-and-womens-empowerment/women-disabilities>>.

¹⁰ “Маълумотларнинг қисқача баёни (Factsheet): Ногирон аёллар ва қизларга қарши зўравонлик.” Women Watch. БМТ. <http://www.un.org/womenwatch/daw/csw/csw57/side_events/Fact_sheet_VAWG_with_disabilities_FINAL.pdf>.

Гендерга оид хавфсизлик масаласи аёлларнинг сиёсий иштирокига халақит берадиган яна бир сайлов тўсиқидир. Ногирон аёллар жисмоний ёки жинсий зўравонликка ногирон бўлмаган аёлларга нисбатан уч баробар кўп тўқнаш келишлари мумкин.¹¹

Аёлларнинг иштироки йўлидаги ижтимоий ва маданий тўсиқларга фуқаролик онги ва сиёсий хабардорликнинг етмаслиги ҳам киради. Бунга асосий сабаб, аёллар ичида саводхонлик ва маълумот даражаларининг паст эканлиги. Аёл ногиронлар ичида маълумотлилик даражаси унданда паст бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури (БМТТД) маълумотиغا кўра дунёда умумий ногиронларнинг саводчилиги даражаси 3 фоизни ташкил этса, ногирон аёллар орасида бу кўрсаткич атиги 1 фоизни ташкил этади холос.¹²

Аёлларнинг мустақиллигини чеклайдиган ёки уларнинг шахсий танловини амалга оширишга салбий таъсир қиладиган маданий анъаналар билвосита овоз беришга¹³ олиб келиши мумкин. Оиласининг ёрдамига кўпроқ боғлиқлиги учун, одатда, ногирон аёллар билан ҳолат бундан-да хавфлироқ тус олади.

Аёлларнинг ҳуқуқлари қонун билан умумэтироф этилсада, аёлларнинг сиёсий иштироки ва вакиллиги соҳасидаги ривожланишлар, одатда, бошқа кўрсаткичлардан ортда қолади. Дунё бўйлаб қонун чиқарувчи, сайловларни бошқарувчи ва сиёсий партияларнинг раҳбари бўлган аёллар сони жуда ҳам кам бўлиб, ногирон аёллар эса ундан ҳам оздир. Гендерли таъсирчан эркак ҳамкасабалар билан биргаликда аёлларнинг раҳбарлик мавқеларни эгаллаши, мазкур тенденцияни ўзгартиришда муҳим ўрин эгаллайди. Тизим мукамал бўлишига қарамай, Ироқ ва Руанда каби баъзи давлатлар қонун чиқарувчи органлар учун гендер квоталаридан унумли фойдаланмоқдалар. Аёлларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда тўлақонли иштироки нафақат ушбу аёлларга, балки уларнинг оилаларига, жамиятларга ва халқларга ижобий таъсир қилади.

Ногиронлар ташкилотлари

Ногиронларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш умумжаҳон ҳаракати асосан ногиронларнинг ўзлари томонидан тарғибот-ташвиқот ва ташкилотчилик ишлари орқали қўллаб-қувватланади ва амалга оширилади. Ногиронлар ташкилоти деб ногиронлар фойдасига ва томонидан бошқариладиган ташкилотни айтиш мумкин. Ногирон бўлмаган шахслар ҳам баъзида ногиронлар ташкилоти(DPO)га аъзо бўлиши мумкин, ammo ташкилотни ногиронлар ташкилоти деб номлаш учун аъзоларнинг ва раҳбариятнинг аксарият қисми ногирон бўлиши шарт. Ногиронлар ташкилоти амалда барча мамлакатда мавжуд бўлиб, одатда, ягона “бизсиз, биз ҳақимизда ҳеч нима” шиори остида бирлашадилар.

Ногиронлар ташкилотларини жалб қилиш қамровли дастурлашнинг биринчи муҳим босқичи ҳисобланади. Улар ногиронларнинг қамровли дастурларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш, мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича тажрибалари билан бўлишиб, ўзларининг тармоқлари орқали ногиронларни жалб қилишлари мумкин. Бутун мамлакатдан аъзолари ногиронликнинг

¹¹ Жаҳон Банки/ Йел Университети. “ОИВ/ОИТС ва Ногиронлик: яширин овозларни илғаб”. Апрель 2004 йил: 10. <<http://siteresources.worldbank.org/DISABILITY/Resources/Health-and-Wellness/HIVAIDS.pdf>>.

¹². БМТ ва Ногиронлар. “Ногиронлар бўйича БМТ ва Ногиронлар Ахборот проспекти. БМТ. <<http://www.un.org/disabilities/default.asp?>>.

¹³ Билвосита овоз бериш— бу овоз бериш учун ўзининг номидан бирор кишини ҳам вакил қилишга айтилади.

барча турларини намоён этадиган миллий даражадаги ва муайян турдаги ногиронларнинг манфаатларини кўзловчи ногиронлар ташкилотлари ва бош (асосий) гуруҳлар мавжуддир. Бундан ташқари, Африка Ёш Ногиронлар Тармоғи,¹⁴ Европа Ногиронлик Форуми,¹⁵ ҳамда Халқаро Ногиронлик Альянси¹⁶ каби минтақавий ва халқаро гуруҳлар мавжуд. Ногиронлар манфаати учун фаолият юритаётган, аммо ногиронлар ҳеч бир даражада уларнинг аъзолари бўлмаган ташкилотлар фуқаролик жамияти ҳамкорлари сифатида ҳам наф келтириши мумкин. Шунинг билан биргаликда, дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ногиронларнинг манфаатларини таъминлаш мақсадида ногиронлар ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш афзалдир.



Бирмадаги аёллар фуқаролик ва сайлов ҳуқуқлари тренингида Брайл алифбосидан фойдаланиб, маълумотларни ёзиб оляптилар.

Ногиронлар ташкилотларининг харитадаги ифодаси

Маҳаллий ҳамкорлар билан алоқаларни ўрнатишдан аввал, турли хил гуруҳ вакиллари билан учрашиш доимо мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Буларга муайян турдаги ногиронларни манфаатини ҳимоя қилувчи ташкилотлар, ҳамда барча турдаги ногиронларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи ногиронлараро ташкилотлар кириши мумкин. Кўпинча, қишлоқ жойларида қўним топган гуруҳларнинг асосий эҳтиёжлари ва муаммолари шаҳардаги гуруҳлардан фарқланади ва шу сабабли, дастурни ишлаб чиқишда мазкур гуруҳларни ҳам ишга жалб қилиш керак. Ногирон ташкилотни билан ҳамкорлик ўрнатиш кун тартибингизда бўлса, бир неча омиллари қўшимча равишда кўриб чиқишингиз талаб этилиб, Ногиронлар ташкилотларининг харитасини чизиш учун қўшимча вақт сарфлаш лозимлигига олиб келиши мумкин.

Ногиронлар жамияти йўналишларга ва сиёсий фаолиятидаги қизиқишига кўра бир неча қисмларга бўлинган бўлиши мумкин. Ногирон ташкилотларнинг умумий кўринишини кўп ҳолатда илғаш қийин. Баъзи гуруҳлар ўзларининг асосий хизматларини етказиш вазифасини амалга ошириш учун давлатнинг молиявий кўмагига таянганликлари учун сиёсий фаолиятдан ўзларини тийишлари мумкин. Бошқа Ногиронлар ташкилотлари эса маълум сиёсий партия билан алоқаси учун ёки давлатнинг молиявий кўмагининг асосий истеъмолчиси сифатида узоқ тажрибаси борлиги учун махсус мақомга эга бўлишлари мумкин. Бундан ташқари, чегараланган молиявий манбалар учун баҳслашаётган турли гуруҳлар орасида келишмовчиликлар бўлиши мумкин. Баъзи Ногиронлар ташкилотлари уларнинг фаолиятлари ва ҳамкорликларига сезиларни таъсир ўтказиш мақсадида

¹⁴ Африка Ёш Ногиронлар Тармоғи. <<http://aywdn.wordpress.com/>>.

¹⁵ Европа Ногиронлик Форуми. <<http://www.edf-feph.org/>>.

¹⁶ Халқаро Ногиронлик Альянси. <<http://www.internationaldisabilityalliance.org/en>>

босим ўтказиши мумкин бўлган ходимлари бор донор ёки ёрдам берувчи ташкилотлардан келиб тушадиган молиявий кўмакка таянадилар.

Онда-сонда, Ногиронлараро ташкилотларининг сиёсий фаолиятда иштирок этиш имкониятлари бир тоифали гуруҳни намоён этадиган ногиронлар ташкилотидан кўра кенгроқ бўлиши мумкин. Бир тоифали ногиронлар манфаатини кўзлаётган гуруҳлар кўпинча мавжуд ҳолат (*status quo*)ни сақлаб қолиш тарафдори бўлиб, ўзларининг овозларини оширишдан ёки бошқа, уларнинг жамиятларини чалғитадиган ва манбаларини жалб қиладиган ногиронлар ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишдан фойда кўра олмайдилар. Аммо, бу ҳолат фақатгина ногиронлараро ташкилотлар демократияга кўмак дастурларини амалга ошира оладилар дегани эмас. Бу, фақатгина, ногиронлар ташкилотлари ҳар бир ҳолатда бир-бирига яқин бўлган рағбатлантирувчи омиллар ва масалаларга эга бўлмасликлари лозим деганидир. Кўп ҳолатларда, хилма-хил гуруҳларга бошланғич босқичда кўмак бериш фойдали бўлиб, ундан кейин эҳтиёж билан манфаатлар кесишиб ўтган ҳолатда, ҳамда жамоа сайи-ҳаракатларининг нафи яққол бўлганда имкониятларни излаш мақсадга мувофиқдир.

Яхши амалий мисол

Сербияда ногиронлар жамиятига кўмак беришга мўлжалланган ёрдам дастури учун ҳамкорларни аниқлашда, NDI мамлакатдаги бошқа ногиронлар билан ишловчи халқаро ташкилотлар, шу жумладан Халқаро ногиронлар ташкилоти (*Handicap International*) билан алоқага ўрнатди. Таниқли ногиронлар ташкилотларининг рўйхатини аниқлагандан сўнг, NDI уларни сиёсий маҳоратни яхшилашга имконияти юқори бўлган, ҳамда сиёсий иштирок истагини ва хоҳишини энг кўп намоён этган ногиронлараро ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатиш мақсадининг мавжудлиги мезонлари бўйича баҳолади. Кўмак дастурини бошлашдан аввалги ушбу бошланғич таҳлил (акс эттирилиш) натижасида, NDIнинг маълум сиёсий холис бўлмаган ёки ислоҳотлардан манфаатдор бўлмаган ногиронлар ташкилотига боғлиқ бўлиб қолишини олдини олди.

Сиёсий ҳаётда иштирок этиш хоҳишининг даражаси эски авлод билан янги авлод ўртасида фарқланиши мумкин. Бу маълум мамлакат муҳитидаги ногиронлар жамиятига тегишли бўлиб, эски авлод мавжуд сиёсий алоқалар ва давлат кўмагини хавфга қўйиш бўйича кўпроқ эҳтиёткор бўлиши, ҳамда ногиронлараро ташкилотлар ва сайи-ҳаракатларида камроқ қатнашиши интилишлари эҳтимоли мавжуд.

Ногиронлар сиёсий ҳуқуқларининг қонуний асоси¹⁷

Демократия учун “бир киши, бир овоз” концепцияси асосий тамойил ҳисобланади. Овоз бериш ҳуқуқи барча одамларга ҳаётларига таъсир қилувчи қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир ўтказиш имкониятини беради. Бироқ, ногиронлар кўпинча мазкур муносабатларда камситишларга дуч келганлар.

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ногиронларни иштирокини таъминлаш бўйича бирламчи халқаро мезон ҳисобланади. У БМТга аъзо давлатларнинг 82% томонидан имзоланган ва улардан 72% ратификация қилган.¹⁸ Конвенциянинг 29-моддаси сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этишга бағишланган. У давлатларни “ногиронлар бошқалар билан тенг равишда сиёсий ва ижтимоий ҳаётда бевосита ёки эркин сайланган вакиллари орқали самарали ва ҳар тарафлама иштирок этишлари, шу жумладан сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари ва имкониятларига эга бўлишларини таъминлашга” даъват этади.

¹⁷ Мезонлардан кўчирмаларни Иловада топишингиз мумкин.

¹⁸ БМТ ва Ногиронлар. “Конвенция ва Қўшимча Протоколни имзолаш ва ратификация қилиш”, БМТ, <<http://www.un.org/disabilities/countries.asp?navid=12&pid=166>>. 2013 йил 27 ноябрга имзолаган ва ратификация қилган давлатлар сони.

12-модда ҳуқуқий лаёқатга бағишланган бўлиб, мазкур масала кўпинча ақлий ёки психоижтимоий имконияти чекланган шахс бўлган ногиронларнинг сайлаш ҳуқуқига таъсир ўтказди. Ушбу модда “ҳар бир ногирон, у қаерда бўлмасин, тенг ҳуқуқий ҳимоя ҳуқуқига эга эканлигини”, улар “бошқалар билан тенг равишда ҳуқуқий лаёқатга эга эканлигини”, ҳамда улар ўзларининг ҳуқуқ лаёқатини амалга оширишларида керак бўладиган қўллаб-қувватлашни давлатлар томонидан таъминланишини талаб этади. Сайловлар ва сиёсий жараёнлар муҳитида, бу сайлов қонунчилигида ҳомийлик белгиланган ногиронлар томонидан сайлаш ҳуқуқини амалга оширишни чегараловчи меъёрларнинг бўлмаслиги, ҳамда, агар сайловчи талаб қилса, унга керакли ёрдамни таъминлаш деганидир.

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (CRPD) дунё бўйлаб ногиронларга нисбатан бўлган эътиборни оширди. У ногиронлар ҳуқуқлари ҳақида омманинг хабардорлигини ошириб, Конвенцияни имзолаган давлатлар сайлов ўтказувчи давлат органлари (ЕМВ) ва бошқа давлат идоралари томонидан ўзларининг халқаро мажбуриятларини бажаришга ундади. Конвенция ногиронлар томонидан уларга тегишли муҳим масалалар юзасидан ҳукумат идораларини янада ҳисобдор тутиш учун янги сиёсий макон яратиши мумкин. Мазкур халқаро тан олинган ҳужжатнинг мавжудлиги Ногиронлар ташкилотлари (DPO) учун ушбу ҳужжатни имзолаш, ратификация қилиш ва унинг барча меъёрларини тўлиқ амалга ошириш бўйича давлатлар ичида тарғибот ишларини юритишга имконият яратди. Конвенция(CRPD)нинг ижросини назорат қилиш эса ҳар бир мамлакатда ногиронларнинг иштирокини чеклаётган тўсиқларни қарор чиқарувчи идоралар билан кенгроқ муҳокама қилишга ва қамровли давлат дастурларини ишлаб чиқишга олиб келиши мумкин.

Яхши амалий мисол

Зимбабведаги асосий Ногиронлар ташкилоти барча маҳаллий сайлов ўтказувчи давлат органи мансабдор шахслари ичида Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция нусхаларини тарқатди. Бу иш ходимларни ногиронларнинг ҳуқуқлари ҳақидаги билимларини ошириш ташаббуси доирасида амалга оширилди.

Конвенция (CRPD) яна сайловлар давомида ногиронларни сиёсий жалб қилишнинг имкониятларини пайдо қилиши мумкин. Сайловларда иштирок этишни кафолатлайдиган меъёрларга қўшимча равишда, фуқаролар конвенциядаги мезонларни сезиларли иштирок учун, ҳамда маълум муаммоларни кун тартибига қўйиш учун асос сифатида ишлатишлари мумкин. Ушбу билан Конвенция, акс ҳолда муҳокама қилинмайдиган, ногиронларга оид сиёсий мунозаралар учун қулай шароит яратади. Бу фуқароларга конвенция мажбуриятлари доирасида халқаро мезонлар билан белгиланган шартларда ва талабларда мунозараларни шакллантиришга рухсат беради, ҳамда мазкур мунозараларга қўшимча даражадаги аниқлик киритади. Мазкур ёзма келишув юзаки муносабатлар ўрнига самарали муносабатларга асос солади.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг (ICCPR) 25-моддаси¹⁹ ва Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 21- моддаси²⁰ каби бошқа халқаро шартномалар ҳам ногиронларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

¹⁹ “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт”. БМТ. <<http://www.ohchr.org/en/professionalinterest/pages/ccpr.aspx>>

²⁰ “Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси”. БМТ. <<http://www.un.org/en/documents/udhr/>>.



2012 йилдаги Мексикадаги сайловлардан аввал Ногиронлар Ташкилоти (DPO) Ногиронларнинг Иштироки ва Ривожланиши бўйича Миллий Кенгашида тақдимот қилмоқда.

юқорида қайд этилган “Умумий Изоҳ” қоидаларига зид келаётганлигини кўрсатади. Инсон Ҳуқуқлари бўйича Европа суди (ECHR) ўзининг “Венгрияга қарши Киши” иши қарорида “Сайлаш ҳуқуқи имтиёз эмас. Йигирма биринчи асрда, ўзини демократик ҳисоблаган давлат сайлов жараёнига аҳолининг етарли даражада манфаатлари ҳимоя қилинмаган қисмини жалб қилишни қўллаб-қувватлаши тарафдори бўлиши лозимлиги тахмин қилинади... Умумий сайлов ҳуқуқи асосий тамойиллардан бирига айланди.”²²

Бироқ, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга қилинган 25 (4) “Умумий Изоҳи”га мувофиқ давлатларга жисмоний шахсларнинг “муомалага лаёқатсиз”лиги туфайли сайлаш ҳуқуқини ёки мансаб лавозимига тайинланишни рад этиш имкониятини беради.²¹ Мазкур пакт 1966 йилда имзолаш учун очилди. Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (CRPD) каби халқаро ҳуқуқдаги ва Инсон Ҳуқуқлари бўйича Европа суди (ECHR)нинг “Венгрияга қарши Киши” иши каби тегишли суд амалиётидаги замонавий тенденциялар ушбу ҳуқуқларнинг ривожланаётганлигини намоён этади, ҳамда замонавий меъёрлар

²¹ БМТ. БМТнинг Инсон Ҳуқуқлари Бош Комиссарининг Идораси. 25-сонли Умумий Талқини: Давлат ишларида иштирок этиш ҳуқуқи, сайлаш ҳуқуқи ва давлат хизматидан тенг асосларда фойдаланиш ҳуқуқи (25-модда). 1996 йил. <[http://www.unhcr.ch/tbs/doc.nsf/\(Symbol\)/d0b7f023e8d6d9898025651e004bc0eb?Opendocument](http://www.unhcr.ch/tbs/doc.nsf/(Symbol)/d0b7f023e8d6d9898025651e004bc0eb?Opendocument)>.

²² “Венгрияга қарши Алайош Киши” иши. Инсон Ҳуқуқлари бўйича Европа суди. 2010 йил 20 май. <<http://hudoc.echr.coe.int/sites/eng/pages/search.aspx?i=001-98800>>.

“Менинг фикримча, ногиронларда сайлаш имкониятининг мавжудлиги ва мазкур жараённинг бир қисми бўлиш, биз ўзимизни жамият ва яшаётган давлатимизнинг кенг аҳолиси билан амалда боғлиқлигимизни англатади, яъни бу жиддий масаладир”.

Шарлотт Макклэйн-Нхлапо
АҚШнинг Халқаро ривожланиш агентлигининг (USAID)
Ногиронларни жалб этиш ва ривожланиш бўйича Координатор

Шунинг билан биргаликда, минтақавий мезонлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг таркибига Ногиронларнинг Жанубий-Шарқий Осиё Давлатлари Ассоциацияси (ASEAN) ҳамжамиятида ногиронлар иштирокини кучайтириш тўғрисидаги Бали Декларациясини²³ ва Венеция Комиссиясининг сайлов ишларида ногиронлар иштироки масаласи бўйича қайта кўриб чиқилган шарҳлар Декларациясини киритишимиз мумкин.²⁴

Тараққиётга кўмаклашувчи ҳомий ташкилотларнинг ногиронлар борасидаги сиёсати

Кўпгина ҳомий ташкилотлар томонидан турли имконияти чекланганларни жалб этиш қоидалари қабул қилинган бўлиб, уларнинг тараққиёт дастурлари мазкур ногиронларга ижобий таъсир ўтказган.²⁵ Ушбу қоидалар ногиронларни қамраб олиш масалаларига эътиборни қаратишга ва ривожланиш бўйича амалиётчиларнинг сайи-ҳаракатларини мувофиқлаштиришнинг умумий асосларини белгилашга ёрдам берди.

Австралиянинг Халқаро Ривожланиш Агентлиги (AusAID) 2008 йилда “Ривожланиш барча учун” номли энг қамровли ногиронларни жалб этиш қоидаларидан бирини таклиф қилди.²⁶ 20 та ёрдам олувчи давлатларнинг ногиронлар ташкилотлари ва тегишли давлат идоралари билан маслаҳатлар асосида ёзилган мазкур стратегиянинг асосий натижаси бу “бошқалар каби ногиронларга иштирок этиш, ўз ҳиссаларини қўшиш, қарор қабул қилиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий таъминланганликка тенг имкониятларини таъминлаш орқали уларнинг ҳаёт даражаларини яхшилашга кўмак бериш”. Мазкур стратегиянинг бир қисми ўлароқ, AusAID агентлиги олдини олиш мумкин бўлган заифликлар сонини камайтириш учун йўл ҳаракати хавфсизлиги ва кўрликка олиб келувчи касалликларнинг профилактикаси каби соҳалардаги дастурларни ҳам молиялаштиради. Ушбу мақсадли сиёсатга қўшимча равишда, AusAID агентлиги “ногиронларнинг ҳаёт даражаларини яхшилаш”ни Австралиянинг кўмак бериш сиёсатидаги умумий 10та ривожланиш мақсадларининг бири этиб белгилади. “Ривожланиш барча учун” стратегияси 2012 йилда баҳоланганда, мақсадли маблағлар, аниқ ишлаб чиқилган қоидалар, ҳамда Канберра ва бошқа бутун дунёдаги

²³ “Жанубий- Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (ASEAN) ҳамжамиятида ногиронлар иштирокини кучайтириш тўғрисидаги Бали Декларацияси”. <http://www.asean.org/archive/documents/19th_summit/Bali_Declaration_on_Disabled_Person.pdf>.

²⁴ Европа Кенгаши ва Венеция Комиссияси. “Венеция комиссиясининг сайлов ишларида ногиронлар иштироки масаласи бўйича қайта кўриб чиқилган шарҳлар Декларациясини”. <[http://www.venice.coe.int/webforms/documents/CDL-AD\(2011\)045.aspx](http://www.venice.coe.int/webforms/documents/CDL-AD(2011)045.aspx)>.

²⁵ Mobile International томонидан тайёрланган ногиронларни жалб этиш қоидаларининг тўплами учун қуйидагига қаралсин: <http://www.miusa.org/idd/resources/dispolicies/index.html>

²⁶ Австралиянинг Халқаро Ривожланиш Агентлиги (AusAID). “Ривожланиш барча учун: Австралиянинг ногиронларни жалб этиш бўйича 2009-2014 йиллардаги кўмак дастури.” <http://aid.dfat.gov.au/Publications/Pages/8131_1629_9578_8310_297.aspx>.

бўлинмаларда ишига вафодор ходимларнинг бўлиши мазкур кўмакни олувчи давлатларда ногиронларнинг ҳаёт даражаларининг сезиларли яхшиланишига олиб келганлигини кўрсатди.²⁷

АҚШнинг Халқаро ривожланиш агентлиги (USAID) ногиронларга оид стратегиясини 1997 йилдан бери амалга ошириб келмоқда. Агентлик ҳамкорлар ва ходимларни ўзи молиялаштириладиган дастурларда “ногиронларга қарши камситишларни бартараф этишга, ҳамда қабул қилувчи мамлакатдаги ҳамкор-ташкilotлар, ҳукуматлар, дастурларни амалга оширувчи ташкilotлар ва бошқа донорларнинг камситишсиз муҳитни ва ногиронларга тенг шароитларнинг яратилишини тарғиб қилишга” чақирган.²⁸ Мазкур сиёсатга мувофиқ ногиронликка оид масалалар халқаро ривожланишнинг бир қисми эканлиги, ногиронлар жамияти аъзолари билан маслаҳатлашишнинг муҳимлиги, ҳамда ногиронлар ташкilotини сармоялаш ва мустаҳкамлаш ногиронларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги муҳим қадамлар эканлиги эътироф этилади.

Қамровли ривожланишдаги мажбуриятини мустаҳкамлаш учун, АҚШнинг Халқаро ривожланиш агентлиги (USAID) умумий қоидаларни ўрнатувчи иккита директива ишлаб чиқди ва амалиётга тадбиқ этди:

- “Эгалик жараёнига кўмаклашиш тўғрисидаги” 04-17- сонли қоидалар Директиваси (AAPD). Мазкур директива USAID агентлигининг шартномалардаги, грантлардаги ва ҳамкорлик битимлардаги ногиронларга нисбатан сиёсатини қўллаб-қувватлашга йўналтирилгандир: Ушбу директивадан мақсад молиявий кўмак доирасида пудратчилар ва грант-олувчилар томонидан USAID агентлигининг ногиронларга оид стратегиясига максимал даражада риоя қилишдир. Бу директивада аниқ изоҳ мавжуд бўлиб, у барча тақдимномалар ва оқибатида тузиладиган шартномалар, грантлар ва ҳамкорлик битимларида кўрсатилиши керак.
- AAPD 05-07 директиваси USAID агентлигининг шартномаларда, грантларда ва ҳамкорлик битимларида ногиронлар учун қўлайликлар мезонларини мустаҳкамлашга кўмаклашди: Ушбу директива ҳамма шартномалар, грантлар ва ҳамкорлик битимларида махсус меъёрнинг киритилишини сўраб, унга кўра ногиронларнинг барча янги ёки қайта қурилган ёхуд таъмирланган иморатлар, бинолар ёки хизмат кўрсатиш воситалардан осонликча фойдаланиш мезонларига мувофиқ бўлишини талаб этади.

Шунинг билан бирга, АҚШнинг Халқаро Ривожланиш Агентлигида ногиронларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчиларнинг рўйхати (Disability Champions Listserv) мавжуд бўлиб, штаб-квартирада ва миссиялардаги ходимлар ўртасида тажриба алмашишни, ҳамда ногиронларни жалб этиш амалиёти бўйича ўзаро маслаҳат сўрашни қўллаб-қувватлайди.

Бошқа АҚШ давлати идоралари ҳам ўзларининг фаолиятларида ногиронларни жалб этишнинг муҳимлигини эътироф этадилар. АҚШ Давлат Департаментининг Демократия, Инсон Ҳуқуқлари ва Меҳнат Бюроси ногиронларнинг жалб этилиши даражасини ўзига келиб тушган таклифни кўриб чиқиш мезони сифатида алоҳида қайд қилиб ўтади. “Дастурни Мониторинг қилиш ва Баҳолаш” бўлимида ногиронлар бўйича маълумотларни алоҳида қайд этиш тавсия этилади. “Дастур ғоясининг амалга ошириш сифати” бўлимида эса дастурлар “энг ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларининг, жумладан аёлларнинг ва ногиронларнинг ҳуқуқларини” илгари суриши керак деб

²⁷ Линда Келли ва Лоррейн Уоплинг. Австралия. Австралиянинг Халқаро Ривожланиш Агентлиги. AusAIDнинг Ривожланиш барча учун Стратегияси: Оралиқ кузатув. 2012 йил. <<http://aid.dfat.gov.au/aidissues/did/Documents/dfamtr.pdf>>.

²⁸ АҚШнинг Халқаро ривожланиш агентлиги (USAID). Сиёсат ва Дастур Координацияси Бюроси. USAIDнинг Ногиронлар сиёсатида бағишланган мақола. Вашингтон, Колумбия Округи. 1997 йил. <http://pdf.usaid.gov/pdf_docs/PDABQ631.pdf>.

белгиланган. АҚШ Давлат Департаментининг Демократия, Инсон Ҳуқуқлари ва Меҳнат Бюроси донор сифатида жуда яхши мисол бўлиб, фаолиятларни амалга оширишда, ҳамда тегишлича мақсад ва вазифаларни белгилашда ногиронларнинг манфаатларини назарда тутишнинг муҳимлигини эътироф этади, ҳамда ўзининг ушбу сиёсатини амалиётда қамровли таклифларга қўшимча баллар беришда намоён қилади.

Шунингдек, Швеция Халқаро Ривожланиш ва Ҳамкорлик Агентлиги (SIDA) *“Ногиронлар учун инсон ҳуқуқлари”*²⁹ номли қамровли стратегиясини 2009 йилда қабул қилди. Мазкур қарорнинг асосий мақсади Швеция тараққиёт бўйича ҳамкорлик қиладиган давлатларда ногирон аёллар, эркаклар, қиз ва ўғил болаларнинг инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ҳамда уларнинг яшаш шароитларини кўтариш учун яхшироқ имкониятларни таъминлашдир. Ушбу стратегияга мувофиқ SIDA агентлигининг ишида ва қарор қабул қилиниши жараёнида ногиронларнинг манфаатларини инobatга олиш сўралади. Унга яна SIDA агентлиги ходимларидан ва дастур ижрочиларидан ногиронларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган ҳолатларни ва яшаш шароитларини юқори даражада тушунишларини ва билишларини таъминлайдиган меъёр киритилган. Бу стратегия Швециянинг ҳуқуқларга асосланган глобал ривожланиш бўйича умумий сиёсатидаги баёнотининг амалдаги ифодаси бўлиб, *“ҳуқуқларнинг келажакдаги ривожланиши аҳолининг четлатилган қатламлари ва гуруҳлари кабиларни камситилиши масалаларига йўналтирилган бўлади. Гендер ҳолати, ёши, ногиронлиги, этник келиб чиқиши ёки жинсига қарамай одамлар ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятларига эга бўлишлари керак”*. Таъкидлаш муҳимки, мазкур стратегия SIDA агентлигининг 2005 йилдаги *“Ногирон болалар ва вояга етганлар тўғрисида”*ги чоп этилган ҳужжатининг ногиронларни агентликнинг барча фаолият турларига жалб этишнинг таъминланмаганлигини кўрсатувчи таҳлили натижасида ишлаб чиқилган эди. Ушбу стратегияни амалдаги тадбиғига оид мунтазам ўтказиладиган таҳлил ва кейинги ижобий ўзгаришлар SIDA агентлиги сиёсатининг яна бир муҳим хусусияти ҳисобланади.

Донорлар ва ногиронлар гуруҳлари уюшмаси ҳисобланган Ногиронларнинг Ҳуқуқларини Ҳимоя қилиш Жамғармаси (The Disability Rights Fund) *“Хайрия имкониятидан ташқари: ногиронларни қамраб олиш бўйича Донор учун қўлланма”*ни ишлаб чиқди.³⁰ Ушбу қўлланма Ногиронлар ҳуқуқларини тўғрисидаги Конвенция(CRPD)нинг самарали қўлланилиши йўллари ва донорлар ҳуқуққа асосланган ёндашув орқали ногиронларнинг манфаатларини халқаро тараққиёт дастурларида назарда тутиш йўллари ифодалаб берган.

Тўсиқларни енгиб ўтиш

Қайд этилганидек, ногиронларда ўзларининг ҳаётларига таъсир этадиган қарорларни қабул қилишда иштирок этиш истаглари ва имкониятлари мавжуд. Шунга қарамай, улар кўпинча эркин ҳаракатланиш, фойдаланиш (кириш) ҳуқуқларини ва турли имкониятларни чегаралайдиган ёки чеклайдиган тўсиқларга дуч келадилар.


²⁹ Анетте Далстрём, Шарлотта Бредберг, Лина Линдблом, Кристина Лундберг, Йохан Норквист ва Камилла Оттоссон. Швеция Халқаро Ривожланиш ва Ҳамкорлик Агентлиги (SIDA). *“Ногиронлар учун инсон ҳуқуқлари”*. SIDA, 2009 йил. <<http://sidapublications.citat.se/interface/stream/mabstream.asp?filetype=1&orderlistmainid=294&printfileid=294&filex=402323664960>>.

³⁰ Брюс Дауни ва Лоррейн Уоплинг, *“Хайрия имкониятидан ташқари: ногиронларни қамраб олиш бўйича Донор учун қўлланма”*, Ногиронларнинг Ҳуқуқларини Ҳимоя қилиш Жамғармаси (The Disability Rights Fund). <http://www.disabilityrightsfund.org/files/beyond_charity_a_donors_guide_to_inclusion.pdf>.

3-расм: Кўплаб ногиронлар тўқнаш келадиган тўсиқлар

Кўплаб ногиронлар тўқнаш келадиган ижтимоий хурофот (стигма), камситишларга асосланган ҳуқуқий тизим/инфратузилмаларга ва мансабдор шахслар томонидан рамзий/ҳомийларча ёндашувлар каби умумий тўсиқларнинг тоифаларга ажратилган рўйхати 3-расмда келтирилган. Баъзи тўсиқлар маълум ҳудудлар учун ўзига хос ҳисобланади. Масалан, баъзи Африка давлатларида ногиронлик баъзида ўтган ҳаётидаги ноҳўя ҳаракати учун қарғиш натижаси сифатида қаралади. Сайлов даврининг алоҳида босқичларида маълум турдаги ногиронларга хос бўлган қўшимча тўсиқлар кейинчалик муҳокама қилинади.

Ушбу ўзига хос тўсиқлар билан биргаликда, ногиронлар бошқа



фуқаролар дуч келадиган муаммолар билан ҳам тўқнаш келадилар. Кўпгина янги ва эндигина шаклланаётган демократик давлатларда аҳолининг асосий қатлами сайлаш ва сиёсий иштирокнинг бошқа шакллари бўйича етарли тажрибага эга эмас. Шу билан биргаликда, қонун чиқарувчи органлар ва сиёсий партиялар сиёсий қарорлар қабул қилаётганда фуқаролар билан маслаҳатлашмасликлари ёки фуқаролик жамиятининг давлат идоралари устидан назоратининг аҳамиятини қадрламасликлари мумкин. Бундан ҳолатларда, сиёсий муҳитнинг чегараланганлиги ва давлат идоралари ҳисобдорлигининг етарли эмаслиги барча фуқароларга ногиронлигига қарамай салбий таъсир ўтказди. Шу туфайли, ногиронларни янада кенгроқ қамраб олишга йўналтирилган демократлаштириш дастурларини ишлаб чиқишда мавжуд умумий муаммоларни ҳам инobatга олиш ва демократиянинг кенгайиши ва ривожланишига кўмак бериш учун ногиронларнинг тутган ўрнини белгилаш лозим бўлади.

“Энг асосий шуки, ногиронлар бир бутуннинг ажралмас қисми ҳисобланиб, ҳукумат ва фуқаролик жамияти сайловларда иштирок этишни ва амалда сайлашни хоҳловчиларни сонини кўпайтиришнинг муҳимлигини тан оладилар. Биз айнан шунга қараб интиламиз.”

Жудит Хойманн,
АҚШ Давлат Департаментининг
Халқаро ногиронлар ҳуқуқлари бўйича Махсус маслаҳатчиси

Сайлов ва сиёсий жараёнларда аҳолининг барча қатламлари иштирокини қўллаб-қувватлаш стратегиялари

Қўлланмамизнинг иккинчидан тўртинчи бўлимигача сайлов даврини очиб беради. Ҳар бир бўлим ушбу даврнинг алоҳида босқичига бағишланган бўлиб, унда маълум босқичда ногиронлар дуч келиши эҳтимоли бўлган қийинчиликлар муҳокама қилинади. Жараённинг мақбуллигини ошириш ва сиёсий ҳаётга жалб этишни мустақамлаш учун тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Аксарият амалга ошириладиган фаолиятлар тўртта ўзаро боғлиқ стратегияларга асосланади.

1. Ногиронларнинг имкониятларини ошириш.

Ногиронлар ва уларнинг ташкилотлари (DPO) сайловлар ва сиёсий жараёнларга бағишланган дастурлар доирасидаги муҳим шериклар ҳисобланадилар. Ногиронлар ташкилотлари ногиронлар сафарбарлигини ва уларнинг манфаатларини ифодалаш учун мавжуд платформани таъминлайдилар. Уларни дастурни амалга ошириш бутун даври мобайнида жалб қилиш лозим, яъни ишлаб чиқиш, амалга ошириш, кузатиш ва натижаларни баҳолаш босқичларида. Бундай ҳамкорлик самарали бўлиши учун, кўпгина ногиронлар ташкилотларига сиёсий тизим ва давлат тузилмасининг турли жабҳаларига бағишланган тренинг фойда бериши мумкин. Ногиронлар ташкилотларининг давлат органлари мансабдор шахслари, оммавий ахборот воситалари, халқаро ташкилотлар ва бошқа гуруҳлар билан ўзаро мулоқотларига кўмаклашувчи асосий ташкилий кўникмалар ҳисобланган менежмент ва жамоатчилик билан ишлаш ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларини юритиш каби билимларни ривожлантиришга қаратилган малакаларни ошириш муҳим ва фойдалидир. Ушбу тренинглар уюшмаларга бирлашиш ва молиявий ёрдамни жалб қилиш каби мавзуларни қамраб олиши мумкин. Мазкур ёрдам ногиронлар ташкилотларининг сиёсий таъсирини оширишга ва кун тартибига ўзларининг қизиқтирадиган саволларини киритишларига кўмак бериши мумкин. Бундан ташқари, агар халқаро ҳомийлар ва дастурни амалга оширувчи шериклар ўз ходимларини, айниқса бошқарувда, ногиронлар ичидан ишга жалб этсалар, сайлов ва сиёсий жараёнлар самараси ҳам ошиб боради.

2. Давлат идораларини қўллаб қувватлаш

Қонунчилик органлари ва сайлов ўтказувчи давлат органлари каби давлат органларини қўллаб қувватлаш дастурлари ногиронларни сиёсий ҳаётда фаолроқ иштирок этишларини учун имконият яратади. Қонунчилик билан ишловчи давлат органларига техник кўмак кўрсатиш давомида демократияни ривожлантириш дастурлари ушбу давлат органларининг ногиронлар жамоаларининг ҳуқуқларини ёки қабул қилинган қарорларнинг мазкур жамоаларга таъсирини баҳолашларни амалга ошириш кўникмаларини шакллантиришлари мумкин. Бундан ташқари, ушбу дастурлар давлат органларини ўзларининг сайи-ҳаракатларининг бир қисми сифатида ногиронлар ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишга етаклаши мумкин бўлиб, ногиронларда тўлақонли фуқаролик ҳиссини тарғиб қилади ва бу ўз навбатида уларнинг ҳаётларига таъсир кўрсатадиган масалалар бўйича улар билан маслаҳатлашишни назарда тутди. Ногиронлар ташкилотлари давлат манфаатдор идоралари билан бевосита ҳамкорлик ўрнатишларига ҳам кўмак бериш лозим. Қарор чиқарувчиларнинг ногиронлар ҳақидаги билимларини ошириш ногиронларнинг сиёсий ҳаётнинг тўлақонли иштирокчиси сифатида жалб этилишидаги муҳим босқич бўлиб, уларнинг жалб этилишига тўқтинлик қилаётган қонунчиликни ва қарорларни ўзгартиришни талаб этади.

3. Шерик ногиронлар ташкилотларини фуқаролик жамияти коалициясига қабул қилиш

Демократик сайлов жараёнларини мустаҳкамлаш дастурлари кўпинча маҳаллий сайловларни кузатиш ёки сайловчиларнинг билимларини ошириш каби фаолиятларни амалга оширишда ҳамкорлар тизими ва коалицияларга молиявий ва техник кўмак беришни назарда тутди. Бундай ишлар фуқароларнинг кўпроқ маълумотларга эга бўлган ҳолда қарорлар қабул қилишларини ва сайлов жараёнларининг янада ишончли бўлишини таъминлашда улкан аҳамиятга эга. Ногиронлар ташкилотларининг ушбу ҳамкорлар тизимларига ва коалицияларга жалб қилинишлари бир қанча мақсадларга эришишга хизмат қилади. Биринчидан, бу ногиронлар ташкилотларига (DPO) шериклари бўлмиш фуқаролик жамияти ташкилотларидан тажриба олишга ва энг яхши услубларни қўллашни ўрганишга имконият яратади. Ногиронлар ташкилотларининг аъзолари муаммоларни аниқлаш ва кампанияларни олиб бориш бўйича ўз кўникмаларини ҳосил қилиб,

Яхши амалий мисол

Жанубий-Шарқий Осиёда ногиронлар иштирокини таъминлаш бўйича Умумий сайлов тизими (AGENDA) Индонезия, Филиппин, Малайзия, Вьетнам, Лаос, Камбоджа, Бирма ва Тайланд давлатларининг ногиронлар ташкилотлари ва сайловлар ўтказувчи давлат органларини бирлаштириб, ҳамда миллий даражадаги ва ASEAN мансабдор шахслар билан ҳамкорликда сайловда иштирок этиш қулайликлари ва манфаатларни ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган тадқиқотлар ўтказиш ва сайлов кузатувини амалга ошириш асосий мақсадлари.

AGENDA тузилмасига кирувчи шерик ташкилотлар ҳар йили учрашиб, йил давомида маълумот бюллетенлари ва мультимедия воситалари орқали энг яхши усулларни қўллаш тажрибалари билан ўзаро алмашадилар.

шерик ташкилотлар билан ҳамкорликлари туфайли кўпинча ўзларига бўлган ишончни ошириб борадилар. Бу каби ўз кадр-қимматини англаб етишлик ногиронлар ташкилотларининг сиёсий ҳаётда иштирокларини давом эттириш учун ва уларнинг етакчилик қилиш учун илҳомлантириш воситаси ҳисобланади. Иккинчидан, бундай ўзаро ҳамкорлик коалиция бўйича бошқа шерикларнинг ногиронларни бундан фаолроқ қўллаб-қувватлашга етаклайди ва ногиронларни жалб қилишга қаратилган ўзларининг ташкилий ишларини ҳолисроқ баҳолашга кўмак беради. Масалан, ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи фуқаролик жамияти ташкилотлари ногирон ёшларнинг эҳтиёжларини билмасликлари ҳақида хулосага келишлари мумкин ёки ногиронлар ташкилотлари мансабдор лавозимларга кўпроқ аёлларни тайинлаш орқали ўзларининг бошқарувини кенгайтиришга эҳтиёжи борлигини тан олиши мумкин. Ниҳоят, ногиронлар ташкилотларини бундай коалицияларга жалб этиш, ногиронлардан таклиф ва мулоҳазалар олиш услубларини доимий амалиётга киритади, ҳамда ногиронларни қобилиятли ва малакали шахслар

сифатида тасаввур қилишни шакллантиришга кўмак беради.

4. Ногиронлар орасида тарғибот ташвиқот кампанияларни олиб боришда сиёсий партияларга кўмак бериш

Сиёсий партиялар билан ҳамкорликка йўналтирилган ривожланишга кўмаклашиш, ногиронларнинг жалб қилинишларига ҳам имконият яратади. Сиёсий партияларга ўзларининг платформаларини ривожлантириш, партия аъзолари ва сайланадиган номзодларни ўқитиш ёки сайлов кампанияларни ўтказиш стратегияларини ишлаб чиқиш каби фаолиятларида кўмак беришга йўналтирилган дастурларда, демократияга кўмаклашувчи ташкилотлар ногиронлар ҳаёт шароитларига таъсир қиладиган масалалар юзасидан тарғибот-ташвиқотни қўллаб-қувватлаш учун сиёсий партияларни ногиронлар ташкилотлари билан боғлашлари мумкин. Сиёсий партияларни бундай тарғибот-ташвиқот кампанияларида қўллаб қувватлаш, нафақат ногиронлар ҳуқуқларига риоя қилиниши масалаларига диққатни қаратади, балки, сиёсий ҳаётда барча фуқароларнинг иштирокини такомиллаштиришга олиб келадиган сайлов кампаниялари даврида ногиронларнинг

фикр-мулоҳазаларини кенгроқ инобатга олишга ундайди. Шунингдек, сиёсий партияларни ҳам ногиронларни номзодлар сифатида ва партия бошқарув поғоналарига тайинлашга ундаши лозим.

Сайлов цикли

Сайлов жараёни элементларининг ўзаро боғлиқлиги, шунингдек, ривожланиш эҳтиёжлари ва ногиронларни ушбу жараёнга жалб қилишнинг имкониятлари тўғрисида аниқ тасаввур пайдо бўлиши учун, мазкур қўлланма сайлов цикли босқиқларига мувофиқ равишда ташкиллаштирилган. Сайлов цикли таҳлил ва янада очиқ, умумқамровли ва ишончли сайлов жараёнларини қўллаб-қувватловчи ривожлантиришга кўмаклашувчи стратегиялар учун асосни таъминлайди. Сайлов циклини умуман олганда урта қисман ўзаро боғлиқ бўлган даврларга бўлиш мумкин: сайловолди даври, сайлов даври ва сайловдан кейинги давр.


Қуйидаги диаграммада кўрсатилишича, сайлов циклининг бошланиш ва охири нуқталари қатъиян белгиланмаган ва ҳар бир давр сайлов жараёнларини янада барқарорлигини таъминлашга кўмак берадиган турли асосий жиҳатлар атрофида шакллантирилган. Масалан, сайловолди даври бу режалаштириш, бюджет маблағларини ажратиш, ўқитиш ва рўйхатга олиш вақтидир. Сайлов даври бу ташвиқот-тарғибот, овоз бериш, ҳисоб-китоб ва шикоятлар вақтидир. Сайловдан кейинги давр бу таҳлил, ислоҳотлар ва муҳим стратегияларни белгилаш вақтидир. Фуқароларни ўқитиш ва жалб қилиш каби сайлов циклининг барча босқиқлари учун умумий бўлган жиҳатларини тан олган ҳолда, диаграммада аниқ манфаатдор тарафлар ва ҳар бир босқиқ давомида қўллаб-қувватланиши мумкин бўлган чоралар бўйича яққол мисоллар келтирилган.

Ногиронларнинг сайловлар вақтида сиёсий иштирокини кенгайтирадиган дастурлар уларни жалб этиш билан боғлиқ бўлган тўсиқларни ҳам, ногиронлар ташкилотлари(DPO)нинг ўз ваколатларидан фойдаланиш ва таъсир ўтказиш қурбининг бўлмаслигини ҳам бартараф этишга кўмаклашиши мумкин. Сайловларнинг эркинлиги ва очиқлиги ногиронларнинг сиёсий ҳаётга тенг асосда жалб қилишнинг биринчи муҳим босқици ҳисобланади. Сайловлар, бундан ташқари, номзодлар орасида ногиронлар учун муҳим бўлган масалалар бўйича муҳокамаларни кўпайтириш, сиёсий қарорлар қабул қилувчилар билан муносабатларни яхшилаш, ҳамда ногиронлар ташкилотларининг бошқа иштирокчилар билан тарғибот-ташвиқот ишларини мустақамлаш орқали мазкур ташкилотларнинг сиёсий фаолиятини ошириш учун кўплаб имкониятлар яратади. Бу каби икки тарафлама ёндашув сайловдан кейинги сиёсий жараёнларга ногиронларнинг сезиларли даражадаги иштирокини таъминлаш учун асос яратишга хизмат қилади.

4-расм: Сайлов цикли

Сайловдан кейинги давр

Сайловолди даври



Сайлов даври



Непалдаги маҳаллий ўқитувчи-мутахассис
ногиронларнинг сайлов бўйича билимларини оширмоқда

2-Бўлим: Сайловолди даври

Яширин тўсиқлар

- Сайловолди техник баҳолашлар давомида сайловда иштирок этиш/ўз ҳуқуқларидан фойдалана олишлик имкониятлари билан боғлиқ масалалар инobatга олинмайди
- Камситишларга асосланган сайлов қонунчилиги
- Сайлов ўтказувчи давлат органларининг бюджет маблағлари қулайликлар яратиш ва керакли воситалар билан таъминлаш учун харажатларни назарда тутмайди
- Танланган сайлов участкаларидан фойдаланиш имкониятининг йўқлиги
- Сайлов участкалари ходимлари ногиронларнинг овоз бериши масалаларини тартибга солиш бўйича таҳсил олмаганлар
- Миллий ID (шахсини тасдиқловчи) карточка билан таъминлашнинг қийинчилиги
- Сайловчиларни рўйхат олиш ноқулай жойларда амалга оширилганлиги
- Сайловчиларнинг хабардорлигини ошириш ва сиёсий партиялар платформалари/номзодлари ҳақидаги маълумотларни қулай бўлмаган шаклларда тарқатганлиги
- Ногиронлар кузатувчилар сафига киритилмаганлиги
- Ногиронлар ташкилотларининг сиёсий ҳуқуқларни тарғиб қилиш бўйича тажрибага эга эмаслиги

Сайловолди даври давомида асосий эътибор сайловларга тайёргарлик кўриш масалаларига бағишланади. Очiq сайловларни режалаштиришни қўллаб-қувватлаш учун кўмак дастурлари сайловлар бошланишини ва уларни ўтказишнинг барча асослари қабул қилинишини кутмасдан амалга оширилиши лозим. Муҳим манфаатдор томонлар сайловолди давридан тайёргарлик ишларида унумли фойдаланиб, бу билан сайлов давридаги жараён такомиллаштирилади. Тайёргарликнинг баъзи жиҳатлари қўшимча молиявий харажатларни талаб этса, бошқалари, агар аввалдан режалаштирилса, бундай харажатларни талаб элмайди, ҳамда баъзи фаолиятлар молиявий харажатларни назарда тутмайди.

Ушбу бўлим жуда муҳим бўлган мазкур сайловолди даври давомида сайлов ўтказувчи давлат органлари ва фуқаролик жамияти ташкилотларининг мақсад ва вазифаларига бағишланган бўлиб, қуйидаги фаолиятларга эътиборни қаратади:

- Сайловолди техник баҳолашни ўтказиш
- Сайлов қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатларни лойиҳасини ишлаб чиқиш
- Молиявий ва маъмурий режалаштириш
 - Сайлов ўтказувчи ходимларни ишга қабул қилиш ва ўқитиш
 - Сайловчиларни рўйхат олишни амалга ошириш, ҳамда сиёсий партияларни ва номзодларни рўйхатга олиш

Яхши амалий мисол

2003 йилда Словениянинг Конституциявий Суди Словениянинг “Парламент сайловлари тўғрисида”ги Қонуни, “Президент сайловлари тўғрисида”ги Қонуни, ҳамда “Маҳаллий сайловлар тўғрисида”ги Қонундаги тўлиқ ҳуқуқ лаёқатига эга шахсларнигина рўйхатга олиш лозимлиги ҳақидаги талабларнинг конституциявий меъерларга мувофиқлигини кўриб чиқди. Мазкур Суд ушбу сайлов қонунларини ноконституциявий деб топиб, қуйидагича қарор қилди: “сайлов ҳуқуқидан фойдаланиш ҳуқуқий лаёқат асосида белгиланмаслиги лозим”³¹.

³¹ Словения Республикасининг расмий журнали. 73.29 (2003): 11212-11216

- Сайловчиларнинг хабардорлигини ошириш кампанияларини амалга ошириш
- Кузатувчиларни аккредитация қилиш


Ногиронлар нуқтаи - назаридан ҳолатни баҳолаш

Баҳолашни амалга ошириш тўсиқлар ва ислоҳатларни ўтказиш мумкин бўлган соҳаларни аниқлашда биринчи қадам ҳисобланади. Сайлов жараёнининг барча жабҳаларини кўриб чиқаётганда сайловолди техник баҳолашлар ногиронларнинг кўзи билан ҳар бир соҳани таҳлил ҳам қилиши зарур. Мазкур умумий баҳолаш жараёнидаги ногиронларнинг ҳолати таҳлил қилишига қўшимча равишда ўтказиладиган ҳамда ногиронларни жалб қилишни аниқ масалаларига йўналтирилган алоҳида баҳолашни ўтказиш донорлар ва дастурни амалга оширувчи тарафлар томонидан шундай жамоалар тўқнашадиган махсус тўсиқларни енгишга кўмак бериши мумкин. Баҳолашни ўтказувчи гуруҳлар ногиронлар ташкилотларининг вакиллари билан учрашиб, тўсиқлар тўғрисидаги уларнинг фикрларини билишлари ва уларни енгиш бўйича таклиф-мулоҳазаларини олишлари лозим. Давлат ҳали БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясини ратификация қилмаган бўлса ҳам, ислоҳотларга оид барча таклиф-мулоҳазалар ушбу халқаро шартноманинг 29- моддаси моҳиятига ҳамоҳанг бўлиши керак. Ногиронлар ташкилотлари билан учрашув ўтказиш кўмак берувчи ташкилотлар ва донорларга уларнинг аниқ имкониятларини баҳолаш ва қўллаб-қувватланиши лозим бўлган соҳаларни аниқ белгилаш имкониятларини беради.

Сайлов қонунчилиги ислоҳоти

Ҳуқуқий ва меъёрий тартибга солиш сайлов жараёнининг энг муҳим элементларидан бири ҳисобланиб, унда сайловларда иштирок этиш қоидалари ва мезонлари белгиланган бўлади.

Бутун дунёда, ногиронларнинг сайлов ва сиёсий жараёнларда иштирокини кенгайтиришни тарғиб қилувчи кўпгина ижобий ўзгаришлар юз бераётган бир пайтда, ақлий ва психоижтимоий ногиронлар ҳали ҳам ижтимоий хурофот (стигма) остидадир. Уларнинг овоз бериш ҳуқуқлари чекланишининг ягона сабаби сифатида уларнинг ногиронликлари ёки уларнинг ҳомийлик остида эканлиги кўрсатилади. Мазкур масалалар АҚШда кенг муҳокама қилинган бўлиб, мисол тариқасида 12та штатда бугунги кунда ҳомийлик остида бўлган шахслар сайлаш ҳуқуқига эга эканлигини эътироф этишимиз мумкин. Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 12-моддаси иштирок этувчи давлатлар «ногиронлар ҳаётнинг барча жабҳаларида бошқалар билан тенг равишда ҳуқуқ лаёқатига эга эканлигини»³² эътироф этишларини, шу жумладан сайлов қонунчилигида, талаб қилади.



Арманистонда “Тенг ҳуқуқли жамият соғлом жамият” шиори билан чоп этилган эълон

³² Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ Конвенциясининг 12-моддаси, «Қонун олдидаги тенглик» <<http://www.un.org/disabilities/default.asp?id=272>>.

2011 йил декабрда БМТнинг Инсон Ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссарлиги Бошқармаси ногиронларнинг сиёсий ва жамият ҳаётидаги иштирокларининг ҳисоботини нашр этди.³³ Ҳисоботда кўрсатилишича, тадқиқот ўтказилган кўпгина давлатларда, конституциявий ёки қонуний меъёрларига асосан ақлий ва психоижтимоий ногиронлар мазкур ногиронликларининг ҳуқуқ лаёқатига боғлиқ эканлигини эътироф этиб овоз бериш ва сайланадиган мансабларни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этилганлар. Ҳисобот муаллифларининг хулосасига кўра, ушбу чекловлар «Иштирокчи давлатларнинг БМТ Конвенциясининг 2, 12, 29 – моддалари асосида олган мажбуриятларига зид эканлиги тан олинади, ҳамда миллий қонунчилик ва мавжуд амалиётни тезда ўзгартириш лозимлиги талаб этилади».³⁴

Яхши амалий мисол

Гватемалада Сайлов ўтказувчи давлат органи даун синдромли кўнгилиларни ишга жалб этиб, уларга сайлов материалларини ўрашни топширди. Бу давлат органи мазкур кўнгилиларни тарғибот-ташвиқот материалларида ва оммавий ахборот воситаларининг эълонларида намойиш этиб, ногиронларнинг қобилиятлари ҳақидаги аҳолининг маълумотга эга бўлиш даражасини оширди.

Ҳаттоки, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга мувофиқ давлат қонунчилигига тегишли

қўшимча ва ўзгартиришларни киритган Гана каби давлатларда ҳам яна кўпгина чораларни амалга оширишга тўғри келади. Гана Ҳукумати психоижтимоий ногиронларнинг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи «Ақлий саломатлик тўғрисида»ги қонунни 2012 йилда қабул қилди. Янги қонун психиатрик шифохоналардаги касалларга президентликка номзодларга овоз бериш ҳуқуқини берсада, айна пайтда сайловчиларни рўйхатга олиш қондаси, агарда улар шифохона жойлашган сайлов округида рўйхатга олинган бўлмасалар, касалларнинг баъзиларини парламент аъзолари каби ҳудудий номзодларга овоз беришларига тўсқинлик қилади.

Сайлов қонунчилиги яна ёрдамчи кўмагида овоз бериш қоидаларига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Баъзи ҳолларда овоз беришда ногиронлар ёрдам талаб қилишлари мумкин. Ёрдамчини танлаш жуда муҳим масала бўлиб, у томонидан сайловчини қўрқитиш ёки унинг фикрига таъсир ўтказиш орқали овоз беришнинг сирлилигига ва хавфсизлигига таъсир кўрсатилиши мумкин. Мазкур хавфнинг келиб чиқишини олдини олиш мақсадида, “Ногиронлар ҳуқуқи тўғрисида”ги Конвенцияни тайёрлашда қатнашган ногиронлар ташкилотлари ногиронларга “уларнинг ўз танлови бўйича бирорта шахс томонидан овоз беришда ёрдам кўрсатиш”га ушбу Конвенциянинг 29-моддасида рухсат бериш бўйича музокаралар олиб борди. Шунга қарамай, кўпгина давлатлар мазкур меъёрни бузиб, сайлов пайтида сайлов участкалари ходимлари томонидангина ёрдам беришга рухсат беради.

Ундан ташқари, барча сайлов участкаларидан фойдаланиш имконияти ўз вақтида таъминланмаганида, сайлов қонунчилиги ногиронлар мазкур сайлов участкаларига доир вақтинчалик чораларни назарда тутиши мумкин. Барча сайлов участкаларидан ошкорона фойдаланишни таъминлаш асосий мақсад бўлсада, лекин маълум сайлов участкаларидан тўлақонли фойдаланиш имконияти бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатларда, олдиндан овоз бериш ёки кўчма сайлов қутиларининг ишлатилиши қўшимча ошкораликни таъминланишига сабаб

³³ БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссарлиги Бошқармаси «БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссарлиги Бошқармаси томонидан ўтказилган ногиронларнинг сиёсий ва жамият ҳаётидаги иштирокларига оид тематик тадқиқоти». БМТ, 21 декабр 2011 йил. http://www.ohchr.org/Documents/Issues/Disability/SubmissionThematicStudy/A.HRC.19.36_en.doc

³⁴ Ўша жойда.

бўлиши мумкин. Баъзида мазкур икки усул фирибгарлик ва/ёки яширин овоз бериш қондасига риоя қилмаслик каби оқибатларга олиб келади. Алоҳида сайлов хонасининг биринчи қаватда қўйилиши мазкур қонун бузулишларининг олдини олишга ёрдам бериши мумкин. Юқоридаги усуллар (қоидалар) қисқа муддатли ёки ўтиш чоралари сифатида фойдали бўлсада, уларни барча сайлов участкаларининг ошкоралигини (улардан тўлақон фойдаланиш имкониятини) таъминловчи доимий муқобил чора сифатида ишлатиб бўлмайди.

Баъзи бир сайлов қонунлари фақатгина маҳаллий аҳоли тилида гаплаша оладиган шахсларгагина сайланувчи лавозимларга ўз номзодларини илгари суришга рухсат беради. Мазкур талаблар кар ва соқов ногиронларнинг номзод бўлишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Камситувчи сайлов қонунчилигидаги тўсиқларни бартараф этиш учун, халқаро ҳомийлар ва дастурларни амалга оширувчи ташкилотлар мазкур сайлов қонунчиликларини қайта кўриб чиқишга ёрдам беришлари, минтақада мавжуд бўлган мисолларни тақдим этишлари, ҳамда янада қамровли (инклюзив) қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда кўмак беришлари мумкин. Масалан, Мисрда Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси(IFES) сайлов қонунчилиги борасида таҳлил ўтказиб, қонунда ногиронлар ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган чекловлар бўйича сайлов ўтказувчи давлат органига (ЕВМ) ўз таклиф ва мулоҳазаларни тақдим этди. Бундай сўнг, бир гуруҳ маҳаллий ташкилотлар томонидан хабардорлик даражасини ошириш кампаниясини ўтказишлари, Инсон Ҳуқуқлари бўйича Миср Кенгаши ногиронлар қўмитасини шакллантириш ҳақидаги қарорини қабул қилишга олиб келди. Бунинг оқибатида ногиронлар ҳуқуқининг таъминланишига имконият туғилди.

Қамровли (инклюзив) сайлов қонунлари қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак:

- ✓ Ҳомийлик остида бўлган шахсларни ҳам инobatга олувчи умумий сайлов ҳуқуқи;
- ✓ Номзодлар ва сайловчиларга қўйилувчи тиббий ёки тил билиш талабларидан холи бўлиш;
- ✓ Сайлов участкаларининг доимий ошкоралигини таъминлаш учун улардан фойдаланиш имкониятининг мавжуд эмаслиги масалаларини турли қулай усуллар орқали ҳал қилиш имконияти;
- ✓ Яширин овоз бериш ҳуқуқи ҳамда, хоҳишига асосан ногиронларга уларнинг ўз танлови бўйича бирорта шахс томонидан овоз беришда ёрдам кўрсатиш;
- ✓ Сенсорли сайлов бюллетенлари сингари тегишли оқилона шароит ва воситаларнинг таъминланиши.

Аҳолининг барча қатламларини сайловларни бошқаришда қатнашиши

Иш фаолиятини тартибга солувчи қоидаларни ошкоралигини таъминлаш учун сайлов ўтказувчи давлат органларига “оқилона шароит ва қулай воситалар”ни тақдим этиш учун осонроқ ва молиявий жиҳатдан самарали сайловолди даври давомида кўмак берилиши лозим. Ногиронлар ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенциянинг 2-моддаси “оқилона мослаштириш” атамасини изоҳлар экан, уни номутаносиб ёки ҳаддат ташқари юк бўлмайдиган зарур ва тегишли ўзгаришлар ва тузатишлар киритиш деб изоҳлайди. Бу ногиронларнинг бошқалар билан тенг равишда барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини амалга ошириш таъминлайди. Масалан, сайлов

Яхши амалий мисол

Қуйида Washington City Group гуруҳи томонидан тавсия этилган ва аҳолини рўйхатга олиш давомида берилган саволга мисол.

1. Кўриш қобилиятингиз билан муаммонгиз мавжудми, жумладан кўз ойнак тақиб юргангизда?

- а) Йўқ, ҳеч қандай муаммом мавжуд эмас
- б) Ҳа, баъзи муаммоларим бор
- в) Ҳа, кўпгина муаммоларим бор
- г) Умуман кўрмайман

бюллетенларида номзодларнинг расмлари ва/ёки сиёсий партияларнинг эмблемалари билан тайёрлаш интеллектуал имконияти чекланган шахс бўлган ногиронларга турли хил вариантлар ичидан танлашга ёрдам беради. Шу билан биргаликда, номзодларнинг гендер ёки этник келиб чиқиши асосидаги ҳар хил эҳтимолдан ҳоли бўлмаган камситишларни инobatга олган расмларни қўйиш ҳақидаги қарор ҳолда қабул қилиниши керак.

Бюджетлаштириш жараёнида ва сайлов ўтказувчи давлат органининг (ЕМВ) стратегик режаларини ишлаб чиқиш жараёнида ногиронларни жалб қилишнинг муҳимлигини ҳам инobatга олиш керак. Мазкур муҳим аҳамиятга эга бўлган босқичда ногиронларнинг фикрларини билиб олишнинг оддий йўли, уларни сайлов ўтказувчи давлат органларининг (ЕМВ) мансабдор шахслари сифатида ёллашдан иборатдир. Сайловларни ўтказувчи давлат органларининг барча мансабдор шахслари халқаро мезонлар бўйича тренингларни ўтишлари керак, булар жумласига Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциядаги мезонлар ва ногиронларни сайлов жараёнига жалб қилиш усуллари бўйича тренинглар ҳам киради.

Давлат муассасалари томонидан аҳолини рўйхатга олиш даврида ногиронларнинг ҳисобини юритиши, сайлов ўтказувчи давлат органлари учун тегишли маълумотларни таъминлаш имкониятини беради. Washington City Group гуруҳи³⁵ томонидан таклиф қилинган савол каби стандартлаштирилган саволларнинг қўлланилиши маълумот йиғишни тизимлаштиришга ёрдам беради. Бундай саволларнинг ёрдами шундан иборатки, ногирон шахслар дуч келадиган тўсиқларни аниқлайди ва шу билан бирга, мазкур шахснинг аниқ қайси қобилияти бузилганлигини аниқлашни талаб этмайди. Бу услуб самаралироқ бўлиб, баъзи бир шахслар ўзларининг ногиронликлари ҳақидаги маълумотни очишга иккиланишлари мумкин, ҳамда «ногиронлик» тушунчаси мамлакатдан-мамлакатга турли хил бўлиши мумкин.



Сайлов ўтказувчи давлат органи ва Ногиронлар ташкилотининг сайлов жараёнига ногиронларни жалб этиш тўғрисидаги Ливияда ҳамкорликдаги давра суҳбати.

Сайлов ўтказувчи давлат органлари (ЕМВ) нуқтаи-назаридан мазкур саволлар сайловчи учун муҳим бўлган шароитлар ва воситалар турини аниқлаш жараёнини енгиллаштиради. Масалан, улар сайловчининг орқа мияси шикастланганлиги ҳақида билиши шарт эмас; улар фақатгина мазкур шахс жойлашган сайлов участкасидан фойдаланиш шароитининг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини билсалар етарлидир.

³⁵ Касалликларни назорат қилиш ва профилактикаси Марказлари. “Washington City Group гуруҳи томонидан тавсия этилган ва аҳолини рўйхатга олиш давомида берилган саволлар”.

http://www.cdc.gov/nchs/data/washington_group/WG_Short_Measure_on_Disability.pgf.

Сайлов участкалари

Одатда сайлов участкалари мактаб ва маҳалла бинолари каби жамоа (давлат) биноларида ўтказилади. Бундай бинолар ўз-ўзидан ногиронлар учун фойдаланишга қулай бўлиши керак. Аммо, кўп давлатларда бу кўпинча бундай эмас. Сайлов участкаларидаги тўсиқларни аниқлаш ва бинолардан фойдаланиш мақсадида уларни бартараф этиш усуллари бўйича тренинглар сайлов ўтказувчи давлат органлари (ЕМВ) ва ногиронлар ташкилотлари (DPO) учун фойдали бўлиши мумкин. Тўсиқлар ички (масалан, паст ёритиш) ёки ташқи (масалан, хонага фақат зинапоя орқали чиқиш) бўлиши мумкин.

Бутун дунё бўйлаб ногиронлар ташкилотлари сайлов участкаларидан фойдаланишни яхшилаш билан боғлиқ кўпгина ижодий ечимларни ишлаб чиқдилар. 2012 йил Грузиянинг Эркин Ҳаёт учун Коалицияси мамлакатнинг қайси жойларида ногиронлар яшашини билиш мақсадида ҳар бир хонадон бўйича сўров ўтказди. Ундан сўнг, сайлов участкаларини тўғри жойлашувига ёрдам бериш ва ёрдамчи воситаларни тўғри тақсимлаш учун бу ташкилот йиғилган маълумотларни сайлов ўтказувчи давлат органига тақдим этди.



Грузиядаги сайлов участка ташқарисида сайловчи оммавий ахборот воситаси томонидан саволга тортиляпти.

2009 йилда Ливан Жисмоний Ногиронлар Уюшмаси ва Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси(IFES) ногиронлар учун фойдаланиши қийин бўлган сайлов участкаларининг жойлашган жойларининг харитасини тузиш мақсадида географик ахборот тизимларида (GIS) ишловчи корхона билан ҳамкорлик қилишди. Сўнг, мазкур йиғилган ахборотни маълумотлар базасига киритиб, давлат идоралари билан бўлишишди ва бевосита Интернетда чоп этишди. Мазкур лойиҳа доирасида сайлов участкалари 6 та асосий иштирокни таъминлаш мезонлари бўйича баҳоланди, булар жумласига автомобилларнинг тўхтаб туриш жойи, кириш жойлари ва ҳожатхоналардан фойдаланишни имкониятлари ҳам киради. Амалга оширилган ишлар натижасида давлат сайловлардан аввал 18та биноларда фойдаланиш имкониятини яхшилаш учун маблағ ажратди.

2007 йил Арманистондаги сайлов участкаларининг кириш қисмида ясама нишоблик қуриш акцияси сайловчи ногирон ва ногирон бўлмаган шахсларни ўқитиш кампанияси билан қўшилиб амалга оширилди. Маҳаллий “Парос” номли ногиронлар ташкилоти қилинган ижобий ишлар ва қўшимча ясама нишобликлар қуришнинг муҳимлигини кўрсатувчи видеофильм³⁶ тайёрлади. Мазкур кампания натижасида қўшимча ясама нишоблик(пандус)ларнинг қурилиши учун сиёсий партия маблағ ажратди. Мазкур ясама нишобликларнинг нафақат сиёсий партиянинг таянчи бўлган ҳудудлардагина бўлишига йўл қўймаслик учун уларнинг жойлашувини ногиронлар ташкилоти белгилади.

Ёрдамчи воситалар

Бундай воситалар ногиронларга ҳар кунги ишларни ёки бошқа масалаларни ҳал қилишга ёрдам беради. Сайловларда иштирок этишни янада енгиллаштирувчи ёрдамчи воситаларнинг бир қанча турлари мавжуд. Мазкур воситаларни ишлаб чиқишда сайлов ўтказувчи давлат органларига (EMB) одатда кўмак керак бўлади. Сайлов бюллетенлари учун сенсорли қўлланмалар бу бюллетенлар жойлаштирилиши мумкин бўлган қоғоз жилдлар бўлиб, улар кўзи ожизларга Брайл алифбоси ёки сенсорли белгиларни қўллаш орқали номзодларни аниқлаш ва яширин овоз беришга ёрдам беради. Бундай қўлланмаларни сайлов ўтказишдан анча олдин ишлаб чиқиш лозим бўлади, чунки сайлов бюллетени дизайни қўлланма дизайнига, қўлланма дизайни эса бюллетен дизайнига боғлиқ бўлиб қолиши мумкин. Қоғоз жилддаги тешикчалар сайлов бюллетенидаги хоначалар билан бир қаторда бўлиб, бунинг натижасида ногирон сайловчилар Брайл алифбоси ёки сенсорли белгиларини ўқиб, бюллетенга оддий сайловчилар сингари белги қўйишлари мумкин бўлади.

Яхши амалий мисол

Норвегиянинг Меҳнат ва Қамровли ижтимоий ҳимоя Вазирлиги сайловларни қандай қилиб такомиллаштириш бўйича маҳаллий ҳокимиятлар учун Қўлланмани нашр этди. Унда маълумот ва инфратузилма қулайлигининг батафсил жиҳатларини кўрсатувчи назорат рўйхати келтирилган.³⁶

АҚШ Адлия Департаменти сайлов участкалари учун назорат рўйхатини ишлаб чиқиб, унда сайлов жойида қулайликларни таъминлашнинг барча жиҳатлари, жумладан автомобилларнинг тўхтаб туриш жойи, йўлчалар, кириш жойлари, даҳлизлар ва овоз бериш хонасининг ўзи назарда тутилган қоғозлар келтирилган.³⁷

³⁶ Сайлов Тизимлари Халқаро Жамғармаси (IFES). *Арманистон: Ногирон сайловчилар*. YouTube. 2010. <<http://www.youtube.com/watch?v=eXvLtnAHaOI&noredirect=1>>.

³⁷ “Сайловларда иштирок этиш: Маҳаллий ҳокимиятлар учун Қўлланма”. *Helsedirektoratet*. <<http://helsedirektoratet.no/publikasjoner/accessibility-to-elections-guide-for-the-municipalities/Publikasjoner/accessibility-to-elections-guide-for-the-municipalities.pdf>>.

³⁸ АҚШ Адлия Департаменти. *Ногирон америкаликлар тўғрисидаги АҚШ Қонуни (ADA)нинг Сайлов участкалари учун назорат рўйхати*. 2004 йил. <<http://www.ada.gov/votingck.htm>>.


Баъзи сайлов ўтказувчи давлат органлари Брайл сайлов бюллетенларини ишлаб чиққан бўлсада, аммо сенсорли қўлланма масалани ҳал қилишда икки томонлама қулайликка эгадир. Биринчидан, ҳар бир сайлов қутида Брайл алифбосидаги сайлов бюллетенларидан одатда бир нечта сайловчилар фойдаланадилар холос, бунинг натижасида мазкур алифбодан фойдаланганларни қандай овоз берганликларини билиб олиш мумкин бўлади. Айти пайтда, сайловчи сенсорли қўлланмадан фойдаланар экан, унинг бюллетени бошқа сайловчиларникидан умуман фарқ қилмайди ва бу нарса овозларнинг яширинлигини таъминлайди. Иккинчидан, сайловда сенсорли қўлланмадан фойдаланиш харажатлари кўпинча нисбатан камроқ бўлади. Бундай ҳолатда сайлов ўтказувчи давлат органи сайлов участкаларига бир нечта мазкур қўлланмалардан етказиб беради холос. Брайл сайлов бюллетенларининг ҳар бир сайлов участкаларида керакли миқдорда бўлишини таъминлаш учун эса янада йирик кўламдаги логистик ишлар амалга оширилиши керак бўлади.

Овоз бериш хоналари (будкалари)нинг пастроқда жойлаштирилиши ногиронлар арачасидан фойдаланувчи шахслар учун қулайлик яратиб, сайловларнинг яширинлигини таъминлайди. Сенсорли ёрликлар ёки сайлов қутиси устига ёпиштирилган сенсорли белгилар сайлов кунда бир нечта бюллетени бор кўзи ожиз шахсларга у ёки бу бюллетенни қайси сайлов қутисига ташлаш лозимлигини кўрсатиб туради. Лупа (катталаштирувчи ойна), кўчма ёритиш мосламалари, йирик фломастерлар ногирон ва бошқа сайловчиларга сайловларда қатнашишга ёрдам берувчи воситалардир.

Сайловолди давридаёқ сайлов ўтказувчи давлат органи (ЕМВ) ёрдамчи воситаларни сотиб олиш ва тарқатиш режасини ишлаб чиқиши керак. Сайлов ўтказувчи давлат органлари (ЕМВ) «Оқилона қулайлик ва воситалар» бандини бюджетни ишлаб чиқиш жараёнида киритиши керак. Охириги дақиқада ёрдамчи воситаларни ишлаб чиқиш мазкур воситаларни тарқатиш билан боғлиқ логистик ишларни режалаштириш учун етарлича вақт қолдирмайди. Бу эса сайлов кунларида ёрдамчи



Сиерра-Леонеда 2002 йилда ишлатилган сайлов бюллетенлари учун сенсорли қўлланма



Гуатемала сайлов участкалари ходимлари учун мазкур қўлланмада ногиронларнинг овоз беришига бағишланган бўлими мавжуд.

воситаларнинг омборларда қолиб кетишига олиб келади. Ёрдамчи воситаларни ишлаб чиқишда ногиронлар билан доимий равишда маслаҳатлашиш сайловчиларнинг эҳтиёжлари инобатга олинганлигини таъминлайди.



Непал аёли Брайл алифбосида ёзилган сайловчиларни рўйхатдан ўтказиш маълумотини ўқимоқда.

учун ногиронлар ҳақида махсус ўқув курслари ташкиллаштирилиши лозим. Қонунлари барча аҳоли қатламларининг иштирокини назарда тутувчи давлатларда ҳатто, сайлов участкалари ходимларининг етарли даражада билимга эга бўлмаганликлари оқибатида ногиронларнинг сайловларда иштирок эта олмаслиги кузатилган. Масалан, сайловчи, зарурат бўлганда, овоз беришда ёрдам кўрсатиш учун ўз танлови бўйича бирорта шахсни танлаши мумкинлиги Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда белгиланган. Шунга қарамай, сайлов участкаларининг баъзи ходимлари ушбу талабга риоя қилишга ўргатилмаган ва улар сайлов участкаси ходимларигагина ногиронларга ёрдам беришга руҳсат беришади.

Шу билан биргаликда, сайлов участкалари ходимларига сенсорли қўлланмадан фойдаланиш усулларини ҳам ўргатиш лозим. Сиерра-Леонадан Косовогача бўлган турли давлатларнинг сайлов ўтказувчи давлат органлари (ЕМВ) сайловлар учун сенсорли қўлланмаларни ишлаб чиқишган, бироқ, кузатувчилар гувоҳи бўлишича, сайлов участкаларининг ходимлари сайлов пайтида ушбу қўлланмани кўзи ожизлар ва яхши кўра олмайдиган сайловчиларга ёки таклиф қилишмаган ёхуд ишлатиш усулларини нотўғри тушунтиришган. Ушбу муаммони ечиш мақсадида баъзи сайлов ўтказувчи давлат органлари (ЕМВ) сайлов участкалари ходимларини тайёрлаш бўйича қўлланмага ногиронларнинг овозларини инобатга олиш усуллари кўрсатилган бўлимни қўшимча сифатида киритишди.

Тренинг

Сайлов ўтказувчи давлат органлари ногиронларнинг сайловларда тўқнаш келадиган тўсиқлари ва уларни енгиб ўтиш усулларини кўпинча тушунмайдилар. Сайлов ўтказувчи давлат органларининг қарор чиқарувчи мансабдор шахслари ва ўрта даражадаги мансабдор шахсларининг, жумладан, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 29-моддасида таъкидланган мажбуриятлар бўйича билимларини ошириш талаб этилади. Бундан ташқари, сайлов кунини сайлов ўтказувчи давлат органини (ЕМВ) намоён қиладиган сайлов участкаларининг ходимлари

Яхши амалий мисол

Филиппинда Сайлов Тизимлари Халқаро Жамғармаси (IFES) сайлов ўтказувчи давлат органига (ЕМВ) Ногиронлар имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашувчи Идораларо ва ННТлар Уюшмасини шакллантириш жараёнига кўмак берди. Ушбу ишчи гуруҳи ногиронларни сиёсий жараёнларга жалб этиш сиёсатида оид, масалан ногирон сайловчиларни рўйхатга олиш умуммиллий кампаниясини ўтказиш каби тавсияларни тайёрлайди.

Сайлов ўтказувчи давлат органи (ЕМВ) «Ногиронлар ҳафталигини» ўтказиб, ҳафта давомида ногиронларни сайловчилар сифатида рўйхатга олишни тарғиб қилади. Ушбу ҳафта мобайнида етказиб берилаётган ОАВ ахборотларига қўшимча тарзда, сайлов комиссияси давлатнинг йирик савдо марказларини ҳам рўйхатга олиш шохобчалари сифатида ишлатди ва фойдаланилиши қулай бўлган веб-сайтни ишлаб чиқди.

Ўқитиш жараёни сайлов ўтказувчи давлат органларининг сайлов куни навбатни тартибга солиш қоидаларини ҳам ўз ичига олиши зарур. Ногиронлар, қариялар ва ёки ҳомиладор аёлларга биринчилардан бўлиб овоз беришларига имкон бериш лозимми, ёки улар бошқалар билан бир қаторда ўз навбатларини кутишлари керакми? Сайловчилар навбатдан ташқари овоз беришга рухсат олишлари керакми, ёки бу имтиёз сайлов ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин бўлган шахсларни аниқлаш мажбурияти сайлов участкалари ходимларига юклатилганми? Стуллар билан ҳам таъминлаш шартми? Бу саволларга жавоблар турли давлатларда турли бўлиши мумкин, аммо сайлов ўтказувчи давлат органлари олдиндан тегишли режаларни ишлаб чиқишлари ва қабул қилишлари керак.

Сайловчиларни рўйхатга олиш

Сайловчиларни рўйхатга олиш жараёнини техник қўллаб қувватлаш – ногиронларнинг сайловларда иштирок этиш имкониятини таъминловчи муҳим усуллардан биридир. Агарда ногирон сайловчилар рўйхатга олинмасалар, улар сайлов куни овоз беришда иштирокни таъминловчи имтиёзлардан фойдалана олмайдилар. Бутун сайлов жараёнига таъсир ўтказиши мумкин бўлган ахборотдан ва жойдан фойдаланиш имкониятининг йўқлиги каби масалаларга қўшимча равишда миллий шахсини тасдиқловчи ҳужжат (ID) ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани олиш рўйхатга олиш учун қўшимча тўсиқ бўлиши мумкин.

Одатда, сайловчиларни рўйхатга олиш учун миллий шахсни тасдиқловчи ҳужжат (ID) ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома талаб этилади. Баъзи давлатларда, ногирон болаларга улар келажакда тўлақонли фуқаро бўлмаслиги эҳтимол қилиниб, туғилганида бундай шахсини тасдиқловчи ҳужжат берилмайди. Ушбу ҳужжат асосида бериладиган ҳуқуқлар ҳам, одатда, тушунарли ифода қилинмаслиги мумкин ва бунинг натижасида ногиронлар сайловларда рўйхатдан ўтиш учун мазкур ҳужжатнинг тақдим этилишини билмасликлари мумкин.

Айрим давлатларда, ногиронлар тўғрисидаги маълумот рўйхатга олиш жараёнининг бир қисми сифатида тўпланади. Ушбу маълумот баъзида шахсни тасдиқловчи ҳужжатда келтирилса, баъзида сайлов ўтказувчи давлат органи томонидан ички фойдаланиш учун сақланади. Мазкур

давлат органлари бу маълумотдан фойдаланиши оқибатида сенсорли қўлланма каби воситаларнинг тарқатилишини яхшироқ режалаштириш имкониятига эга бўладилар, аммо бу ҳолат ўз навбатида салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Ногиронликнинг шахсни тасдиқловчи ҳужжатда акс эттирилиши бандлик каби бошқа ижтимоий соҳаларда камситишларга сабаб бўлиши

Bago para sa mga PWD voters
at new registrants!

Merong na tayong "Supplementary Data" kung saan ilalagay ang uri ng kapansanan at "assistance" na kakailanganin mo sa araw ng halalan

SUPPLEMENTARY DATA
(Persons with disabilities/Senior Citizens with disabilities)

Please Check the Box Indicating the disability

DISABILITY	
Physical	<input type="checkbox"/>
Hearing	<input type="checkbox"/>
Speech	<input type="checkbox"/>
Visual	<input type="checkbox"/>
Non-Manifest	<input type="checkbox"/>
Multiple Disabilities	<input type="checkbox"/>

Please check what type(s) of assistance needed on election day

TYPE OF ASSISTANCE	
Assistor	<input type="checkbox"/>
Communication Assistance	<input type="checkbox"/>
Accessible Precinct	<input type="checkbox"/>
Visual Assistance	<input type="checkbox"/>
None	<input type="checkbox"/>

Applicant/Registrant's Signature/Thumbmark over printed name _____
Date: _____

Left Thumbmark Right Thumbmark

Филиппинда сайлов кунда керак бўладиган воситалар ҳақидаги маълумотлар сайловчиларни рўйхатга олиш жараёни давомида тўпланади

мумкин. Агар сайлов ўтказувчи давлат органи тегишли маълумотни тўпласада, ушбу ҳужжатда акс эттирмаса, мазкур хавфни бартараф этишга эришилиши мумкин. Ногиронлар ҳақидаги маълумотни йиғиш ва уни шахсни тасдиқловчи ҳужжатда кўрсатиш тўғрисидаги қарор маҳаллий ногиронлар жамияти билан маслаҳатлашишдан кейингина қабул қилиниши керак. Сайлов ўтказувчи давлат органлари ушбу маълумотни нима мақсадларда фойдаланиши ҳақида аниқлик киритиши шарт. Ўз-ўзини шахсини тасдиқлашнинг афзалликлари бўйича таълим нафақат сайлов кунда, балки барча йўналишларда кўрсатиладиган хизматларни яхшиланишига олиб келиши мумкин. Шунинг билан бирга, ногиронларнинг шахсий маълумотларининг дахлсизлиги барча ҳолатларда бирламчи аҳамиятга эга бўлиши лозим.

Сайловчиларни рўйхатга олишнинг қамровли жараёни қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак:

- ✓ Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ва миллий шахсни тасдиқловчи (ID) ҳужжатларни тақдим этишнинг қулай ва қамровли жараёнлари
- ✓ Рўйхатга олиш жойларидан амалда фойдаланиш имконияти
- ✓ Тушунилиши осон бўлган маълумотларнинг қулай шаклларда тарқатилиши
- ✓ Ногиронларга оид маълумотларни тўплашнинг афзалликлари ва салбий оқибатлари аниқ белгиланиши ва баҳоланиши
- ✓ Ногиронларга оид маълумотларни йиғиш ҳақидаги қарорлар ногиронлар жамияти билан маслаҳатлашишдан кейингина қабул қилиниши

Сайловчиларнинг хабардорлигини ошириш

Сайловчиларнинг хабардорлигини ошириш учун икки томонлама ёндошувни қўллаш лозим; яъни махсус ногирон сайловчиларга мўлжалланган хабардолликни ошириш, ҳамда ногиронларни кенг оммага мўлжалланган дастурларларга жалб этиш. Ногиронларни, кенг оммага мўлжалланган хабардорликни ошириш дастурларларига жалб этиш тадбир харажатларини кўпайиши дегани эмасдир. Масалан, сайлов ўтказувчи давлат органлари (ЕМВ) ва сиёсий партиялар телевидениядаги реклама эълонларида ногирон актёрларни қўшимча маблағ сарфламасдан жалб қилишлари мумкин.

Сайлов ўтказувчи давлат органлари (ЕМВ) ва сиёсий партияларнинг сайловчиларни хабардорлигини оширишларига қўшимча равишда донорлар ногиронлар ташкилотлари ва фуқаролик жамияти ташкилотларини ногирон сайловчиларни хабардорлигини ошириш кампанияларини ўтказиш масалаларида қўллаб-қувватлашлари лозим. Бу эса, аниқ амалий билимларни ўргатиш талаб қилинганда – масалан, сайловларда сенсорли қўлланмаларидан фойдаланиш усулларини ўргатганда - катта аҳамиятга эга. Тажриба шуни кўрсатадики, агар сайлов ўтказувчи давлат органлари (ЕМВ) ва ногиронлар ташкилотлари сайлов участкаларининг ходимлари ва сайловчиларни бир хил даражада ўқитганларида,

Яхши амалий мисол

Демократик Сайловлар бўйича Судан Уюшмаси - бу 70 дан ортиқ жамоат ташкилотлари ва диний гуруҳларни бирлаштирувчи тизим бўлиб, унинг ҳамкор-шериги сифатида ногиронлар ташкилоти ҳам унинг таркибига киради. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами фаровонлигини таъминлашни назарда тутувчи Жанубий Суданнинг вақтинчалик Конституцияси бўйича жамоатчиликни хабардор қилиш ишлари Жанубий Суданда биринчи сайловларга тайёргарлик босқичида олиб борилган. Сайловчиларни хабардорлигини ошириш жараёнида ногиронлар ичида алоҳида тушунтириш ишларини олиб бориш, ногиронларни сафарбарлик қилишга олиб келди. Ушбу сайловчиларни хабардорлигини ошириш бўйича тарғибот ташвиқот усулининг Жанубий Судандаги аҳолининг четлатилган қатламлари иштирокининг бошқа шаклларида қўллаш мумкинлигини яна бир натижа десак бўлади.

сайловчилар кўпинча бундай қўлланма борлигини ва ундан қандай фойдаланиш лозимлигини биладилар.

Ақли заиф ногиронлар ёки саводсиз шахслар сайловчиларнинг хабардорлигини оширишнинг осон ўқиладиган шаклдаги маълумотларнинг тақдим этилиши ёки бевосита таълим берувчилар билан мулоқот қилиш имконияти бўлган ҳар бир хонадон сайловчисини хабардорлигини ошириш кампаниялари афзалликларидан фойдаланишлари мумкин бўлади. Расмли плакатлар - аҳолининг кенг қатламлари орасида сайловчиларнинг фуқаролик хабардорлигини ошириш кампанияларини ўтказишда фойдаланиладиган яна бир воситадир. Расмли плакатларни кўрсатиш пайтида, малакали машғулот раҳбари сайлов билан боғлиқ масалаларни иштирокчилар томонидан муҳокама қилишни рағбатлантиришга мўлжалланган бир қанча расмларни намойиш қилади.

5-расм: Мақбул форматларга мисоллар

Мақбул формат:	Кимларга ёрдам беради?
Аудио	Кўзи ожиз ёки кўриш қобилияти паст бўлган ва саводсиз шахслар
Брайл алифбоси	Кўзи ожиз ёки кўриш қобилияти паст бўлган шахслар
Субтитрлар	Карлар ёки эшитиш қобилияти паст бўлган шахслар
Осон ўқиладиган матн	Интеллектуал имконияти чекланган шахслар (ақли заифлар), саводсиз ёки маҳаллий тилда гаплашмайдиган шахслар
Экрандан ўқийдиган дастурий таъминот билан бирга қўлланиладиган электрон матн	Кўзи ожиз ёки кўриш қобилияти паст бўлган шахс; Интеллектуал имконияти чекланган шахслар (ақли заифлар) ёки таълим олиш имконияти чекланган ёки саводсиз шахс
Катта ҳарф билан терилган матн (16-20 шрифтнинг ўлчами)	Кўриш қобилияти паст бўлган шахслар
График тасвирлар (расмлар)	Интеллектуал имконияти чекланган шахслар (ақли заифлар), саводсиз ёки маҳаллий тилда гаплашмайдиган шахслар
Имо-ишоралар тили/ кар-соқовлар тили	Карлар ёки эшитиш қобилияти паст бўлган шахслар
Сенсорли белгилар	Кўзи ожиз ёки кўриш қобилияти паст бўлган Брайл алифбосидан фойдалана олмайдиган шахслар ва кўзи ожиз-кар шахслар

Сайлов ўтказувчи давлат органининг (EMV) веб-сайтида нашр қилинаётган маълумотлар ногиронлар томонидан фойдаланишга қулай бўлиши керак. АҚШ «Муомала лаёқатининг тикланиши тўғрисидаги» Қонунининг 508-бўлимида назарда тутилган қоидалар веб-сайтларнинг қулайлигини таъминлаш мақсадида фойдаланилиши мумкин.³⁹ «Daisy Consortium»⁴⁰, «Bobby Approved»⁴¹ ва «World Wide Web Consortium »⁴² каби яна бошқа қулайликларни таъминлайдиган қоидалар ҳам мавжуд.

Қаерда ва қандай овоз беришга қўшимча тариқасида, асосланган қарорлар қабул қилишлари учун ногиронлар сиёсий партиялар ва номзодлар платформалари ҳақидаги фойдаланилиши қулай

³⁹ АҚШ Адлия вазирлиги, 508- бўлим мазмуни Таҳлили, 1998й. <<http://www.justice.gov/ctr/508/>>.

⁴⁰ Daisy Consortium. <<http://www.daisy.org/>>.

⁴¹ Доналд Коган, «Бобби томонидан маъқулланган веб-сайтлар: веб-сайтларнинг ногиронлар учун қулайлик даражасини ошириш», <<http://www.bobby-approved.com/>>.

⁴² World Wide Web Consortium. W3C, <<http://www.w3.org/>>.

шаклдаги маълумотларга эҳтиёжлари бор. Келтирилган 5-расмдаги жадвалда энг кўп тарқалган мақбул формат (шакл)лар ва шундай форматларда маълумотларни етказилиши кимларга фойдали бўлиши кўрсатилган.

Сайлов ўтказувчи давлат органлари (ЕМВ), сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари сайловчилар учун ўқув материаллари харажат-бюджетини тайёрлаш пайтида имо-ишоралар тилида, Брайл алифбосида, катта ҳарфлар билан ва ўқилиши осон бўлган расмлар каби мақбул форматлардаги маълумотларни тарқатиш харажатларини ҳам инобатга олишлари керак. Сайловчилар учун умумошқора бўлиши керак бўлган ўқув материаллар сирасига қуйидагилар киради:



Конго Демократик Республикасида қўлланилган расмлар плакатлардан бири.

- ✓ Сайлов ўтказувчи давлат органининг (ЕМВ) веб-сайти
- ✓ Брошюралар, плакатлар ва электрон почталар каби кампания доирасидаги тарқатма материаллар
- ✓ Телевидение ва радиодаги оммавий реклама роликлари
- ✓ Сиёсий партиялар манифестлари (мурожаатлари)/платформалари ва номзодлар ҳақидаги маълумотлар

Campagne nationale d'éducation



Гвинеядаги Канакри қарлар мактабида ўқитувчи “овоз бериш” сўзини кўрсатмоқда.

A **Accesible**
PARA PERSONAS
CON DISCAPACIDAD



Ejerciendo un Derecho Constitucional en un marco de dignidad y de respeto a las diferencias.

Tu voto cuenta, VOTA
ELECCIONES 2011 Guatemala, C. A.



Гуатемалада сайлов кунда сайловчи овоз бергандан кейин сиёх буйлаган бармогини кўрсатмоқда.

3-Бўлим: Сайлов даври

Яширин тўсиқлар

- Кузатувчилар иштирок этиш ҳуқуқидан фойдаланиш масалаларини назорат қилмайдилар
- Сиёсий партиялар ногирон сайловчилар учун муҳим бўлган масалаларни ҳал қилмайдилар ёки ногиронларни номзод сифатида жалб этмайдилар
- Партия манифестлари (муурожаатлари) қулай форматларда берилмаган
- Сайлов участкаларига кириш ёки сайлов ҳуқуқидан фойдаланиш имконияти мавжуд эмас
- Хавфсизлик органлари ногиронлар учун хавфсиз шароитларни таъминлашнинг йўллари ҳақида хабардор эмаслар
- Оммавий ахборот воситалари маълумотларни қулай форматларда тарқатмайдилар
- Шикоятларни кўриб чиқиш тизимидан фойдаланиш имконияти таъминланмаган

Сайлов даври сайлов куни билангина чегараланмасдан, бошқа босқич ва жараёнларни ҳам ўз ичига олади. Асосий босқич ва жараёнларга қуйидагилар киради:

- Кузатув
- Сиёсий партиялар номзодлигини ва депутатликка номзодларни кўрсатиш
- Сиёсий партиялар ва номзодларнинг тарғибот кампанияларини ўтказиш
- Сўровлар ўтказиш ва овозларни ҳисоблаш
- Сайлов натижаларини жадвал кўринишида келтириш ва эълон қилиш
- Сайлов низоларини ҳал қилиш

Сайловларни кузатиш

Халқаро донорлар ва дастурларни амалга оширувчи ҳамкорлар миллий ва халқаро кузатувчи гуруҳлар, ҳамда ногиронлар ташкилотлари (DPOs) билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга кўмак берадилар. Ногиронлар қисқа муддатли ва узоқ муддатли кузатувчилар сифатида жалб этилиши лозим. Узоқ муддатли кузатув амалда сайловолди давридан бошланади ва сайловчиларни рўйхатга олиш каби жараёнларни кузатувни ўз ичига олади. Сайлов ҳуқуқидан фойдаланиш масалалари кузатувчиларнинг асосий назорат рўйхатларида бўлишлари, ҳамда ногиронларнинг мазкур ҳуқуқлардан фойдаланишни мониторинг қилиш йўллари бўйича малакаларини ошириш талаб этилади.

Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси(IFES), бир неча ногиронлар ташкилотлар (DPO) ва миллий кузатув гуруҳлари⁴³ сайловни мониторинг қилиш усулларини ҳамда барча турдаги ногиронларнинг сайлов ҳуқуқларидан фойдаланишларига оид ўқув материалларини ишлаб чиқдилар. Сайлов кузатуви формаси (анкетаси)га Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциядаги ногиронларнинг сиёсий иштироки бўйича халқаро мезонларга мувофиқ бўлган иштирокни таъминлаш чораларига

⁴³ Ногиронларнинг умумий сайлов тизими/гуруҳи <<http://www2.agendaasia.org/>>.

оид саволлар киритилган. Ушбу янги сайлов мониторинги воситалари маҳаллий ҳамкор бўлмиш ногиронлар ташкилотларига ишонarli мониторинг маълумотларидан фойдаланиш имкониятини бериб, бирламчи масалаларни аниқлашга ва тўлиқ сайлов цикли давомида иштирокни таъминлашнинг самарали имкониятларини қидириб топишга ёрдам беради. Мазкур воситалар Жанубий-Шарқий Осиёда ва Лотин Америкасида Ногиронлар ташкилотларига камчиликларни аниқлаш ва сайловларнинг янада ошкоралигини таъминлашни тарғиб қилишга кўмак беради.

Махсус ошкоралик ва қулайлик масалалари бўйича кузатувдан ташқари, ногиронларнинг асосий сайлов кузатув гуруҳларида иштирокини таъминлаш керак бўлади. Шунини таъкидлаш жоизки, сайлов участкаларида ногиронларнинг кузатувчи сифатида қатнашиши, аҳоли фикр-мулоҳазаларининг ўзгаришига олиб келади ва ногирон шахсларнинг фуқаролик жамияти фаолиятида қатнашиш қобилияти борлигини кўрсатиб беради. Бундан ташқари, ногиронлар жамиятининг бир ажралмас қисми эканлиги алоҳида таъкидланади.

Асосий кузатув гуруҳлари назорат рўйхатига сайловлар жараёнлари ҳақида бир нечта саволларни киритишлари керак бўлди. Баъзи бир кузатув гуруҳлари бу вазифа бажарган бўлсада, кўпгина гуруҳлар мазкур вазифани охирига етказмаган. Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси(IFES) ва Миллий Демократик Институт (NDI) бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда, сайлов кузатувини амалга оширувчи халқаро кузатув гуруҳлари ва маҳаллий кузатув ташаббуслари учун мезонларни ишлаб чиқишди. Мазкур мезонларга мувофиқ ногиронларнинг тенг ҳуқуқли иштирокини таъминланганлигининг таҳлили ва ногиронлар дуч келган тўсиқларни бартараф этиш бўйича таклифлар кузатув гуруҳларининг якуний ҳисоботларида ўз аксини топиши

Яхши амалий мисол

Афғонистон Миллий Ассамблеясининг (Волеси Жирға) қўйи палатаси сайлови бўйича кузатув гуруҳи сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш, сайловларга оид шикоятларни кўриб чиқиш, хавфсизликни таъминлаш, ОАВнинг аҳамияти, аёлларнинг сайловларда қатнашиши, ҳамда майда миллатлар/диний гуруҳлар ва ногиронлар каби мавзуларда бир қанча тематик – таҳлилий изланишлар олиб борди. Мазкур гуруҳнинг якуний ҳисоботи шунини кўрсатадики, кўпгина ногиронлар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи қарорлар ўз кучида бўлишидан қатъий назар, сайловларнинг ошкоралиги 2010 йилда 2005 йилга нисбатан камроқ таъминланган эди. Шунга қарамай мазкур ҳисоботга биноан сайлов ўтказувчи давлат органи (ЕМВ) 2005 йилдаги қарорга риоя қилиб, сайлов участкалари ходимлари ичида 5% ногиронлар бўлиши лозимлиги талабини қондирган. Кузатув гуруҳи ҳисоботидаги ногиронларнинг сайловларда қатнашиши таҳлили ва сайлов участкалари ходимлари сифатида ногиронларни жалб қилиш квоталари ногирон шахсларнинг сиёсий жараёнларда янада фаол иштирокини кучайтириш учун асос яратишини таъминлади.



AGENDA кузатувчилари Индонезиянинг мазкур сайлов участкасида ногиронлар иштирок этиши учун шароит яратилмаганлигини эътироф этдилар.

керак. Мазкур ҳисоботларда ногиронлар масалаларини киритилиши кам миқдордаги қўшимча харажатни ёки ўқитишни талаб қилади, ҳамда бу келаси сайловларда ногиронлар ҳуқуқининг риоя қилинишини таъминланиши учун муҳим восита бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Сайлов кузатувларига қуйидаги хусусиятлар хос бўлиши керак:

- ✓ Кузатув фақатгина сайловларнинг ошкоралиги ва унда иштирок этиш имкониятига йўналтирилган бўлиши
- ✓ Сайловларда иштирок этишни таъминлаш кўпгина кўрсаткичлардан бири сифатида асосий сайлов кузатуви жараёнига киритилиши
- ✓ Ногиронларнинг асосий сайлов кузатуви гуруҳларига киритилиши.

“Менимча, биз сайлаш ҳуқуқига эга эканлигимизга аминман, аммо биз сайловнинг иккинчи қисми бўлган сайланиш ҳуқуқига эга эканлигимизни унутганмиз. Одатда, ногироннинг сайловларда ғолиб бўлиши имконияти амалда мавжуд эмас; мен фақат битта ҳақиқий ваколатларга эга бўлган сайланган ногиронни биламан холос. Фақатгина бу эмас, бошқа ваколатли мансабларни эгаллаш масалаларида ҳам сиёсий партиялар камдан кам ён беришади ва ногиронлар фикрларини инобатга олишади.”

Гватемала шаҳридан кўзи ожиз аёл; IFESнинг Гватемалада «Сайловларда иштирок этишда тўсқинлик қилувчи шартларни баҳолаш» ҳисоботидаги тематик сўров гуруҳи муҳокамасидан олинган аноним фикр⁴⁴

Номзодларни тақдим этиш

Ногиронларнинг муваффақиятли номзод бўлишлари учун даставвал улар сиёсий партияга аъзо бўлиб, фаол сиёсий фаолиятни олиб боришлари керак. Сиёсий жараёнларда етарлича фаол қатнашмасликка асосий сабаб лоқайдлик, ўзига ишончсизлик ёки оила аъзолари томонидан таъсир ўтказиш ҳисобланади. Лоқайдлик барча сайловчиларга ўз таъсирини ўтказиши мумкин, аммо қамровли дастурлаш маълумотларнинг қулай шаклларда етказилмаганлиги туфайли мазкур лоқайдлик келиб чиқмаганлигини олдини олиши талаб этилади. Бундан ташқари, у ногиронлар ичидан аъзолар ва/ёки номзодларнинг иштирокини маъқулламайдиган сиёсий партияларнинг камситишларини ҳам акс эттириши лозим бўлади.

Баъзи давлатлар, масалан, Зимбабведа ногирон шахсларни парламент аъзолиги таркибига киритиш тўғрисида квоталар қабул қилинган. Мазкур квотали тизимни амалга ошириш маълум қийинчилик туғдириши мумкин бўлиб, авваламбор мазкур ногирон вакилларнинг бошқа вакиллар билан тенг ваколатларни эга эмаслиги ҳақидаги тушунчанинг мавжуд эканлиги кўрсатиш мумкин. Худди гендер квоталарнинг қўлланиши сингари, баъзи ҳолларда квоталар туфайли мансабга келган ногиронлар ўзларининг ваколатларини амалга ошириш учун курашадилар. Бундан ташқари, ногиронларни квотасини қўллашни таъминлаш борасида кўпгина муаммолар мавжуд. Сайлов тизимининг турига қараб, қонунчилик талабига мувофиқ ҳар бир партия номзод сифатида маълум миқдорда ногиронларни кўрсатиши шартми? Қандай қилиб давлатларда ҳеч бўлмаганда минимал миқдорда ногиронларни сайланиши таъминланади? Бундан ташқари, яна кимларни ногирон деса бўлади? Номзодлар

Яхши амалий мисол

Down Syndrome Ireland ташкилоти Ирландия, Италия, Мальта, Венгрия, Испания ва Дания каби олти мамлакатда «My opinion, My vote» (Менинг фикрим, менинг овозим) номли кампанияни амалга оширди. Мазкур тадбир Даун синдромига чалинган вояга етганларнинг демократик жараёнларнинг барча жабҳаларида, жумладан сайловларда ва улар учун муҳим бўлган масалаларни илгари суришда янада фаол иштирокини таъминлашга қаратилгандир. Сайлов куни овоз беришда тўғри қарор қабул қилиш учун сиёсий партиялар томонидан осон ўқиладиган шаклда сиёсий манифестлар мазкур лойиҳа доирасида нашр этилди.

⁴⁴ Гватемалада сайловларда иштирок этишда тўсқинлик қилувчи шартларни баҳолаш. Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси (IFES). <http://www.IFES.org/Content/Publications/News-in-Brief/2012/Dec/~/media/Files/Publications/Reports/2012/GuatemalaReport_Survey_DPOLeaders_FINAL.pdf>.

ташқи ногиронликка эга бўлишлари шартми? Номзодлар ҳар хил турдаги ногиронларни намоён қилишлари шартми? Квоталарни киритиш ўрнига, сайловчилар билимини ошириш ташаббусларини қўллаб-қувватлаш кўпинча самаралироқ ҳисобланиб, улар жамиятда ногиронлар ҳуқуқи ва манфаатларининг муҳимлига эътиборни қаратади. Ногиронларнинг ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишлари партия ичидаги қарашларнинг ўзгаришига олиб келиши мумкин бўлиб, ногирон шахсларнинг юқори лавозимларга тайинланишига ва уларни тенг ҳуқуқли партия аъзоси сифатида кўриб чиқилишига ёрдам бериши мумкин. Бу масалани ҳал қилишда, ҳар бир мамлакатда мавжуд бўлган шароитларни ҳам инобатга олишни талаб этади.

Ногиронлик билан боғлиқ тамғаларга қўшимча сифатида ногирон номзодлар яна молиявий қийинчиликларга ҳам дуч келишади. Буюк Британияда «Сайланадиган Мансабларга Кириш Жамғармаси»⁴⁵ яратилган. Ушбу жамғарма ногирон номзодларга қулай транспорт воситаларидан фойдаланишга ёки имо-ишоралар тили таржимони хизматларидан фойдаланиш каби қўшимча харажатларни қоплашга ёрдам беради. Жамғарма номзодларга 10 000 фунт стерлинг (16 000 АҚШ доллари) миқдорда грантлар ажратади. Эҳтимол бошқа давлатлар ҳукуматларида бунга ўхшаш амалиётларни тадбиқ қилиш имкониятлари мавжуд бўлмаслиги мумкин, лекин халқаро ҳомийлар ва ҳамкор ташкилотлар ногирон номзодларни ўқитиш орқали уларга кўмак беришлари мумкин.

Кампаниялар (акциялар)

Барча аҳоли қатламини сайловолди кампанияларига жалб қилишнинг энг қийин муаммоларидан бири бу қулай шаклдаги маълумотларнинг мавжуд эмаслигидир. Ногиронлар асосли қарор қабул қилишлари учун сиёсий партияларнинг мурожаатлари, номзодлар ва сайлов кампаниясининг тадбирлар тўғрисида маълумотларга эга бўлишлари лозим. Номзодлар ва сайлов ўтказувчи давлат органлари (ЕМВ)ни маълум соҳаларда қўллаб-қувватлаш, сайловчилар томонидан ҳар томонлама ўйланган қарорларни қабул қилишга асос бўлиши мумкин.

Сайлов ваъдаларини таъминлаш

Сайлов даври сиёсий партиялар ва сиёсатчиларнинг ногиронларнинг муаммоларини ечишга қаратилган ёзма ваъдаларини олишга ногиронлар ташкилотлари учун имконият яратади. Табиийки, сиёсий арбоблар аҳолининг кўпроқ қатламлари сайловчиларини жалб қилиш

Яхши амалий мисол

Сьерра-Леонеда Миллий Демократик Институт (NDI) 2012 йил ноябрдаги сайловларда ўз номзодларини кўрсатган партиялар учун Хулқ-атвор қоидалари кодексини ишлаб чиқиш жараёнида фуқаролик жамияти ташкилоти коалициясига кўмаклашди ва улар орасида ногиронлар ташкилоти ҳам бор эди. Ушбу ҳужжатнинг вазифаси, сайлов жараёнида босим ўтказиш ва қўрқитиш ҳолатларидан холи бўлган эркин сайловларни тарғиб қилиш, ҳамда аёллар ва аҳолининг маргинал (ажратилган) қатламлари иштирокини янада фаоллаштиришни таъминлашдан иборат эди. Кодексда сиёсий партиялар номзодлар рўйхатларига аёллар ва ногиронларни ҳам қўшишлари лозимлиги аниқ кўрсатилган бўлиб, имзоловчи тарафларга «партиянинг парламент ва маҳаллий кенгашларга номзод бўлган аёллар, ёшлар ва ногиронларга кампаниялар ўтказиш, транспорт ва молиявий кўмаклашиш билан қўллаб-қувватлаш» мажбурияти юкланган. Ушбу билан хулқ-атвор қоидалари кодекси фуқаролик жамияти ташкилотлари томонидан сиёсий партияларни сайлов кампанияларини ўтказиш даврида ҳисобдор тутиш меъёрини белгилаб берди. Ушбу кодексни тайёрлаган коалиция аъзолари бўлган ташкилотлар радио орқали интервьюлар бериб ўзларининг ташаббусларини ОАВ тарғиб қилишган, ҳамда сиёсий партияларнинг мамлакат бўйлаб мавжуд идоралари орасида кодекснинг нусхаларини тарқатишган.

⁴⁵ Буюк Британия, «Сайланадиган Мансабларга Кириш». Ҳукумат рақамли маълумот хизмати, 2012 йил, <<https://www.gov.uk/government/news/access-to-elected-office>>.

мақсадида кўп ваъдалар беришади. Ногиронлар ташкилотлари сайловлар туфайли вужудга келган сиёсий майдончалардан фойдаланган ҳолда тарғибот ва ташвиқот ташаббусларга ҳамда ўз аъзолари бўлган сайловчилар дуч келаётган муаммоларга эътиборларини жалб қилишлари мумкин бўлади. Бундан ташқари, сайлов ваъдалари ишлаб чиқиш ногиронлар ташкилотлари томонидан ногиронлар жамиятининг эҳтиёжларига жавоб берадиган сиёсий партиялар ва номзодлар ўртасида конструктив мунозаралар муҳитини яратишга имкон беради. Улар мазкур ваъдаларни имзолловчи тарафларга оммада ишора қилиб, бошқаларни ҳам бунга қўшилишга даъват қилишлари мумкин бўлади. Бундай ваъдалар ногиронлар ташкилотларига сайловдан кейин даврда ваъдаларга риоя қилишни назорат қилиш имкониятини яратиб, умумий ногиронларнинг ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тарғибот ва ташвиқот стратегиясининг асосини ташкил этиши мумкин. Бу ўз навбатида сайловдан кейинги даврда ҳамкорликдаги муносабатлар учун замин яратиб, ногиронлар ҳаёт шароитлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишдаги сиёсий партиялар ва ногиронлар ташкилотлари ўртасида ўзаро фаолиятга кўмаклашади.

Номзодларнинг ногиронларга бўлган муносабатларнинг ўзига хос хусусияти

Умумий сайлов кампаниялар материалларининг барча фуқаролар учун ошкоралигини таъминлашга қўшимча равишда, ногиронлар ташкилотлари сайловлардан ногиронлар жамиятини қизиқтирадиган ўзига хос масалаларга номзодларнинг эътиборларини қаратиш имконияти сифатида фойдаланишлари мумкин.

2012 йил июлда бўлиб ўтган сайловлар олдидан Миллий Демократик Институти (NDI) президентликка номзодларга тақдим қилиш учун Мексика ногиронлар ташкилоти коалициясига ногиронларга оид бир қанча таклифларни тайёрлашда кўмак берди. Коалиция мазкур таклифларни ўзларининг веб-сайтида чоп этди ва ижтимоий тармоқларда тарғибот ва ташвиқот қилди. Мазкур таклифлар чоп этилгандан кейин, фақатгина битта партиядан ташқари, ногиронлар ташкилоти барча президентликка номзодлар ва Мехико шаҳри мэрига номзодлар билан муҳокамаларни ташкиллаштирди. Мексикада биринчи марта президентликка номзодлар ва ногиронлар ташкилоти ўртасида ўтказилган мазкур учрашувларда ташкилотлар ўзларининг таклифларини тақдим этишди ва номзодлар ўзларининг ногиронларга оид платформаларини муҳокама қилишди. Мазкур муҳокамалар ОАВларида кенг миқёсда муҳокама сабаб бўлиб, бу нарса ногиронлар



Сьерра-Леонеда ёш йигит ногиронларни сиёсий жараёнларда жалб қилиниш қоидаларини ўз ичига олувчи сиёсий партиялар хулқ атвор меъёрлари кодексини қўллаб қувватлаш мақсадида ўтказилган жамоат тадбирида иштирок этмоқда.

масалаларига бўлган эътиборни ошишига ёрдам берди ва сайланувчи мансабдор шахслар билан ногиронлар коалицияси ўртасида доимий алоқаларни ўрнатилишига олиб келди. Гватемала ва Доминикан Республикасидаги Ногиронлар ташкилотлари ҳам номзодлар билан шунга ўхшаш ишларни амалга оширди.

Хулқ-атвор қоидалари

Фуқаролик жамияти ташкилотлари сиёсатчиларнинг ҳисобдорлигини ошириш мақсадида кўпинча сайловларда баҳслашувчи сиёсий партиялар ва номзодлар ўртасида хулқ-атвор қоидаларини тадбиқ этишни тарғиб қилишади. Хулқ-атвор қоидалари сиёсий партиялар ва номзодларни сайловлар ўтказиш қонунчилигини ҳурмат қилишга ундаб, фирибгарлик ва манипуляцияларнинг олдини олади. Ногиронлар ташкилотларининг хулқ-атвор қоидаларини ишлаб чиқиш жараёнига жалб қилиниши сайлов кампаниясида барчанинг иштирокини таъминлаш учун қўшимча кафолатлар бериш имкониятини яратади. Бундан ташқари хулқ-атвор меъёрларининг мавжудлиги ногиронлар ташкилотлари томонидан сиёсий жараёнларнинг ошкоралиги ва ногиронларни унга жалб қилиниши масалалари юзасидан мансабдор шахсларга масъулиятни юклаш имкониятини яратади.

Дебатлар (баҳс-мунозара)

Дебатлар - турли номзодлар тўғрисидаги маълумотларни фуқароларга етказишнинг энг муҳим йўлларида бири ҳисобланиб, сайлов кунда асосли қарор қабул қилишга имконият беради. Халқаро ҳомийлар ва ҳамкор ташкилотлар сайлов ўтказувчи давлат органлари (ЕМВ)га дебатларнинг ногиронларга ошкоралигини таъминлашнинг йўлларини кўрсатиш орқали кўмаклашишлари мумкин. Масалан Гватемалада сайлов ўтказувчи давлат органи кар ва эшитиш қобилияти паст бўлган шахсларга телевидение орқали дебатларни кузатиш учун имо-ишоралар тили таржимони хизматларини ҳавола қилган. Ногиронлар ташкилотлари тадбир ўтказиладиган жой ва маълумотларни етказишни ташкиллаштиришга ўз ҳиссаларини қўшишлари учун, шунингдек, ногиронлар учун катта аҳамиятга эга бўлган муаммолар юзасидан номзодларга тавсия этилган саволларни таклиф қилиш учун дебатлар ташкилотчилари билан алоқада бўлишлари керак.



2012 йилда Сербияда ўтказилган президент сайловлари вақтида номзодларнинг телевизион дебатлари имо-ишоралар тилига таржима қилинди.⁴⁶

⁴⁶ “Сўзма-сўз: 2012 йилда Сербияда ўтказилган президент сайловлари вақтида номзодларнинг телевизион дебатлари”, Сербиянинг радио ва телевиденияси, 2012 йил 16 июнь, <http://www.rts.rs/page/tv/sr/story/22/RTS_Satelit/1103434/Reč_na_reč:_Debata_kandidata_za_predsednika_Srbije_2012.html>.

Сайловларни ўтказиш

Сайловларда босқичда режалаштириш, аҳолининг барча қатламларини қамраб олувчи ва қулай шароитларда сайловларни ўтказиш учун асос яратади. Қуйидаги соҳалар сайловларни ўтказишга таъсир ўтказади, бунда улар сайлов кунидан анча аввал ҳал қилиниши талаб этилади:

- Сайлов қонунчилиги
- Устувор овоз бериш ва сайлаш ҳуқуқига оид қоидалар
- Сайлов участкаларнинг жойлаштирилиши
- Сенсорли белгилар тўғрисида осон ўқиладиган сайлов бюллетени (қўлланмаси) лойиҳаси
- Ногиронлик аравачаси фойдаланувчилари учун мақбул овоз бериш хоналари (будкалари) ва лупалар каби қулайликларни яратувчи воситаларни сотиб олиш ва тарқатиш



Жанубий Судандаги референдумда сайлов беришга тайёргарлик кўраётган эркак киши.

- Сайлов ўтказувчи давлат органлари (ЕМВ), сайлов участкалари ва ҳуқуқ тартибот идоралари ходимларини ўқитиш ва хабардорлигини ошириш
- Кузатувчиларни аккредитациядан ўтказиш ва уларнинг назорат рўйхатини тузиш

Сайлов кунда вужудга келиши мумкин бўлган масалаларни ҳал қилиш мақсадида сайлов участкалари ходимлари марказлаштирилган техник ёрдам кўрсатиш хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари керак. Шунингдек, ногирон ва бошқа фуқаролар томонидан мослаштирилмаган сайлов жойлари, сайлов участкалари ходимларининг қўполликлари ҳамда бошқа муаммолар тўғрисида хабар беришлари ёки хабар жўнатишлари учун сайлов ўтказувчи давлат органи (ЕМВ) ўзининг телефон рақамини ҳам тақдим этиши лозим бўлади.

Сайлов натижаларини тақдим этиш

Оммавий ахборот воситаларининг ногиронлар учун мослаштирилмаганлиги тўғрисида ногирон сайловчилар сайлов натижаларини баъзида охиригилардан бўлиб билишади. Ушбу муаммони ечиш учун, Кения Карлар Миллий Уюшмаси миллий телевизион янгиликлар хизмати билан ҳамкорликда 2013 йил сайловлар натижаларининг имо-ишоралар тилига таржимасини жонли эфирда тақдим

этди.⁴⁷ Шу тарзда биринчи марта карлар ва эшитиш қобилияти паст бўлганлар Кениянинг қолган фуқаролари билан бир пайтда сайлов натижаларини билиб олишди.

Сайловлар билан боғлиқ баҳс- мунозараларни тартибга солиш

Сайловлар билан боғлиқ шикоятларни кўриб чиқиш ва баҳс- мунозараларни ҳал қилиш ҳуқуқи – бу шикоятларни самарали кўриб чиқиш ҳуқуқий тизимининг етти асосий халқаро мезонларидан биридир.⁴⁸ Ногиронлар кўпинча шикоятларни кўриб чиқиш жараёнидан четда қоладилар. Ногирон сайловчилар сайлов натижаларига бўлган эътирозлари ва сайлов кунда уларга қилинган муносабат юзасидан шикоят бериш имкониятига эга бўлишлари керак. Сайлов ўтказувчи давлат органлари (ЕМВ) қулай шаклларда шикоятларни топширишни назарда тутувчи сайловчиларни хабардорлигини ошириш кампанияларини ташкиллаштиришлари, шикоятларни онлайн (интерактив) ёки телефон орқали бериш каби имкониятлари бўлган бошқарув тизимини ишлаб чиқишлари, шунингдек, терговчи ва судьяларни ногиронларга оид билимларини (сезувчанликни) ошириш бўйича ўқишларни ташкиллаштиришлари керак.

Масалан, 2012 йил Мексикада ақли заиф бўлган аёлга сайловларда қатнашишга рухсат берилмади. Шикоятни кўриб чиқиш жараёни қулай бўлганлиги туфайли, бу аёл сайлов ўтказувчи давлат органига шикоят қилиб, мазкур давлат идораси томонидан тегишли тафтиш ишларини амалга оширишга сабабчи бўлди. Тафтиш жараёнида шу аниқ бўлдики, сайлов участкаси мансабдор шахслари «Сайлов идоралари ва жараёнлари тўғрисидаги Федерал кодекс»нинг камситувчи меъёрлари асосида бу аёлнинг сайловларда овоз бериш ҳуқуқини чеклаган бўлиб, мазкур Кодексга мувофиқ “ақли заиф (муомалага лаёқатсиз) шахслар овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслар”. Аммо, сайлов ўтказувчи давлат органи (ЕМВ) сайловдан аввал мазкур меъёрларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритган бўлиб, сайлов участкалари ходимлари бу ҳақида хабардор бўлганларида мазкур аёл сайловда овоз бериш имкониятига эга бўлар эди. Бу ҳолат сайлов участкалари ходимларининг керакли тайёргарлик кўришининг қанчалик муҳимлигини таъкидлаш билан бирга, шикоят қилиш тартиби ҳақидаги маълумотларнинг ошкоралигини таъминлаш сиёсий жараёнларда ногирон шахсларнинг янада фаол иштирокига олиб келиши мумкинлигини кўрсатмоқда.⁴⁹

⁴⁷ «Ухуру Кенятта тўртинчи Президент деб эълон қилинди.» YouTube. <<http://www.youtube.com/watch?v=IdMd1rbbsSQ>>.

⁴⁸ Чад Викери таҳририяти остида «Сайловлар билан боғлиқ баҳс-мунозараларни изоҳлаш, кўриб чиқиш ва ҳал этишининг қоидалари» (GUARDE), Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси, 2011 йил, <http://www.IFES.org/~media/Files/Publicatins/Books/2011/GUARDE_final_publication.pdf>.

⁴⁹ Ариана Диас, «Ногирон аёлга овоз беришга имконият беришмади», La Jornada, 2012 йил 6 июль, 13 вароқ, 2013 йил 6 декабрь, <<http://www.jornada.unam.mx/2012/07/06/politica/013n3pol>>



Непалдаги кўча ижроچиси бўлажак сайлов ҳақида сайловчиларига маълумот етказмоқда

4 Бўлим: Сайловдан кейинги давр

Яширин тўсиқлар

- Хулосалар чиқаришда ногирон шахсларнинг жалб қилинмаслиги
- Ногиронлар ташкилотларининг сайлов ҳуқуқлари билан таниш эмаслиги
- Фуқароларнинг билимларини ошириш дастурлари ногиронлар ҳуқуқларига оид масалаларни ўз ичига олмаслиги ва тегишли маълумотларнинг қулай шаклларда тарқатилмаслиги
- Сайлов комиссияси аъзоларини тайинлаш мезонларида ногиронларни жалб этиш имкониятининг йўқлиги

Сайловдан кейинги давр давомида манфаатдор томонларда ўтказилган сайловларни баҳолаш имкони пайдо бўлади. Мазкур давр давомидаги қуйида фаолиятнинг асосий турларини ногиронларни жалб қилиш нуқтаи-назаридан кўриб чиқиш керак бўлади.

- Сайлов участкаси аудити (текшириш)
- Ўтган иккита сайлов циклини сарҳисоб қилиш ва олинган натижалардан хулоса чиқариш
- Давлат муассасаларига мурожаат этиш имкониятини ошириш
- Сайлов ўтказувчи ходимлар, фуқаролик жамияти ташкилотлари ва сиёсий партияларнинг салоҳиятини кўтарадиган тадбирларни амалга ошириш
- Қонунчиликдаги ва бошқарувдаги ислохотларни тарғибот-ташвиқот қилиш
- Зарурлик даражасига қараб сайловчиларни қайта рўйхатдан ўтказиш
- Сайлов ўтказувчи давлат органлари(ЕМВ)нинг узоқ муддатли стратегияларини қайта кўриб чиқиш
- Фуқароларнинг билимларини ошириш дастурларини қайта кўриб чиқиш
- Сайлов ўтказувчи давлат органлари янги аъзоларини танлаш мезонларини қайта кўриб чиқиш
- Ногиронлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал қилишда сайланган мансабдор шахсларни ҳисобдорлигини таъминлашга қаратилган



Зимбабведаги аудитор сайлов марказларидан ногиронларнинг фойдаланиши имкониятини текширяпти.

назорат режасини ишлаб чиқиш.

Сайлов участкаси аудити (текшириш)

Сайлов участкаларидан фойдаланиш қулайлигини таъминловчи қонунлар кўпинча кучда бўлсада, ҳар доим ҳам мазкур участкаларнинг жойлашуви қонун талабларига жавоб бера олмайди. Сайлов куни сайлов участкаларидан фойдаланиш қулайлигини назорат қилишга масъул бўлган давлат органини белгилаш тавсия этилиб, у ўрнатилган меъёрларга риоя қилмаган шахсларни жавобгарликка тортиш ваколатига эга бўлиши кераклиги белгиланган. Масалан, АҚШ Адлия вазирлиги сайлов кунда сайлов участкаларидан фойдаланиш қулайлигига оид миллий қонунчиликка амал қилинишини назорат қилади ва маҳаллий ҳокимият идораларини мазкур қонунларга риоя қилмаганлиги учун суд олдида жавобгарликка тартади. Ушбу амалиёт қонунларга амал қилишни таъминлашга ёрдам беради.

Яхши амалий мисол

Миллий Демократик Институт (NDI) Македонияда жойлашган *Poraka* номли ақли заиф ногиронлар ташкилотига янги ҳукумат ташкил этилганидан кейин 100 кун давомида Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (CRPD)ни ратификация қилиш ҳақидаги сиёсий партияларнинг дастурий ваъдаларини тузишда ва тарғиб этишда кўмак берди. *Poraka* Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг ратификация қилинишини матбуот томонидан кенг ёритилиши мазкур ёзма дастурий мажбуриятларга ҳавола қилган. Ушбу кампаниядан сўнг Македония Миллий Ассамблеяси бир овоздан мазкур Конвенцияни ратификация қилди. Бу муваффақият ногиронлар ташкилотини фуқаролик жамиятининг актив иштирокчиси сифатида обрўсини кўтариб, бу билан қобилятли фуқаролар сифатида ногирон шахслар ҳақидаги ижобий қарашлар шаклланишига кўмак берди.

Олинган натижалардан хулоса чиқариш

Сайловларни сайлов ўтказувчи давлат органлари (ЕМВ), ногиронлар ташкилотлари ва кузатувчилар нуқтаи-назари билан таҳлил қилиш керак. Бундай таҳлил давомида қулайлик даражасини ошириш бўйича кўрилга чораларнинг натижаси баҳоланади. Олдинги сайловларга қараганда, ижобий ўзгаришлар рўй бердимми? Манфаатдор тарафлар келажакда бундан қулайроқ сайловлар ўтказилиши учун нималар қилишлари лозим? Сайлов ўтказувчи давлат органлари (ЕМВ) сайлов даврининг бошланғич босқичида ишлаб чиқилган сенсорли белгилар тўғрисида осон ўқиладиган сайлов бюллетени (қўлланмаси) каби воситаларнинг самарадорлигини баҳолашлари лозим. Сиёсий партиялар ушбу вақтдан ногиронлар учун ўтказилган тарғибот-ташвиқот ишларининг етарлилигини таҳлил қилишда ва келажакдаги стратегияни ишлаб чиқишда фойдаланишлари лозим. Фуқаролик жамияти ташкилотлари сайловларнинг қулайлик даражасини ошириш ва ногиронларнинг иштирокларини янада кўпайтириш мақсадида ўзларининг кузатув ва фуқаролар билимларини ошириш усулларини такомиллаштириш имкониятларини баҳолашлари керак.

Ногиронлар ташкилотлари сайловдан кейинги давр давомида мавжуд муаммоларни ечишга қаратилган сайловлар ўтказиш сиёсатини такомиллаштириш бўйича аниқ таклиф ва мулоҳазаларни ишлаб чиқишлари лозим бўлади. Бундай таҳлил жараёнида ислохотлар ўтказишнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли истиқболларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ногиронлар ташкилотлари сайловдан кейинги даврда сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга боғлиқ барча тадбирларда жалб этилишлари керак. Ногиронлар ташкилотлари сайлов даврида сиёсатчилар билан ўрнатган ҳамкорлик алоқларини қўлларидан келганича сақлашлари лозим. Сайловларни кузатган ногиронлар ташкилотлари сайловдан кейин даврда сайлов ўтказувчи давлат органи муҳокамасига ўзларининг таҳлиллари асосида ёзилган сайловларнинг қулайлигини янада ошириш бўйича таклифларни тақдим этишлари керак. Сиёсий партиялар билан ҳамкорликда ногиронлар ташкилотлари тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борган ва қамровли сиёсат олиб бориш бўйича келишувларни сақлаб қолган бўлсалар, сайловдан кейинги давр ютган номзодлар билан мазкур сиёсатларни амалга ошириш даври ҳисобланади.

Давлат муассасаларига муружаат этиш имконияти

Агарда барча тўсиқлар енгиб ўтилиб, ногирон шахс маҳаллий, ҳудудий ёки миллий ҳокимият вакили қилиб сайланса ёки сайлов ўтказувчи давлат органи (ЕМВ)нинг мансабдор шахси қилиб тайинланса ҳам, у барча тўсиқлар бартараф этилди дейилгани эмасдир. Сиёсатчилар ва давлат хизматчилари ишлайдиган бинолар ёки ишхонага бориладиган жамоат транспорти кўпинча ногиронлар учун мослаштирилмаган. Ҳозирда ҳукуматда муҳокама қилинаётган қонунлар ва сиёсий масалалар ҳақидаги маълумотлар ҳам қулай шаклларда ҳавола қилинмаслиги мумкин. Ногирон сайланган мансабдор шахслар ўз иш жойларида бўла туриб, мазкур камчиликларга эътиборни қаратишлари мумкин. Бундан ташқари, улар молиялаштириш ва давлат фаолиятининг асосий йўналишларини белгилашда ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин.

Ногиронлар ташкилотлари салоҳиятини кўтариш

Илгари айтиб ўтилганидек, ногиронлар ташкилотларининг имкониятлари кўпинча бошқа фуқаролик жамияти ташкилотлари кўра чекланган бўлади. Бунга турли сабаблар бўлиши мумкин, бироқ асосий сабаб ўқув мажмуалари ва шароитларининг етарли бўлмаганлиги туфайли таълимнинг паст даражада эканлигидир. Шунинг учун, лойиҳаларни бошқариш услублари ва бюджетни тузишга оид тренингларни ўтказиш шаклида қўшимча ёрдам талаб қилиниши мумкин. Ногиронлар ташкилотлари билан ҳамкорлик қилаётган ташкилотлар ўз ходимларининг қўшимча вақти ва қўшимча молиявий харажатларни режаларида инobatга олиши лозим. Сайлов даврининг барча босқичларида ўқишларни ташкиллаштириш мумкин, бироқ яхшиси мазкур ишлар сайловдан анча олдин амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Лойиҳаларни бошқариш асосий кўникмаларидан ташқари ногиронлар ташкилотларида сайловларга оид ҳамда сиёсий жараёнлар билан ногиронликнинг муносабатлари оид кўникмалари етарли даражада эмас. Бу тажрибага зид ўлароқ Индонезия давлатини кўрсатиб ўтишимиз мумкин бўлиб, Ногиронларнинг сайловлардаги иштирокини таъминлаш Маркази (ногиронлар ташкилоти) ногирон шахсларнинг сиёсий ва сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фаолияти билан шуғулланади. Бу ногиронлар ташкилоти диктатор афдарилгандан кейин ташкил этилган бўлиб, ногиронлар янги демократик жараёнлардан четда қолиб кетишни исташмади. Кўпгина ногиронлар ташкилотлари (DPO) демократик жараётларни ва бошқарув дастурларини самарали амалга оширишлари учун сайлов жараёнлари, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва маҳаллий қонунлар бўйича билимларини ошириш талаб этилади.

Яхши амалий мисол

Грузиядаги фуқаролар билимларини ошириш синфи талабалари ўзларининг «Демократия ва фуқаролик» номли китобларининг матнини аудио тасмага ёзиб олишди. Улар кўриш қобилияти паст бўлган талабалар учун олий таълим муассасасида таълим олишни тарғибот-ташвиқот қилишди ва китоб матни ёзилган компакт дискларни кўзи ожиз ёшлар орасида тарқатишди.

Баъзида ногиронлар ташкилотларига ҳуқуққа асосланган тарғибот-ташвиқот масалалари бўйича тренинглар ўтказиш керак бўлади. Кўпинча ногиронлар ташкилоти эътиборларини фақатгина хизмат кўрсатишга қаратишади, ваҳоланки мазкур тренинглар уларга ҳам фойдали бўлиши мумкин. Сайлов ўтказувчи давлат органи билан бевосита ҳамкорликдан ташқари, мазкур сайлов органлари фаолиятига масъул ва уни назорат қилувчи парламент ва қонунчилик қўмиталарининг аъзолари орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш амалдаги қарорларнинг қатъий ҳолда ижро этилишига ёрдам беради. Бунинг натижасида нафақат тенг ҳуқуқ асосида иштирок этишни таъминлан учун қўшимча имконият яратилади, балки яна қонунчилик органи томонидан сайлов органи билан ҳамкорликда эришилган натижаларга қўшимча тўсиқларнинг яратилишини олдини олади ҳамда ногиронлар дуч келадиган тўсиқлар ҳақида хабардор бўлган маъсул шахслар

сонининг кўпайишига олиб келади. Кўпгина ривожланаётган демократик жамиятларда қонун чиқарувчи органининг назорат-таҳлил ишлари ривожланишнинг бошланғич босқичида бўлиб, бу ногиронлар ташкилоти учун яна бир ижобий амалиёт яратилиши учун имконият яратади. Тарғибот-ташвиқот соҳасидаги ташаббусларга оид дастурлар сайлов ўтказувчи давлат органлари (ЕМВ), қонун чиқарувчи, ҳамда инсон ҳуқуқлари миллий муассасалари билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш кўникмаларини ногиронлар ташкилотларида ривожлантиришдан фақат ютади.

Сайлов ўтказувчи давлат органлари аъзоларини танлаш мезонлари

Сайлов органлари аъзолигига тайинланиши мумкин бўлган номзодлар кўпгина саралаш мезонлари талабига жавоб беришлари керак, аммо мазкур мезонлар ичида ногиронлар иштирокини таъминлаш ва у билан боғлиқ жараёнларни билиш камдан кам баҳоланади. Баъзи бир Филиппин Сайлов Комиссияси (COMELEC) сингари сайлов ўтказувчи давлат органлари (ЕМВ) ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун жавобгар бўлган махсус комиссия аъзосини тайинлайди. Шунга қарамай, мазкур комиссия аъзолари ҳар доим ҳам ногиронлар ҳуқуқлари билан боғлиқ иш тажрибасига эга эмаслар.

Фуқароларнинг билимларини ошириш жараёнига ногиронларнинг жалб қилиниши

Сайлов даврининг барча босқичларида фуқароларнинг билимларини ошириш мақсадга мувофиқ бўлиши билан бир қаторда, айтиб ўтиш лозимки бу ишларни сайловдан кейинги даврда амалга ошириш яқинда ўтган сайловларни таҳлил қилиш ва сайловчилар билимидаги камчиликларни бартараф этилиши учун энг самарали вақт ҳисобланади. Шу туфайли мазкур масала қўлланмаизнинг сайловдан кейинги давр бўлимида муҳокама қилинган. Фуқароларнинг билимларини ошириш мобайнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади. Давлат, фуқаролар ва тегишли қонунларнинг аҳамиятини англаш жисмоний шахсларни жамиятни янада фаол иштирокчиси бўлишга руҳлантиради.

Грузияда Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси (IFES) томонидан университет учун ишлаб чиқилган фуқаролар билимларини ошириш курси эътиборни барча фуқароларнинг ҳуқуқларига, жумладан ногиронларнинг ҳуқуқларига қаратади. Бу курсни эсга олиб, талабалардан бири «Бизлар ногиронларга эътибор бермаймиз. Илгари биз бу шахслар ҳақида ўйламасдик ҳам, аммо бугун биз уларнинг ҳам ижтимоий ҳуқуқлари, таълим олиш ҳуқуқлари ҳамда сайлов жараёнига иштирок этиш ҳуқуқлари мавжудлигини тушуниб етаямиз. Жамиятимизда камситишларга ўрин йўқдир» деган эди.



Грузияда университет талабаси китобни компакт дискка ёзмоқда.



Индонезиядаги аёл сайловдан кейин ўчмас сиёҳ бўлган бармогини намойн қилмоқда.

5 БЎЛИМ. Мавжуд муаммолар


Ҳамминг манфаатини инобатга олувчи демократик ва самарали бошқарувга йўналтирилган дастурларни амалга ошириш учун кўпгина муаммолар мавжуддир. Бу муаммоларни баъзиларини энг самарали ҳал қилиш бўйича фикрларнинг ҳамжиҳатлиги мавжуд эмас, ҳамда ҳар бир мамлакатда турлича ёндашилади.

Маълумотларнинг етишмаслиги

Манфаатдор тарафлар ҳар бир мамлакатда ногиронлар сони ҳақидаги ишончли ва тўлиқ маълумотга эга эмаслар. Аҳолини ҳисобини юритиш жараёнида ногиронлар сонини юритадиган давлатларда турли хил тушунчалар ишлатилиши туфайли кўпинча ногиронларнинг сони Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг умумжаҳон кўрсаткичидан 15 фоизга кам қилиб кўрсатади. Бунинг оқибатида ногиронларни жараёнларга янада кўпроқ жалб қилиш лозимлигига ва тегишли маблағларни жалб қилиш кераклигига маҳаллий ҳокимият ва халқаро ҳомийларни ундашни янада қийинлаштиради. Ҳар бир давлатда қўлланиладиган фарқли “ногирон” тушунчалари ҳам назорат қилиш ва дастурни баҳолашнинг бошланғич мезонларини белгилашни қийинлаштиради.

Камситиш

Давлатнинг мансабдор шахслари ва, ҳаттоки, ногиронларнинг уй аъзолари мазкур шахсларнинг қобилиятлари тўғрисида хато хулосага эгалар. Ханой Мустақил Ҳаёт Кечириш Маркази ҳисоботида аниқланишича, таркибида ногирон шахс бўлган 50 та оилалардан ярми суҳбат чоғида ногиронлар овоз бериш ҳуқуқига муҳтож эмасликларини айтишган ва «ногиронлар сиёсий масалалар ҳақида хавотирланишлари шарт эмас» деб фикр билдиришган.⁵⁰ Одамлар кўпинча ҳамюрт ногиронларнинг номзод ёки сайлов участкаларида ходим бўла олмаслиги, уларнинг сиёсатга қизиқмаслиги ёки сиёсат уларнинг ҳаёт тарзига таъсир қилмаслиги ҳақида тахмин қиладилар. Ногиронларнинг фуқароликни тасдиқловчи ҳужжат ёки туғилганлик ҳақида гувоҳнома олмаслигининг кенг тарқалган сабабларидан бири оила аъзоларининг мазкур ҳужжатларнинг кераклигига эҳтиёж йўқ деб фикрлашларидир. Бундан ташқари, оила аъзолари баъзида сайлов участкасига боришга ёрдам талаб этадиган ногирон қариндоши билан бирга боришни истамайдилар ёки ногиронлар мослаштирилган транспортдан фойдаланиш имкониятига эга



Мазкур расм Конго Демократик Республикасида аҳолини сайлов жараёнлари ҳақида билимини ошириш учун ишлатилган маълумотлар қаторига оид

⁵⁰ Вьетнамда ногиронларнинг сайловларда иштирок этиши. Ханой Мустақил Ҳаёт Кечириш Маркази. AGENDA. 2003 йил.

эмаслар. Ногиронларнинг ҳуқуқларини жамоатчиликка тушунтириш бўйича сайловчиларнинг хабардорлигини ошириш юқоридаги хурофот ва салбий фикр-мулоҳазаларга чек қўйиши мумкин.

“Мен сайловда қатнашмасдим, чунки менинг оилам мени қўйиб юборишга қўрқишарди - бу ҳудудда отишмалар бўларди ва кар одам катта хавфга учраши мумкин эди”.

Ханерис, Доминикан Республикасидаги ногирон қиз

Амалий шарт- шароитлар

Баъзи бир давлатларда одамлар ҳокимиятнинг таъқибидан қўрқиб сиёсий ҳуқуқларни муҳокама қилишни хоҳламайдилар. Бу муаммо фақатгина ногиронлар ҳуқуқига оид бўлмасдан, балки умуман сиёсий ҳуқуқларга тааллуқли бўлиши мумкин. Ногиронларнинг ҳуқуқларига тааллуқли бўлган дастурларни амалга ошириш сиёсий жиҳатдан холис бўлиб ҳисобланади, лекин инсон ҳуқуқлари масаласи муаммоли бўлган давлатларда халқаро ҳомий ва ҳамкор ташкилотлар томонидан дастурларни амалга ошириш қўшимча вақт талаб этиши мумкин.

Мажбурий овоз бериш

Баъзи давлатлар қонунчилиги барча фуқаролар томонидан сайловларда мажбурий овоз беришни назарда тутди. Сайловларда иштирок этиш мажбурий бўлган мазкур давлатларда транспорт воситалари ва сайлов участкаларининг мослаштирилмаганлиги, ҳамда тегишли маълумот етишмаслиги муносабати билан баъзида бу мажбурийлик меъёрлари ногирон ва қарияларга нисбатан қўлланилмайди.

2011 йил Перуда сайлов ўтказувчи давлат органи (ЕМВ) 20 000 дан ортиқ ақли заиф ногиронларни сайловчилар рўйхатидан ўчирди. Сайлов ўтказувчи давлат органи (ЕМВ) уларнинг ногиронлиги сабабли сайловда қатнаша олмасликларини тахмин қилди. Сайлов ўтказувчи давлат органи (ЕМВ) бу чорани самарали деб ҳисоблаб, сайловчилар рўйхатидан ўчириш ногиронлар фойдаси учун жаримадан озод этишнинг бир йўли сифатида кўрилди. Шунга қарамай, бу чора ақли заиф ногиронлар билан келишилмасдан амалга оширилган бўлиб, мазкур ўзгаришлар оммавий равишда эълон қилинмаган эди. Натижада, баъзи ногиронлар сайлов куни улар рўйхатдан олиб ташланганликлари туфайли овоз бериш имкониятидан маҳрум қилинганликларини билиш учунгина сайлов участкаларига келганликларини гувоҳи бўлишди.

Сайлов ўтказувчи давлат органлари (ЕМВ) ўзларининг Ногиронлар ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенцияда кўрсатилган мажбуриятларини бажара олмасалар, сайлов участкасига кира олмаган ногирон ва/ёки қарияларни мажбурий овоз беришдан ва тегишли жарималардан озод қилишлари керак. Шунга қарамай, жарималардан озод қилишга йўл қўювчи ҳар қандай сиёсат сайлов жараёнига иштирокни таъминлашнинг муқобили сифатида қаралмаслиги керак. Ногирон ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти гурӯҳлари сайлов ўтказувчи давлат органи томонидан сайлов жараёнини ошкоралигини таъминлашга ва бу жараёнга барча фуқароларни жалб қилишга оид қабул қиладиган чора-тадбирларини назорат қилишлари керак.

Бошқарув

Ногиронлар нафақат кўмак дастурларининг оддий иштирокчилари, балки давлат тузилмаларининг фаол иштирокчилари ва мансабли лавозимларда бўлишлари керак. Сайлов ўтказувчи давлат органларини (ЕМВ), нодавлат ноижорат ташкилотларини ва сиёсий партияларни ногиронларни ишга қабул қилишга ундаш жуда қийин масаладир. Баъзида бошқарувчи лавозимлар учун ўзига ишонган ва тегишли маълумотга эга бўлган ногиронларни, айниқса аёл ногиронларни топиш мумкин эмас. Демократия,



Камбоджада ногирон ва ногиронлиги бўлмаган аёллар етакчилик (лидерлик) тренингида иштирок этяпти

бошқарув ва сайловлар соҳасида имкониятларни шакллантириш (Building Resources in Democracy, Governance and Elections - BRIDGE)⁵¹ каби етакчилик бўйича ўқитиш дастурларини жадал қўллаб-қувватлаш мазкур қийинчиликларни енгиб ўтишга ва ногиронлардан кучли етакчилар етишиб чиқишига ёрдам бериши мумкин.

Қулай технологик воситалар

Электрон овоз бериш машиналари каби сайлов технологиялари одатда ногиронларга овоз бериш жараёнининг кўпроқ қулайлигини таъминлашнинг осон воситалари сифатида таклиф қилинади. Бироқ, сайлов ўтказувчи давлат органлари (ЕМВ) қийин технологик тизимларни самарали қўллаб-қувватлаш имконияти бўлмаган давлатларда турли илғор технологик воситаларни қўллашдан олдин барча моддий-техник таъминлаш оқибатлари билан боғлиқ масалаларни яхшилаб таҳлил қилишлари керак. Бундай ҳолатларда, озгина хавфи бўлса ҳам баъзи оддий технологик воситалар жараёни қулайроқ қилиши мумкин. Масалан, Австралияда кўзи ожиз ёки кўриш қобиляти паст бўлган сайловчилар телефон орқали овоз беришлари мумкин.

Онлайн овоз бериш-сайлов жараёнини ногиронлар учун янада қулай бўлиши муаммосига таклиф қилинган бир ечимдир. Баъзи бир Европа давлатларида – масалан Эстонияда – онлайн овоз бериш рухсат этилиб, бу усул янада қулайроқ деб тарғиб қилиниб келинмоқда. Бироқ, онлайн овоз бериш қўлланиладиган тизимга ишонч ҳосил қилишни, ҳамда илғор технологик воситалар ва шароитларни талаб этади. Булар эса кўпгина давлатларда мавжуд бўлмаслиги мумкин.

⁵¹ Демократия, Бошқарув ва сайловларни амалга ошириш манбалари бўйича тренинг дастури. <<http://bridge-project.org/>>.

Кўрсаткичларга мисоллар

АҚШнинг Халқаро ривожланиш агентлигининг ногиронлар жамоасини қўллаб-қувватлаш дастурлари вазифаларнинг, натижаларнинг ва кўрсаткичларнинг дастур мақсадларига мослаштирилишини талаб этади.

АҚШ Агентлигига тегишли бўлган кўрсаткичлар “Ташқи Кўмак Кўрсаткичлари Мезонлари”, ёки “F-кўрсаткичлар” деб номланади. Қуйида IFESнинг Ливиядаги лойиҳасидан мисол келтирилган.

ВАЗИФА: Ливиянинг сиёсий ўтиш даври жараёнлари ҳақидаги умумий тушунчанинг янада яхшиланиши орқали фуқароларнинг, жумладан маргинал ва кам сонли гуруҳларнинг иштироки ортди.

ОРАЛИҚ НАТИЖАЛАР: Сайлов ўтказувчи давлат органи ва тегишли ташкилотлар орасида ногиронларнинг овоз беришига оид муҳим масалалар, уларнинг эҳтиёжлари ва мавжуд муаммолар тўғрисида хабардорлиги ошганлиги.

НАТИЖАНИНГ КўРСАТКИЧИ (IFESнинг одати): Ногиронларнинг сайловларда иштирок этишларини яхшилашга оид сайлов меъёрларини қабул қилиш бўйича сайлов ўтказувчи давлат органи ва тегишли ташкилотларга тақдим этилган таклиф ва мулоҳазалар сони.

НАТИЖАНИНГ КўРСАТКИЧИ (F-кўрсаткичи): АҚШ Ҳукуматининг ёрдамани ва тарғибот-ташвиқот соҳасида ишлаётган ННТлар сони.

кенгроқ қатламларига таъсирини аниқлашга ёрдам беради, масалан, жамоатчилик қарашларининг, давлат идораларининг ногиронларна нисбатан очиқлигининг ёки сиёсий жараёнларнинг янада ошкоралигининг у ёки бу тарзда ўзгарганлигини белгилайди.

Олинган сабоқлар билан бўлишиш

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 32- моддаси тўпланган тажриба ва энг яхши амалиётлар ҳақидаги маълумотларни алмашиш ва бўлишиш орқали халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга чорлайди. Бу халқаро кўмак дастурларининг ногиронлар учун очиқлиги ва уларнинг манфаатларини ҳам инобатга олишни, ҳамда олинган сабоқларни тўплашни ва улар билан бўлишишни талаб этади.

Қамровли сайлов ва сиёсий жараёнлар бўйича намунавий дастурлар бутун дунёда амалга оширилиб келинганлигига қарамай, ногиронлар ташкилотлари ва ҳукуматлар кўпинча мазкур ишларни ҳалигача бошидан бошлаб келмоқдалар. Буни олидини олиш учун, Халқаро Сайлов

Мониторинг қилиш ва баҳолаш

Дастурни матнини ёки лойиҳа таклифини тайёрлашда ҳомийлар дастурнинг барча кўрсаткичларини аниқлашда ногиронларга оид маълумотларни алоҳида кўрсатиб ўтишлари лозим. Шунингдек, ногирон шахсларни жалб қилишга қаратилган сифат маълумотларини ҳам йиғишни унутмасликлари лозим.

Ногиронларнинг иштирокини таъминлаш лойиҳаларини мониторинг қилиш ва баҳолаш қийин масала бўлиши мумкин. Аввал айтилганидек, турли давлатларда “ногиронлик” сўзининг турли хил изоҳлари қўлланилади. Бугунги кунда тўртта турли хил изоҳлар мавжуд бўлиб, буларга: мезбон давлатнинг, ҳамкор давлат ташкилотининг, ҳомий давлатнинг ва Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг. Бутун жаҳонда қабул қилинган умумий тушунчанинг мавжуд эмаслиги маълумотларни таққослашда номувофиқликка олиб келиши мумкин.

Ҳомийлар кўпинча ногиронларга оид махсус кўрсаткичлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли, баъзи лойиҳа ҳамкорлари ўзларининг махсус кўрсаткичларини ишлаб чиқадилар. Бу нарса ҳар бир алоҳида лойиҳа учун фойдали бўлиши мумкин, аммо ушбу ҳолат ҳомийлар ва ҳамкор ташкилотлар учун барча дастурнинг натижасини баҳолашни қийинлаштириши мумкин.

Мониторинг қилиш ва баҳолашнинг асосий услубларига қўшимча равишда, ҳомийлар дастур таъсирини баҳолашни ҳам қўллаб-қувватлашлари лозим. Бундай баҳолашлар амалга оширилган дастурларнинг ногиронларга бўлган таъсирини аниқлашга ёрдам беради. Бундан ташқари, улар ногиронларнинг иштирокини оширишга қаратилган дастурнинг аҳоли

Тизимлари Жамғармаси(IFES)нинг ElectionAccess.org⁵² веб-сайти бутун дунё ногирон шахслари фойдаланиши қулай бўлиши учун тарғибот-ташвиқот ва таълим воситаси бўлиб хизмат қилади. Мазкур веб-сайт ногиронларнинг сиёсий иштирокига оид тегишли халқаро ва миллий меъёрий ҳужжатлар билан танишишга имкон беради, ҳамда ногиронларни сайловлардаги иштирокига оид таълим материаллар ва сайлов бюллетенлари учун сенсорли қўлланма каби ёрдамчи воситалар намуна қилиб кўрсатилган.

⁵² www.ElectionAccess.org. Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси.<<http://www.ElectionAccess.org/>>.



Доминикан Республикасида сайлов кузатувчиси бўлиш учун тренингда иштирок этаётган талаба.



Доминикан Республикасида сайловчи ўзи ҳақидаги маълумотни янгиламоқда.

6-Бўлим: Доминикан Республикаси казуси

Асосий манфаатдор томонлар

- Ногиронлар ташкилотлари
- Сайловни ўтказувчи давлат органлари
- Сайлов Тизимлари Халқаро Жамғармаси (IFES)
- Миллий сайловларни мониторинг қилиш гуруҳлари
- Сиёсий партиялар ва номзодлар
- Ногиронлар Миллий Кенгаши

Умумий таҳлил

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотли кўра, Доминикан Республикасида 1.5 миллиондан ортиқ ногиронлар мавжуд. Ушбу фуқаролар камдан-кам сайлов ва сиёсий жараёнларга жалб этиладилар. Ўзининг ҳамкор ногиронлар ташкилоти бўлган *La Red Iberoamericana de Entidades de Personas con Discapacidad Física* (La Red) билан биргаликда Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси(IFES) Доминиканадаги ногиронларнинг сиёсий ҳуқуқлари ҳақидаги хабардорликларини ошириш устида иш олиб борди. Бир қатор манфаатдор томонлар (ногиронлар гуруҳлари, сайлов ўтказувчи давлат органи, сиёсий партиялар ва номзодлар)га бағишланган дастур мазкур муаммоларни ечишга йўналтирилган бўлиб, Доминикан Республикаси давлатининг 2009 йилдаги Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (CRPD)ни ратификация қилиши оқибатида вужудга келадиган мажбуриятларга эътиборни қаратади.

Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси(IFES) ва La Red ташкилотлари ногирон фуқароларнинг овоз беришларини ва сиёсий ҳаётда фаолликларини оширишни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2012 йил май ойидаги президент сайловларидан аввал ва кейин икки йиллик лойиҳаси доирасида ҳамкорлик қилдилар. Ушбу казус фуқаролик жамияти, давлат ва сиёсий партияларнинг орасидаги ҳамкорликнинг ижобий натижаларини намоён қилади.

“ Мен шунга аминман-ки, ногиронларни номзодлар сифатида, ҳамда кўплаб бошқа ногиронларни сайловчилар сифатида келажакда кўрамиз, чунки бу мамлакатимизнинг сиёсий қисматидир. Менинг фикримча, биз ҳозирги кунда амалга ошираётган ишлар умумий сайлов жараёнларига иштирок этишига асос яратади ”

Кристина Франсиско, Ногирон Аёллар Уюшмаси (доираси) асосчиси,
Доминикан Республикаси

Қандай қилиб ушбу лойиҳа ногиронларни сайловлар ва сиёсий ҳаётга жалб этишга кўмаклашди?

Бошқарув - Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси(IFES) ногирон аёлни лойиҳанинг менежери сифатида ишга ёллаб, суб-пудратчи сифатида маҳаллий ногиронлар ташкилотини жалб этди. Мазкур ногиронлар ташкилоти эса ўз навбатида лойиҳани бошқаришни барчаси аёллардан иборат бўлган гуруҳга юкледи. Барча фаолиятлар мазкур гуруҳ билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди.

Англашув Меморандуми (Меморандум) - Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси(IFES) Марказий Сайлов Комиссияси (Junta Central Electoral (JCE)) ва 18 та маҳаллий ногиронлар ташкилотлари ўртасидаги Англашув Меморандумининг имзоланишига кўмаклашди. Мазкур келишув Комиссияси томонидан ногиронлар ташкилотлари билан имзоланган биринчи ҳужжат бўлиб, сайлов жараёнига ногиронларни жалб қилишнинг такомиллаштириш йўллари бўйича ушбу гуруҳлар ўртасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлайди.

“Менга ушбу ишда иштирок этишим жуда муҳим эди, чунки у, мен каби ногиронлар тўқнаш келадиган тўсиқларни назорат қилиш имкониятини беради.”

Мария дель Кармен Гуэрро Герман, 23 ёшли талаба, кузатувчи сифатида тренинг иштирокчиси, Доминикан Республикаси

Сиёсий ҳуқуқлар бўйича тренинг - Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси(IFES) ва La Red ташкилотлари сайлов жараёнлари ва овоз беришнинг муҳимлиги мавзусида вилоят ва туман/шаҳар даражаларида амалий семинарларни ташкиллаштирадилар. Мазкур семинарларда 2279та ногирон иштирок этди. Йигирмата ногиронлар ташкилотлари (DPO) раҳбарлари ҳам сайлов ҳуқуқлари тўғрисидаги хабардорликни ошириш учун мувофиқлаштирувчи сифатида тренингларда иштирок этдилар. Бундан ташқари, 1000та эълон ва сайловчиларни ўқитиш брошюраларини тарқатиш орқали хабардорлик оширилди.

Сиёсий платформа ва форум – Ўн саккизта ногиронлар ташкилотлари муҳим масалалар, жумладан қулай инфратузилма ва қамровли таълим бўйича сиёсий платформани ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳини туздилар. Ушбу платформа тўртта сиёсий партия иштирок этган форумда президентликка номзодларга тақдим қилинди. Ҳар бир номзод мазкур платформани имзолаб, сайланган тақдирда, унинг меъёрларини амалга ошириш мажбуриятини олдилар. Ҳалиб чиққан номзоднинг ҳуқуқати ҳужжатдаги таклиф ва мулоҳазаларни ижросини таъминлади. Буларга “Ногиронлар тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш, ногиронлар аравачалари учун йўлқаларни қуриш ҳамда савод



Сайловлар бўйича эълон ва брошюралар бутун мамлакат бўйлаб, жумладан университетларда, реабилитация қилиш марказларида ва жамоа марказларида тарқатилди.

даражасини ошириш бўйича мамлакатнинг режасини ишлаб чиқиш киради.

Сайловчиларни рўйхатга олиш - Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси(IFES) ва La Red ташкилотлари Марказий Сайлов Комиссияси (JCE) билан ҳамкорликда ишлаб, комиссиянинг “Verificate” кампанияси доирасида олти наогирон аёлларни раҳбарлик лавозимларига тайинлаш бўйича ишларни мувофиқлаштирдилар. Ушбу кампаниянинг асосий мақсади одамларнинг сайловларда рўйхатдан ўтганликларини ва сайлов участкалари ҳақидаги маълумотларни текширишларини тарғиб қилишдир. Кўпроқ наогиронларни қамраб олиш мақсадида, Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси(IFES) Доминикан Реабилитация қилиш Ассоциацияси каби ташкилотларни “Verificate” кампаниясининг фаолиятларини мувофиқлаштирувчи марказлари (хаблари) сифатида хизмат қилишлари учун танлаб олди. Ушбу стратегия натижасида, 1000дан ортиқ наогиронлар ўзларининг сайловчилар рўйхатидаги маълумотларини тасдиқлаш имкониятига эга бўлдилар.

Сайлов участкаси ходимларини ўқитиш – Марказий Сайлов Комиссияси (JCE) La Red ташкилоти ва Наогиронлар Миллий Кенгаши билан биргаликда наогиронларнинг сайловдаги овозларини тартибга солиш масалалари билан шуғулланадиган 154та мансабдор шахсларни ўқитадиган тренерларни малакаларини оширишни қўллаб-қувватлади. Турли хил махсус маҳоратлар, жумладан имо-ишоралар тилининг асослари ушбу тренингларда ўқитилди. Ўзлаштирилган маълумотлар тренерлар томонидан шаҳар/туман даражасидаги сайлов участкалари ходимларига каскадли тренинглар давомида етказилди. Шу билан биргаликда, ахборот брошюраси сайлов участкалари ходимлари томонидан сайлов кунда ишлатилиш учун ишлаб чиқилди.



Сайловчилар сайлов кунда сайлов участкаси сифатида ишлатилаётган бейсбол стадиони ичида

Сайловчиларни ўқитиш - Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси(IFES) Марказий Сайлов Комиссияси (JCE)нинг телевидениядаги эълонлар орқали наогиронлар жамиятига мўлжалланган сайи-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади.⁵³ Видео лавҳада наогиронларнинг ўз ҳудудларида жамоа ишларидаги фаолиятлари акс эттирилган. Биринчи марта, сайлов ўтказувчи давлат органи матннинг имо-ишоралар тилидаги таржимасини ҳам мазкур видео лавҳага киритди.

⁵³ “Сен танлаш ҳуқуқига эгасан!”, YouTube, Марказий Сайлов Комиссияси, 2012 йил 12 май, <http://www.youtube.com/watch?feature=player_embedded&v=ZojfAqP8K_U>.

Сайловчиларни ўқитиш бўйича эълон кенг намойиш этилиб, саккизта телевидения каналларини ва Марказий Сайлов Комиссияси (JCE), Ногиронлар Миллий Кенгаши, ҳамда президентликка номзоднинг веб-сайтларини қамраб олди. Сайловдан бир кун аввал олинган маълумотга кўра, ушбу эълон Марказий Сайлов Комиссияси (JCE) веб-сайтидаги энг кўп кўрилган видео лавҳа эканлини эътироф этилди. Марказий Сайлов Комиссияси (JCE) амалда ўзларининг теле-станциялари орқали кўрсатилган барча расмий видео лавҳалари ва дастурларини, бу ҳам биринчи марта, имо-ишоралар тилидаги таржимаси билан намойиш этиб борди.

Сайловни кузатишда барчанинг манфаатларини инобатга олиш - Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси(IFES) ногиронлик масаласини сайлов кузатуви чора-тадбирларига тадбиқ этиб, ногиронларнинг сайловларда иштирок этишини таъминлашга оид еттита саволни ишлаб чиқди. IFES ташкилоти миллий сайловни кузатиш гуруҳи “*Participacion Ciudadana (PC)*” билан ҳамкорлик қилди ва унинг 3000та кузатувчиларини мамлакат бўйлаб жойлашган сайлов участкаларига иштирок этиш учун юборишдан аввал, мазкур саволларни уларнинг назорат рўйхатига киритди.

Сайловларга иштирок этишни кузатиш - Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси(IFES) кўпчилиги ёш аёллар бўлган 22та ногиронни сайлов кузатувчиси сифатида ўқитди. Ушбу тренингда, кузатувчилар сайловларда иштирок этиш масалалари учун махсус ишлаб чиқилган назорат рўйхатидан фойдаланишни ўрганишди. Сайловда иштирок этишни кузатувчилар сайлов кунда мамлакат бўйлаб сайлов участкаларига бириктириб қўйилдилар.

Марказий Сайлов Комиссияси (JCE) учун таклиф ва мулоҳазалар – Сайлов иштирок этишни кузатиш ҳисоботларида кўрсатилган тўсиқларга асосланиб, Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси(IFES) ва La Red ташкилотлари Марказий Сайлов Комиссияси (JCE)га келажакда бўладиган сайловларда иштирокни янада ошириш учун таклиф ва мулоҳазаларни ишлаб чиқдилар. Марказий Сайлов Комиссияси мазкур сайлов жараёнини такомиллаштириш учун ногиронлар ташкилотлари ва Ногиронлар Миллий Кенгашининг маслаҳатларини олишга ҳаракат қилган.

Сайлов ўтказувчи давлат органи ходимларининг малакасини ошириш - Марказий Сайлов Комиссияси (JCE) давлатнинг турли ҳудудларидан бўлган ўзининг 155 ходимига Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси(IFES) ва La Red ташкилотлари томондан ташкиллаштирилган “ногиронларни сайлов жараёнига жалб этиш бўйича” бир кунлик тренингларда иштирок этиш топширилган. Ҳар бир ҳудудий идора вакиллари ўрганган мавзулари юзасидан амалий Чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқдилар.

Ногирон ёшларни ўқитиш – Ногирон ёшлар ногиронлар ташкилотлари ишида ёки ўз жамоаларининг сиёсий ҳаётида иштирок этишда фаол эмаслар. Ушбу ёшларга келажакда етакчилар орасида



Тренинг охирида, Марказий Сайлов Комиссияси (JCE) расмийлари ҳудудларда сайлов жараёнининг янада очиқлигини таъминлаш бўйича ўзларининг Чора-тадбирлар режаларини тақдим этдилар.

бўлиш маҳоратларини ривожлантиришга кўмак бериш мақсадида Халқаро Сайлов Тизимлари Жамғармаси(IFES) ва La Red ташкилотлари томонидан ногиронлар ташкилотларининг мамлакатнинг турли жойларидан келган 16 янги аъзолари учун икки кунлик “Етакчилик маҳоратини ошириш бўйича” тренинглари ташкиллаштирилди. Мазкур тренинг иштирокчилари биринчи марта етакчилик ва мулоқот қилиш маҳоратларини ошириш имкониятига эга бўлдилар. Тренинг натижасида юқори кўрсаткичларга эришган саккизта иштирокчи мулоқот услублари бўйича қўшимча индивидуал машқларда иштирок этдилар ва амалиёт ўтаб, эндиликда ўзларининг аҳолилари орасида ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисида ва янги ногиронлар ҳақидаги қонунни тушунтиришга оид мунозаларни ташкиллаштириш имкониятига эга бўлдилар.

Олинган сабоқлар билан бўлишиш - La Red ташкилоти давлат ва фуқаролик жамияти вакиллари билан бўлган муносабатлари юзасидан олинган тажрибалари тўғрисида рисоласини⁵⁴ ишлаб чиқдилар. Улар мазкур рисолаи ҳудудлардаги ногиронлар ташкилотлари ва сайлов ўтказувчи давлат органлари орасида тарқатдилар.

Мавжуд муаммолар ва олинган сабоқлар

Ногиронлар жамияти икки асосда бўлинган: турли ногиронларни намоён этувчи гуруҳлар ўртасида, ҳамда фуқаролик жамияти ва Ногиронлар Миллий Кенгаши ўртасида. Сиёсий платформани ишлаб чиқиш мақсадида ногиронлар ташкилотларининг ҳамкорликдаги сайи-ҳаракати муҳим бўлган масалалар атрофида уларни бирлаштириш ва ушбу масалаларни давлатнинг сиёсий кун тартибига қўйишга мажбур қилди. Натижада, ногиронлар ташкилотлари “Ногиронлар тўғрисида”ги миллий қонуннинг қабул қилинишига ҳамда ногиронларнинг ҳаёт ва ижтимоий шароитларини яхшилашга қаратилган “Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳақида”ги махсус чора-тадбирлар дастурининг амалга тадбиқ қилинишига гувоҳ бўлдилар.

- Сайлов ва сиёсий жараёнга оид фаолиятларни амалга ошириша оладиган малакали ногиронлар ташкилотлари ходимларининг сони чегараланган эди.
- Сайлов ўтказувчи давлат органлари (EMB) ва бошқа давлат идоралари мансабдор шахслари ўз фаолиятларига Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (CRPD) қандай қилиб таъсир ўтказишини билмас эдилар.
- Сиёсий партиялар ногиронлар билан осонгина муносабат қураб эдилар, аммо лекин уларни партиянинг етакчилари ёки номзодлари сифатида кўрсатишга иккиланар эдилар.
- Ҳукумат ва Доминикан Республикасидаги гаитияликлар жамоаси⁵⁵ ўртасидаги зиддият лойиҳанинг сайловчиларни рўйхатга олиш, сиёсий нозик масалалар каби баъзи жиҳатларини амалга оширилишига олиб келди.

⁵⁴ “Танлаш ҳуқуқи” Энг яхши тажриблар ва сабоқлар Қўлланмаси. Сайлов Тизимлари Халқаро Жамғармаси (IFES). La Red Иbero-америка ногиронлар ташкилотлари Ассоциацияси, 2012 йил 12 май, <<http://www.IFES.org/~media/FBD32B2B184542CDA3D753431C4331C3.pdf>>.

⁵⁵ “Доминикан Республикаси ҳақида умумий маълумот”, Майда миллатлар ва маҳаллий халқлар (аборигенлар) бўйича Жаҳон Каталоги. Майда миллатлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро гуруҳ. <<http://www.minorityrights.org/2565/dominican-republic/dominican-republic-overview.html>>.

Натижа

- Ногиронлар ташкилотлари ва Марказий Сайлов Комиссияси (JCE) ўртасида имзоланган Англашув Меморандуми натижасида форум ташкиллаштирилиб, унда ногиронларнинг иштироки масалалари муҳокама этилиши мумкин.

- Биринчи марта, кар доминиканликлар Марказий Сайлов Комиссияси (JCE)нинг кундалик теле-кўрсатувидан сайлов жараёнлари ҳақида билиб олдилар, чунки ҳар бир кўрсатув имо-ишоралар тилидаги таржимаси билан намоиш этилиб борди.

- Мамлакат бўйлаб ишлатилган миллий кузатувчиларнинг назорат рўйхатларига ногиронларга оид махсус саволлар киритилди.


- “Ногиронлар тўғрисидаги Қонун” 2013 йил феврал ойида қабул қилинди. Мазкур лойиҳа доирасида ишлаб чиқилган сиёсий платформа ва форуми ушбу қонуннинг қабул қилинишига катта тўртки берди.

Янги қонун Доминикан Республикасининг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (CRPD) бўйича мажбуриятларини тан олиб, Ногиронлар Миллий Кенгашининг ҳудудий (вилоят ва туман) идораларини очиш билан ваколатларини кенгайтирди.

- Эндиликда Марказий Сайлов Комиссияси (JCE) сайловларни ўтказиш бўйича Директор ўринбосарини ногиронларни жалб этиш учун бевосита жавобгар бўлган шахс этиб тайинлади.

Тавсиялар

Лойиҳа ижрочилари амалга оширилган ишлар/фаолиятларнинг мувофақияти учун қуйидаги жиҳатларни муҳим деб топди:



Овоз бериш шаблонини тўлдиргандан сўнг, эркак киши ўзининг сайлов бюллетенини сайлов қутисига солиш жараёни.

- Лойиҳани ишлаб чиқишда ва амалга оширишда турли ногиронлиги бўлган шахсларни жалб қилиш лозимлигини.
- Ногиронларни раҳбарлик лавозимларига, яъни лойиҳа менежерлари, сайлов кузатувчилари, сайлов ўтказувчи давлат органи (ЕМВ)нинг вақтинчалик ходимлари ва тренерлар сифатида тайинланганлигини.
- Ногиронлар ташкилотлари, сайлов ўтказувчи давлат органлари (ЕМВ), сиёсий партиялар ва сайловни кузатувчи гуруҳлар орасида ҳамкорлик муносабатларини ўрнатилганлигини.
- Давлат идоралари ва фуқаролик жамияти ташкилотларининг аҳолининг барча қатламлари учун янада очиқлиги ва уларни янада кенгроқ қамровлиги бўйича махсус тавсиялар берилганлигини.
- Сайлов ўтказувчи давлат органи (ЕМВ)да ногиронларни жалб этиш ва иштирокини таъминлаш бўйича интилиши ва сиёсий ваколати бўлган шахсни белгиланганлигини.



Илова: Сайловларда иштирок этишнинг муҳим асослари

Қуйида ногиронларни сиёсий ҳаётга тўлиқ жалб қилиш йўлида қабул қилинган халқаро ва минтақавий ҳужжатлардан кўчирмалар келтирилган. Илтимос, тўлиқ матн учун ҳаволаларни кўринг.

1948й. декабр – “Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси”,⁵⁶ 21- модда

1. Ҳар бир инсон бевосита ёки эркинлик билан сайланган вакиллари воситада ўз мамлакатини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эгадир.
2. Ҳар бир инсон ўз мамлакатада давлат хизматига киришда тенг ҳуқуқига эгадир.
3. Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг негизи бўлмоғи лозим; бу ирода вақти-вақти билан бўладиган ва сохталаштирилмаган сайловда ўз аксини топиши, ушбу сайлов ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқига кўра, яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлиги таъминлайдиган бошқа тенгма-тенг сайлов жараёни орқали ўтказилиши керак.

1976й. март – “Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт”,⁵⁷ 25 – модда

Ҳар бир фуқаро 2-моддада эслатиб ўтилган ҳеч бир камситишларсиз ва асосланмаган чеклашларсиз қуйидаги ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эга бўлиши керак:

- a) ҳам бевосита, ҳам эркин сайланган вакиллар орқали давлат ишларини бошқаришда қатнашиш;
- b) ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган ва сайловларнинг эркин ҳолдаги хоҳиш-иродасини таъминловчи чинакам даврий сайловда овоз бериш ва сайланиш;
- c) ўз мамлакатада умумий шартларда давлат хизматига киришда тенгликка йўл қўйиш.

2001й. сентябр – Ногиронларга нисбатан камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисида Америкалараро Конвенция,⁵⁸ 3-модда

Ушбу Конвенциянинг мақсадларига эришиш учун, иштирок этувчи давлатлар қуйидаги мажбуриятларни бажаришни ўз зиммаларига оладилар:

1. Ногиронларга нисбатан камситишни бартараф этиш ва уларнинг жамиятга тўлиқ интеграциялашувини тарғиб қилиш мақсадида қонуний, ижтимоий, таълим, бандлик оид ёки ҳар қандай бошқа чора-тадбирларни қабул қилишни, шу жумладан, лекин бу билан чекланмаган ҳолда:

⁵⁶ “Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси”. БМТ. <<http://www.un.org/en/documents/udhr/>>.

⁵⁷ БМТ Инсон Ҳуқуқлари, “Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт”. <<http://www.ohchr.org/en/professionalinterest/pages/ccpr.aspx>>.

⁵⁸ “Ногиронларга нисбатан камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисида Америкалараро Конвенция.” Америка Давлатлари Ташкилоти. <<http://www.oas.org/juridico/english/sigs/a-65.html>>.

а) Камситишни аста-секин бартараф этиш ҳамда товарларнинг, хизматларнинг, воситаларнинг, дастурларнинг ва фаолият тури ҳисобланган иш таъминоти, транспорт воситаси ташуви, алоқа, уй-жой таъминоти, дам олиш, таълим, спорт, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва судловни амалга ошириш, ҳамда сиёсий ва маъмурий фаолиятларини амалга оширишда ёки етказиб беришда давлат идоралари ва/ёки хусусий шахслар томонидан интеграциялашувини қўллаб-қувватлашга оид чоратадбирлар.

2008й. май - Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (CRPD),⁵⁹ 29 – модда

Иштирок этувчи давлатлар ногиронларнинг сиёсий ҳуқуқларини ва улардан бошқалар билан тенг равишда фойдаланиш имкониятларини кафолатлайди ҳамда қуйидаги мажбуриятларни олади:

а) ногиронлар бошқалар билан тенг равишда сиёсий ва ижтимоий ҳаётда бевосита ёки эркин сайланган вакиллари орқали самарали ва ҳар тарафлама иштирок этишлари, шу жумладан сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари ва имкониятларига эга бўлишларини, жумладан, қуйидагилар орқали таъминлаш:

- i) овоз бериш тартиблари, бинолари ва материаллари англаш ва фойдаланиш учун мос ва осон бўлишини таъминлаш;
- ii) ногиронларнинг сайловларда ва давлат референдумларида ёпиқ овоз беришда қўрқитилмасдан иштирок этиш ҳамда ўз номзодларини сайловларда, давлат ҳокимиятининг барча даражаларида давлат лавозимларини амалда эгаллашига ва давлат функцияларини бажаришларига оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳамда тегишлича кўмак берувчи ва янги технологиялардан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш;
- iii) ногиронларнинг сайловчилар сифатида ўз иродаларини эркин билдиришларини кафолатлаш ва шу мақсадда, зарурат бўлганда, уларнинг ўз танлови бўйича бирорта шахс томонидан овоз беришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосларини қондириш;

б) ногиронлар бошқалар билан тенг равишда ва камситилмасдан давлатни бошқаришда самарали ва ҳар тарафлама иштирок этишлари учун зарур шароитни яратишга фаол кўмаклашиш ҳамда уларнинг давлат ишларида иштирок этишларини, шу жумладан қуйидагилар орқали рағбатлантириш:

- i) фаолияти мамлакатнинг давлат ва сиёсий ҳаёти билан боғлиқ бўлган нодавлат ташкилотлари ва бирлашмаларида, шу жумладан сиёсий партиялар фаолиятида ва уларга раҳбарлик қилишда иштирок этиш;
- ii) халқаро, миллий, минтақавий ва маҳаллий даражада ногиронларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун ногиронлар ташкилотларини тузиш ҳамда уларга аъзо бўлиш.

2010й. май –Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, “Кишш Венгрияга қарши” иши⁶⁰

(ii) Мутаносиблик

39. Суд кўриб чиқиётган чеклов тўлиқ ва қисман васийликдаги шахслар ўртасида фарқламаслигини (юқоридаги 11-хат бошига қаралсин), ҳамда васийлий бекор қилинганида мазкур чеклов ҳам олиб ташланишини қайд этади (даъвогар томонидан даъво қилинмаган юқоридаги Ҳукуматнинг 27-хат бошидаги баённомасига қаралсин). Бироқ, суд Ҳукумат томонидан раддия қилинмаган даъвогарнинг юқорида 29-хат бошидаги даъвосидаги 0.75% сайлов ёшидаги

⁵⁹ Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва Қўшимча Протоколи. Сайлов Тизимлари Халқаро Жамғармаси (IFES), 2012 йил. <http://www.IFES.org/~media/Files/Publications/Books/2012/CRPD_Final.pdf>.

⁶⁰ “Алайош Кишш Венгрияга қарши” иши, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди. 2010 йил 20 май. <<http://hudoc.echr.coe.int/sites/eng/pages/search.aspx?i=001-98800>>.

венгер аҳолисининг васийлик тўфайли овоз бериш ҳуқуқидан барчалари асоссиз маҳрум этилганликлари бўйича хавотирларини инobatга олади. Мазкур суд ушбу рақамларни аҳамиятли эканлигини таъкидлаб, мазкур қонуний тақиқнинг оқибатларини аҳамиятсиз эмаслигини қайд этди.

40. Ихтиёрий ҳаракат қилиш чегаралари тамойили (margin of appreciation)га асосланиб, Ҳукумат ўз эътирозидида ўз қарорларининг оқибатини баҳолай оладиган, ҳамда онгли ва мулоҳазали қарор қабул қила оладиган шахсларгина жамият ишларида иштирок этишга рухсат этилиши бўйича қонун чиқарувчи томонидан қоидаларни ўрнатиш имконияти берилиши лозимлиги айтилган.

41. Суд мазкур соҳада, умуман олганда, “сайлаш ҳуқуқи”га нисбатан бугунги кундаги чекловларни ўрнатишнинг асослигини, ҳамда адолат мезонларига риоя қилинганлигини белгилаш бўйича кенг ҳуқуқ (ихтиёрий ҳаракат қилиш ҳуқуқи) миллий қонун чиқарувчига берилганлигини эътироф этади. Бунда, ақли заиф шахсларнинг овоз бериш қобилиятларини баҳолаш имкониятини берадиган тегишли қоидаларни ўрнатиш ҳуқуқи қонун чиқарувчига ҳавола қилиниши керак. Суд Венгрия қонун чиқарувчи органи томонидан рақобатлашувчи манфаатларнинг қиёсий таҳлили ўтказилганлиги ёки ўрнатилган чекловларнинг мутаносиблигини баҳоланганлиги ҳақида бирор исбот тақдим этилмаганлигини кўрсатиб ўтади.

42. Аммо лекин, Суд қисман васийлик остида бўлган ҳар қандай шахснинг (амалдаги қобилиятдан қатъий назар) сайлаш ҳуқуқига нисбатан мутлоқ тақиқнинг “ихтиёрий ҳаракат қилиш чегаралари тамойили” доирасида эканлигини қабул қила олмайди. Чиндан ҳам, Суд томонидан мазкур ҳолатларда қонун чиқарувчи томонидан кенг ихтиёрий ҳаракат қилиш ҳуқуқи такроран эътироф этилсада, мазкур ҳуқуқ умумқамровли бўла олмайди (“Херснинг Бирлашган Қиролликка қарши” иши (2-сон) [GC], ўша ерда, §82-сон). Бундан ташқари, жамиятдаги маълум ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ўтмишда жиддий камситишларга дуч келган ақли заиф шахслар каби аҳоли қатламларига нисбатан асосий ҳуқуқларнинг чекланиши жорий этилса, давлатнинг “ихтиёрий ҳаракат қилиш чегаралари тамойилини” қўллаш доираси жуда тораяди ва давлат мазкур чекловларни киритилиши учун жуда салмоқли сабабларини тақдим этиши лозим бўлади (яна қаралсин: гендер асосида камситилиши оқибатида жабр кўрганлар ишлари ҳам мисол бўлиши мумкин – “Абдулазиз, Каблес ва Балкандали Бирлашган Қиролликка қарши” иши, 1985 йил 28 май, §78-сон, А серияси 94-сон, ирқий асосда – “Д.Х. ва бошқалар Чехия Республикасига қарши” иши [GC], §182-сон, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди 2007 йил..., ёки жинсий асосда – “Э.Б. Францияга қарши” иши [GC], §94-сон, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди 2008 йил - ...). Баъзи бир таснифлашларнинг ўзларини шубҳа остига қўядиган бундай ёндашувнинг асосий сабаби, тарихда ушбу аҳоли қатламлари ҳақидаги узоқ муддат давомида нотўғри тушунча мавжуд эканлиги. Бу ўз навбатида уларнинг ижтимоий жиҳатдан инкор этилишларига олиб келган. Ушбу хурофот ва нотўғри тушунчалар оқибатида мазкур аҳоли қатламларининг шахсий қобилияти ва эҳтиёжларини баҳолашни инкор этадиган шаблонли қонунчилик қоидаларининг қабул қилинишига олиб келади (қаралсин: “Штукатуров Россияга қарши” иши, §95-сон, 2008 йил 27 март).

43. Ушбу ишдаги даъвогар қисман васийлик остида бўлганларнинг сайлаш ҳуқуқига автоматик ва тўлиқ чеклов натижасида ўзининг овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум бўлган. Шу тўфайли у ўзини қайсидир маънода мазкур чора қурбони деб ҳисоблаши мумкин. 1-сонли Баённоманинг 3-моддасига мувофиқ ақли заиф шахсларнинг ҳуқуқларига нисбатан янада оғирроқ чекловлар қўлланилганда даъвогар сайлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши ёки бўлмаслиги бўйича суд аниқ фикр-

мулоҳазалар юрита олмайди (қаралсин: mutatis mutandis “Херснинг Бирлашган Қиролликка қарши” иши (2-сон), ўша ерда, §§48- 52 гача).

44. Бундан ташқари, интеллектуал ёки ақли заиф ногиронларни бир қаторга қўйишни ва уларга нисбатан бир хил муносабатда бўлишни суд шубҳали таснифлаш сифатида кўриб, уларнинг ҳуқуқларини қисқартириш қаттиқ таҳлил мавзуси бўлиши кераклигини эътироф этди. Ушбу ёндашув юқорида келтирилган (14-17-хат бошлари) халқаро ҳуқуқнинг бошқа ҳужжатларида ҳам ўз ифодасини топган. Шу туфайли Суд ўзининг ҳулосаси сифатида сайлаш ҳуқуқининг асоссиз бекор қилинишини шахсий суд экспертизасиз фақатгина ақли заифлик туфайли қисман васийлик асосида қонуний овоз бериш ҳуқуқини чеклаш билан мувофиқ эмаслигини тан олган. Натижада Конвенция 1-сонли Баённомасининг 3-моддасининг бузилиши ҳолати мавжуддир.

2011 й. ноябр – Жанубий- Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (ASEAN) ҳамжамиятида ногиронлар иштирокини кучайтириш тўғрисидаги Бали Декларацияси⁶¹

Биз, Жанубий- Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (ASEAN) аъзо давлатлари халқлари, Бруней Даруссалам, Камбоджа Қироллиги, Индонезия Республикаси, Лао Халқ Демократик Республикаси, Малайзия, Мянма Иттифоқи, Филлиппин Республикаси, Сингапур Республикаси, Тайланд Қироллиги, Вьетнам Социалистик Республикаси, Давлат ёки Ҳукумат Раҳбарлари мазкур ҳужжатда қўйидагилар ҳақида аҳдлашдилар:

7. Ногиронларни ривожланишнинг барча жабҳаларида, жумладан маҳаллий ва миллий даражаларда раҳбарларни ва парламент аъзоларини сайлашда тенг сиёсий ҳуқуқни кафолатлаш орқали уларнинг сиёсий фаолиятларда иштирокларини қўллаб-қувватлаш.

2011 й. ноябр – Сиёсий ва ижтимоий ҳаётда ногиронлар иштирокини таъминлаш масаласи бўйича Европа Кенгаши иштирокчи- давлатларнинг министрлар қўмитаси тавсиялари CM/Rec (2011) 14⁶²

2.4. Сайлов жараёнлари, сайлов бюллетенлари ва воситалар (участкалар)

Барча даражалардаги сайлов олди ва сайлов даврида ҳамда бошқа жамоатчилик ишларида фуқароларнинг қатнашиши талаб этилганда фуқароларга қулайлик яратишга қаратилган қонун-қоидаларнинг аҳамиятига аъзо давлатлар тегишли эътиборларини қаратишлари лозим. Овоз бериш вақтида сайлов қоғоз бюллетенлари ва воситалари (участкалари)дан фойдаланиш имконияти яратилган бўлиши керак. Фуқароларнинг сиёсатда ва жамият ишларида қатнашишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида сайлов жараёнлари, бюллетенлари ва воситалари ҳақидаги ахборот алоқа воситалари орқали ўқилиши ва тушунилиши осон бўлган шаклларда, асосан, аввалдан тарқатилган бўлиши керак.

“Универсал дизайн” (концепцияси) тамойиллари сайлов жараёнлари, бюллетенлари ва воситалари каби масалаларга оид жисмоний шарт-шароит, товарлар ва хизматлар, ахборот ва

⁶¹ “Жанубий- Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (ASEAN) ҳамжамиятида ногиронлар иштироки”. Жанубий- Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (ASEAN) ҳамжамиятида ногиронлар иштирокини кучайтириш тўғрисидаги Бали Декларацияси. Жанубий-шарқий Осиё Давлатлари Ассоциацияси. <http://www.asean.org/archive/documents/_19th_summit/Bali_Declaration_on_Disabled_Person.pdf>.

⁶² “Сиёсий ва ижтимоий ҳаётда ногиронлар иштирокини таъминлаш масаласи бўйича иштирокчи- давлатларнинг министрлар қўмитаси тавсиялари CM/Rec (2011)14”. Европа Кенгаши. <<https://wcd.coe.int/ViewDoc.jsp?id=1871285&Site=CM>>.

алоқа воситаларидан фойдаланишни қийинлаштирадиган мавжуд тўсиқларни олиб ташлаш ва янги тўсиқларни яратмасликнинг таъминланишига кўмак бериши лозим. Юқорида келтирилган умумий эркин фойдаланиш мақсадларига эришиш йўлидаги ҳаракатларни амалга оширишда 6-сонли “Шарт-шароит яратиш”, 7-сонли “Транспорт”, 3-сонли “Ахборот ва алоқа” бўйича Ишчи йўналишларда, ҳамда Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (CRPD)нинг тегишли моддаларининг қоидаларида, яъни 9-модда “Фойдаланиш имконияти”, 21-модда “Фикр ва эътиқодни ифода этиш эркинлиги ва ахборотдан фойдаланиш имконияти” ва 13-модда “Одил судлов ҳуқуқидан фойдаланиш”да кўрсатилган мақсадлар ва аниқ чоралар инobatга олиниши лозим.

3. Ҳуқуқий лаёқатдан фойдаланишда камситишларга йўл қўймаслик

Европа Кенгаши Ногиронлар бўйича 2006-2015 йиллардаги Чоралар Режасининг 12-сонли “Ҳуқуқий ҳимоя” Ишчи йўналишининг ҳамда Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 12-моддаси “Қонун олдидаги тенглик” қоидаларини инobatга олиб, сиёсий ва жамият ҳаётида ногиронларга нисбатан аъзо давлатлар ўзларининг қонунчиликларида камситишларга умуман йўл қўймасликни таъминлашлари лозим. Асосан, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (CRPD)нинг 29-моддасига ва аъзо давлатлар тарафлари бўлган шу каби бошқа халқаро ҳужжатларга мувофиқ улар ёрдамга эҳтиёжи бўлган шахсларни ҳаётларининг турли жабҳаларида ўзларининг ҳуқуқ лаёқатларидан, жумладан ўзларининг сайлаш ҳуқуқларидан (умумий барча учун тенг ҳуқуқ) фойдаланаётганда қўллаб-қувватлашлари лозим. Аъзо давлатлар ўзларининг қонунчиликлари, барча даражаларда, ногиронларнинг сайлаш ёки сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилувчи меъёрлардан холи бўлишини таъминлашлари керак.

Жисмоний, сенсор ёки интеллектуал бузилишли, руҳий саломатлиги муаммолари ёки сурункали касалликлари борлигидан қатъий назар барча ногиронлар бошқа фуқаролар билан бир қаторда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлишлари, ҳамда ушбу ҳуқуқдан ҳуқуқ лаёқатларини чекловчи ҳар қандай қонунга, суд қарорига ёки бошқа қарорга мувофиқ ёхуд уларнинг ногиронликлари, билим олиш ёки идрок этиш қобилиятларига асосан ҳар қандай бошқа чораларга мувофиқ маҳрум қилинишлари мумкин эмас. Барча ногиронлар бошқалар билан тенг асосда давлат лавозимларига сайланиш ҳуқуқига ҳам эга бўлишлари, ҳамда ушбу ҳуқуқдан ҳуқуқ лаёқатларини чекловчи ҳар қандай қонунга, суд қарорига ёки уларнинг ногиронликлари, билим олиш ёки идрок этиш қобилиятларига асосан бошқа ҳар қандай қарорга мувофиқ ёхуд бошқа ҳар қандай воситаларга мувофиқ маҳрум қилинишлари мумкин эмас.

Аъзо давлатлар сиёсий ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида ногиронлик белгиси бўйича камситишни барҳам беришни таъминлашлари керак, яъни сайлаш, номзодлигини сайловда кўрсатиш, сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотлари ишларида ваколатларидан фойдаланиш ва/ёки фаол бўлиш, ёхуд жамият ишларини амалга ошириш масалаларига оид бўлганда камситишни йўл қўймасликлари керак. Ушбу камситувчи чораларга ногиронларга ўзларининг сиёсий ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланишлари учун қулайликлар ва воситаларни тақдим этиш мажбуриятларини (кўринг: юқоридаги 2-бандда, “Фойдаланиш имконияти”) бажармаслик ҳам киради.

2011 й. декабр - Венеция комиссиясининг Сайлов масалаларини ҳал қилишнинг амалий мақбул услублари Кодекси учун Сайлов ишларида ногиронлар иштироки масаласи бўйича

қайта кўриб чиқилган шарҳлар декларацияси⁶³

I. Сайлов масалаларини ҳал қилишнинг амалий мақбул услублари Кодекси, Демократияни ҳуқуқий таъминлаш бўйича Европа Комиссияси (Венеция комиссияси) томонидан 2002 йил октябрда қабул қилинган. Ушбу ҳужжатга мувофиқ “Европанинг сайлов мероси бешта тамойилларга асосланади: умумийлик, тенглик, эркинлик, яширин овоз бериш ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи” (I банд). Бундан ташқари, Кодекснинг I.1.1.-бандида “Умумий сайлов ҳуқуқи бу барча инсонлар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадир деганидир”.

1. Шу сабабли, ногиронлар бошқалар билан бир қаторда сайлаш ҳуқуқидан фойдаланиш ва сайланган вакил сифатида сиёсий ва жамият ҳаётида иштирок этиш имкониятига эга бўлишлари керак. Демократик жамиятни ривожлантириш учун барча фуқароларнинг сиёсий ва жамият ҳаётида, ҳамда демократик жараёнларда иштирокини таъминлаш жуда муҳим.

II. Қуйида Кодексида келтирилган тамойилларнинг изоҳи баён этилган

1. Умумий сайлов ҳуқуқи

2. Умумий сайлов ҳуқуқи – Европа Сайлов Меросининг асосий тамойили ҳисобланади. Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (CRPD)нинг 29-моддасига⁶⁴ ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Судининг амалиётига⁶⁵ мувофиқ ногиронлар ушбу масала юзасидан камситилишга дучор қилинмасликлари лозим.

3. Сайлов жараёнлари ва воситалари (участкалари) ногиронлар ўзларининг демократик ҳуқуқларидан фойдаланишлари учун қулай шароитлар ҳамда, зарурат туғилганда, овоз бериш ҳуқуқини шахсан (тўғридан-тўғри) амалга ошириш тамойилига мувофиқ сайловни амалга оширишда кўмак беришга имкониятлар яратишлари лозим (Кодекснинг I.4.b-банди).

4. Универсал дизайн тамойилларининг⁶⁶ қўлланилиши ва фойдаланувчининг лойиҳалаштиришнинг барча босқичларида тўғридан-тўғри ва/ёки билвосити иштироки - сайлов участкаларидан фойдаланишни, ҳамда овоз бериш ва сайлов ҳақидаги маълумотдан фойдаланишга оид сайлов жараёнларини такомиллаштиришнинг самарали воситалари ҳисобланади.

⁶³ Европа Кенгаши ва Венеция комиссияси. “Сайлов масалаларини ҳал қилишнинг амалий мақбул услублари Кодекси учун Сайлов ишларида ногиронлар иштироки масаласи бўйича қайта кўриб чиқилган шарҳлар декларацияси”. 2011 йил 19 декабр. <[http://www.venice.coe.int/webforms/documents/CDL-AD\(2011\)045.aspx](http://www.venice.coe.int/webforms/documents/CDL-AD(2011)045.aspx)>.

⁶⁴ Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 2006 йил 13 декабрда Нью-Йорк шаҳрида қабул қилинган.

⁶⁵ Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, “*Кишш Венгрияга қарши*” иши, 38832/06-сонли даъво, 2010 йил 20 майда қарор қабул қилинган. БМТ Конвенциясининг 29-моддасига ҳавола қилиб, 43-44 бандларга алоҳида эътибор қаратилсин.

⁶⁶ Универсал дизайн орқали тўлиқ иштироқга эришиш тўғрисидаги вазирлар қўмитасининг аъзо давлатларга CM/Rec (2011) 14-сонли Тавсияномаси: “Универсал дизайн” - барча одамлар учун мослаштириш ёки махсус дизайнни талаб этмайдиган ҳолда ҳар бир киши томонидан фойдаланилиши ва тушунилиши учун қулай ҳамда қўлланилиши учун осон бўлган турли хил шароитлар, маҳсулотлар, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда хизматларнинг лойиҳа ва таркибини шакллантириб, улар максимал даражадаги мумкин бўлган энг мустақил ва табиий тарзда стратегия ҳисобланади. , мослашувни ёки махсус чора-табдирларга талаби бўлмаган. “Барчага мос келувчи дизайн”, “интеграл қулайлик”, “фойдаланилиши қулай бўлган дизайн”, “қамровли дизайн”, “тўсиқсиз дизайн”, “авлодлараро дизайн” ва “барча учун қулайлик” атамалари мазкур матнда ишлатилган “Универсал дизайн” атамасига маънолари яқин бўлган сўзлардир.

2. Тенг сайлов ҳуқуқи

5. Мазкур тамойилга мувофиқ “Сиёсий партиялар ва номзодларга бир хилда тенг имкониятлар яратиш кафолати берилиши шарт” (Кодекснинг 1.2.3.а-банди). Ушбу тамойил сайловда ўзининг номзодини кўрсатган ногиронларга нисбатан ҳам тенг имкониятларни яратиш демакдир.

3. Эркин сайлов ҳуқуқи

6. “Сайловлардаги номзодлар ва уларнинг рўйхатлари билан танишиш имкониятини бериш” мажбурияти доирасида (Кодекснинг 1.3.1.b.ii-банди), давлат органлари юқорида келтирилган маълумотларни максимал даражада ва оқилона мослаштириш⁶⁷ тамойилини инobatга олиб тақдим этишлари ва ундан қулай фойдаланилиш учун шароитлар яратишлари шарт. Тақдим этилган маълумотлар осон ўқилиши ва тушунилиши керак.

4. Яширин овоз бериш ҳуқуқи

7. Бошқа йўллар қатори ногиронларнинг яширин овоз бериш ҳуқуқи “ногиронларнинг сайловчилар сифатида ўз иродаларини эркин билдиришларини кафолатлаш ва шу мақсадда, зарурат бўлганда, ногиронларнинг талабига мувофиқ, уларга технологиялардан овоз беришда ёрдамчи восита сифатида фойдаланиш ва/ёки уларнинг ўз танлови бўйича бирорта шахс томонидан овоз беришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосларини қондириш (агар мазкур шахснинг таъсири ҳаддат ташқари эмаслиги таъминланган ҳолатларда)”⁶⁸ орқали ҳимоя қилиниши лозим.

2011 й. декабр - БМТ Осиё ва Тинч океани иқтисодий ва ижтимоий комиссияси- Осиё ва Тинч океани ногиронлари ўн йиллигини амалга ошириш бўйича якуний таҳлилга оид Юқори даражадаги Ҳукуматлараро учрашуви доирасидаги минтақадаги манфаатдор томонларнинг кенгаши, 2003-2012 йиллар (Иккинчи сессияси)⁶⁹

Мақсад 2: Сиёсий жараёнларда ва қарорлар қабул қилишда иштирокни рағбатлантириш. Қуйидаги таклиф ва мулоҳазалар кўриб чиқиш учун тақдим этилди:

- (а) “Миллий, ҳудудий ва маҳаллий манфаатларни ҳимоя қилувчи ташкилотларнинг фаолиятида ўзаро ёрдам ташкилотлари ва оилавий манфаатларни ҳимоя қилувчи гуруҳларининг иштирокини ошириш” йўналишида янги мақсадни белгилаш

⁶⁷ Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ Конвенциясининг 2-моддаси, “Тушунчалар”; “оқилона мослаштириш” - ногиронларнинг бошқалар билан тенг равишда барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини амалга ошириш мақсадларида аниқ бир ҳолатда зарурат бўлганда мос келмайдиган ёки оқланмайдиган юк бўлмайдиган зарур ва мувофиқ модификациялар ва тузатишлар киритишни англатади.

⁶⁸ Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ Конвенциясининг 29-моддаси (iii); кўринг: юқоридаги II.2-банд ва Кодекснинг 1.4.b -банди.

⁶⁹ “БМТ Осиё ва Тинч океани иқтисодий ва ижтимоий комиссияси- Осиё ва Тинч океани ногиронлари ўн йиллигини амалга ошириш бўйича якуний таҳлилга оид Юқори даражадаги Ҳукуматлараро учрашуви доирасидаги минтақадаги манфаатдор томонларнинг кенгаши, 2003-2012”. Осиё ва Тинч океанида ижтимоий ривожланиш. БМТ Осиё ва Тинч океани иқтисодий ва ижтимоий комиссиясининг Ижтимоий ривожланиш бўлими. <<http://www.unescapsdd.org/disability/event/regional>>.

- (b) “Ногирон ёшлар”; “Интеллектуал ногиронлар”; ва “Психоижтимоий имконияти чекланган шахс бўлган ногиронлар”; “Ҳар хил ногиронлиги бўлган имконияти чекланган шахсларнинг сайлаш ҳуқуқларини амалга оширишлари учун оқилона шароит (мослаштириш) ва малакаларини ошириш”; ҳамда “имконияти чекланган шахс бўлган ногиронлар ва уларнинг оилаларининг вакиллик органлари” каби масалаларни киритиш
- (c) “Маҳаллий қонун чиқарувчи органлар ишида ва судлов жараёнида; ҳамда бошқа ривожланиш соҳалардаги қарор чиқарувчи органларнинг ишига ногиронларни жалб этиш масаласини”; “турли хил ногиронлар гуруҳларини нафақат миллий мувофиқлаштирувчи идора ишига, балки ҳудудий (провинция/штат; ва маҳаллий) мувофиқлаштирувчи идоралар ишларига жалб этиш масаласини инobatга олиш
- (d) Ҳар хил ногиронлиги бўлган имконияти чекланган шахсларга сайлов ва сайлов жараёнларига оид ахборот материалларини, жумладан ногиронларни сайловчилар сифатида рўйхатга олиш тартиби ҳақидаги маълумотларни тарқатиш лозимлигига ҳавола қилиш
- (e) “Ногиронлар ва уларнинг ташкилотларини миллий сайлов комиссия ёки тегишли давлат органи ишига жалб этиш” ҳақидаги масалани қўшиш

2011 й. декабр – Сиёсий ва ижтимоий ҳаётда ногиронлар иштирокига оид БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг тематик изланишлари⁷⁰

68. Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ Конвенцияси ногиронларнинг сиёсий иштироки учун янги даврни бошлаб берди. 29-моддага мувофиқ иштирок этувчи давлатлар ногиронларнинг сиёсий ҳуқуқларини ва улардан бошқалар билан тенг равишда фойдаланиш имкониятларини кафолатлайди. Мазкур қоида на бирор асосли чекловни, ва на бирор истиснони қўллашни назарда тутди. 12-модда ҳам ногиронлар ҳаётнинг барча жабҳаларида бошқалар билан тенг равишда ҳуқуқ лаёқатига эга эканлигини эътироф этиб, ушбу тамойилга истиснони назарда тутмайди ва иштирок этувчи давлатлардан “ногиронларга улар ўзларининг ҳуқуқ лаёқатини амалга оширишларида талаб этилиб қолиниши мумкин бўлган кўмакни тақдим этиш учун” зарур чораларни қабул қилишни талаб этади.

69. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Конвенцияга мувофиқ ногиронлиги туфайли ногиронларнинг сиёсий ҳуқуқларини бекор қилиш ёки чеклаш Конвенциянинг 2-моддасида назарда тутилган “ногиронлик белгиси бўйича камситишни” тушунчасига мос келади ва мазкур Конвенциянинг моҳиятига зид келади.

70. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси (OHCHR)нинг сўровномасига жавоб берган кўпгина давлатларда психоижтимоий ва интеллектуал имконияти чекланган шахс бўлган ногиронлар уларнинг сиёсий ҳуқуқларини ҳуқуқ лаёқатига боғлаган конституциявий ёки қонуний меъёрларга асосланиб, ҳали ҳам сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларидан маҳрум қилинганлар. Мазкур чеклашлар Конвенциянинг 2, 12 ва 29-моддаларига мувофиқ иштирок этувчи давлатлар томонидан

⁷⁰ БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари. “Сиёсий ва ижтимоий ҳаётда ногиронлар иштирокига оид БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг тематик изланишлари”. БМТ. 2011 йил 21 декабр. <http://www.ohchr.org/Documents/Issues/Disability/SubmissionThematicStudy/A.HRC.19.36_en.doc>.

олинган мажбуриятларга зид бўлиши мумкин бўлиб, Конвенция 4-моддасининг 1(a) ва (b)-бандларига асосан миллий қонунчилик ва амалиётдан биринчилар қаторида чиқариб ташланиши керак. Психоижтимоий ёки интеллектуал имконияти чекланган шахс бўлган ногиронлар томонидан сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларининг бошқалар билан тенг равишда фойдаланишини таъминлаш учун 12-модданинг 3-хат бошиси ва 29-модда (a) (iii)-банди доирасида иштирок этувчи давлатлардан “ногиронларга улар ўзларининг сиёсий ҳуқуқларини амалга оширишларида талаб этилиб қолиниши мумкин бўлган кўмакни, жумладан улар томонидан тайинланган шахснинг ёрдами бериш учун” барча зарурий чораларни қабул қилишни талаб этади.

71. “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт”нинг 25–моддаси ногиронларга нисбатан инсон ҳуқуқларининг риоя қилиниши соҳасидаги ривожланишни инобатга олган ҳолда талқин этилиши ва қўлланилиши лозим. Ушбу ривожланишларни инобатга олиб, Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмитаси ўзининг 25-сонли (1996 йил) “жамият ишларида иштирок этиш ҳуқуқи, овоз бериш ҳуқуқлари ҳамда давлат хизматида киришда тенг ҳуқуқлилик ҳақида”ги умумий талқинини қайта кўриб чиқиши ва унда мазкур соҳадаги халқаро инсон ҳуқуқи прогрессив ривожланишини ифода этиши лозим.

72. Сўровномага берилган жавобларнинг ичида давлатлар томонидан бошқалар билан бир қаторда ногиронларнинг овоз бериш имкониятини таъминлаш учун қабул қилинган чоратadbирларига оид бир қатор ижобий мисоллар келтирилган. Бироқ, мазкур жавоблар кўплаб давлатларда ногиронлар ҳанузгача бир қатор сайлов участкалардан фойдаланиш учун керакли шароитларнинг мавжуд эмаслигидан, то фойдаланилиши қулай форматдаги маълумотларнинг тақдим этмаслик каби жисмоний ва мулоқот билан боғлиқ бўлган тўсиқларга дуч келаётганликларини намоён қилади. Бу тўсиқлар ногиронларнинг жамият ишларида тенг ва самарали равишда иштирок этишларини қийинлаштиради ёки чеклайди. Ногиронларнинг сиёсий ҳуқуқларидан тенг асосда ва самарали равишда фойдаланишлари учун давлатлар томонидан янада кўпроқ чоралар қабул қилиниши талаб этилади.

73. 29-модданинг (a) (iii)-бандининг талабига мувофиқ, иштирок этувчи давлатлар ногиронларда сайловчилар сифатида ўз иродаларини мустақил билдириш имконияти мавжуд бўлмаганда, уларнинг ўз танлови бўйича бирорта шахс томонидан овоз беришда ёрдам кўрсатишга рухсат бериш бўйича чораларни кўриш мажбуриятини олганлар. Давлатлар ўзларининг жавобларида ёрдам кўрсатишнинг бир неча ижобий мисолларни келтириб, ногиронлар улардан ўзларининг овоз беришларида фойдаланишлари мумкин. Хусусан, давлатлар сайловда қатнашишнинг муқобил йўлларининг рўйхатини тақдим этишди, жумладан унга почта орқали овоз бериш ёки ногиронларнинг сиёсий иштирокини қўллаб-қувватлашга мўлжалланган махсус ишлаб чиқилган ва жиҳозланган сайлов участкаларида овоз бериш киритилган.

74. Ушбу чораларнинг мақсадга мувофиқлиги ногиронларни жамиятнинг барча жабҳаларига жалб этиш ва уларнинг мустақиллигини, эркинлигини ҳамда қадр-қимматини ошириш бўйича умумий мажбуриятни инобатга олинган ҳолда белгиланиши керак. Ногиронларнинг бошқалар каби сайлов участкаларида овоз бериш имкониятлари мавжуд бўлмаса ёки жуда қийин бўлсагина муқобил овоз бериш йўллари қўлланилиши лозим. Умуман олганда овоз беришда ёрдам кўрсатишга ва муқобил овоз беришга ногиронларнинг сиёсий иштирокини таъминлашнинг йўллари сифатида қараш иштирок этувчи давлатларнинг Конвенция 4- ва 29- моддаларидаги умумий мажбуриятларига тўғри келмаслиги мумкин.

2012 й. ноябр- Сайловларда тенг ҳуқуқли иштирок тўғрисида Бали мажбуриятлари⁷¹

Биз, сайлов ўтказувчи давлат органлари, ногиронлар ва фуқаролик жамияти ташкилотлари, халқаро ташкилотлар ва муассасалар аъзолари, ҳамда таълим соҳаси вакиллари, мамлакатлар сиёсий ҳаётдан кўпинча ногиронлар четлаштирилган эканликларини тан олиб, сайлов жараёнининг янада қамровли ва умуммақбул бўлиши учун чораларни кўриш мажбуриятини оламиз.

Биз “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси”, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пакт ва “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияда эълон қилинган ҳуқуқлар ва тамойилларнинг муҳимлигини таъкидлаймиз.

Биз яширин овоз бериш йўли орқали эркин, адолатли ва умумқамровли сайловларда иштирок этиш ҳуқуқига риоя қилишни талаб қиламиз. Ушбу ҳуқуқлар барча фуқароларга, жумладан жисмоний, сенсорли, интеллектуал ёки психоижтимоий имконияти чекланган шахс бўлган ногиронларга тенг равишда тадбиқ этилади.

Биз Жанубий-Шарқий Осиёдаги ҳар бир давлатда ўзига хос тўсиқлар борлигини эътироф этамиз. Биз яна “Жанубий- Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (ASEAN) ҳамжамиятида ногиронлар иштирокини кучайтириш тўғрисида”ги Бали Декларациясининг 7-моддасидаги мазкур Ассоциацияга аъзо давлатларнинг олган мажбуриятларини қайта тасдиқлаймиз.

Биз ҳар биримиз ногиронларнинг тўлақонли ва тенг равишда сиёсий жараёнларда иштирокларини таъминлаш учун камситишнинг барча шаклларини бартараф этишга қатъий интиламиз. Мазкур мажбуриятларни инобатга олиб, биз ушбу билан қуйидагиларни биргаликда амалга оширишда ногиронларга тенг имкониятларни таъминлашга келишдик:

1. Миллий шахсни тасдиқловчи карточкалар билан таъминлаш ва сайловчилар сифатида рўйхатга олиш*
2. Сайлов қонунчилиги олдида тенг ҳуқуқлилиқ
3. Имо-ишоралар тили, Брайл шрифти, аудио восита, йирик шрифт, тасвирий ифодалаш орқали ёки ўқилиши осон усуллар каби мақбул форматлардан фойдаланиш билан фуқароларни ва сайловчиларни ўқитиш, ҳамда сиёсий партияларнинг платформалари ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш
4. Мақбул овоз бериш хоналари (будкалари), сенсорли белгилар тўфайли осон ўқиладиган сайлов бюллетени, паст жойлашган овоз бериш хоналари, лупа, катта ушлашга қулай ручка кабилар ёрдамида оқилона шароит ва воситаларни қўллаш
5. Ёрдамчи воситалардан фойдаланувчилар томонидан осон ҳаракатланишга имконият берадиган ясама нишобликлар ва бинонинг жойлашиш тартиби (тузилиши) каби қулай инфратузилмалардан фойдаланиш

⁷¹ “Сайловларда тенг ҳуқуқли иштирок тўғрисида Бали мажбуриятлари.” Сайлов Тизимлари Халқаро Жамғармаси (IFES). <http://www.ifes.org/Content/Publications/Articles/2012/~media/Files/Publications/International_Standards/2012/Bali_Commitments_on_Equal_Access_to_Elections_Nov_2012.pdf>.

6. Мақбул форматларда сайлов натижаларини ҳисоблаш ва эълон қилиш
7. Даъво аризасини бериш ва низоларни ҳал қилиш жараёнида қатнашиш
8. Номзодлар, сайлов ўтказувчи давлат органи мансабдор шахслари, сайлов участкаси ходимлари ва кузатувчилар каби лавозимларда етакчилар сифатида хизмат қилиш

Биз ўз мамлакатларимизга қайтганимизда ҳукуматлар, ногиронлар ташкилотлари, фуқаролик жамияти, оммавий ахборот воситалари ва бошқа манфаатдор томонлар билан мазкур конференциядан олган тажрибамизни ва натижаларини бўлишамиз. Биз ҳамкорликни ҳамда энг яхши амалиёт ва қилинган хулосалар билан ўзаро бўлишиш тажрибасини давом эттириш истагимизни тасдиқлаймиз.

*Иштирокчилар сайловчиларни рўйхатга олиш жараёнида ногиронларнинг турларига қараб маълумот йиғишга сайлов ўтказувчи давлат органларини (ЕМВ) даъват этадилар.